

ЖОМИЙ
ВА ЎЗБЕК
АДАБИЁТИ



FF0000007709

ЭРОН ИСЛОМ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ
ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЭЛЧИХОНАСИ
МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАКОЛАТХОНАСИ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ
ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ЖОМИЙ ВА ЎЗБЕК АДАБИЁТИ

Халқаро илмий анжуман материалари

1/4
Ўзбектици ва адабиёти
кутубхонаси

«Ал-Худо»
халқаро нашриёти



«Мовароуниахр»
нашриёти

Тошкент

13027
ALISHER NAVOIY NOLI
2005
ToshDO'TAU
AXBOROT-RESURS MARKAZI

МУНДАРИЖА

Н. Комилов. Татаббуъга татаббуть	4
Ҳ. Ҳомидов. Афсаҳзод – Жомий ижодининг тадқиқотчиси	11
А. Абдуқодиров. Анъанавий мавзу ва ижодий ўзига хослик	17
С. Фаниева. Яна «Хамсат ул-мутаҳайирин» ҳақида	26
Ж. Холмұминов. Жомийнинг «Ад-дуррат ул-фохира» номли асари («Тасаввүф, қалом ва фалсафа баҳси»)	30
А. Мадраимов. Жомийнинг «Юсуф ва Зулайх» достонига ишланған миниатюралар ҳақида	34
Ф. Каримова. Дебочаларда ижодий ҳамкорлик излари	38
М. Сулаймонов. Қайюмий тазкирасида Жомий зикри	42
И. Ёкубов. Ўзбек романларида Жомий образи	48
Т. Матёкубова. Пуршукуҳ анжумандаги нутқ	56
А. Қурбонов. «Жоми жамдуур синғон сағоли»	62
К. Мұллахұжаева. «Хамса» мұқаддимотларыда Жомий сиймоси	72
Нодирхон Ҳасан. Абдураҳмон Жомий Яссавий ҳақида	81
Р. Воҳидов. Жовидон шеърият	83
Э. Очилов. Жомий – Навоий идеалидаги комил инсон	98
Ш. Ҳайитов. Баркамол инсон: мутойиба маданияти	107

Нажмиддин КОМИЛОВ

ТАТАББУТЬГА ТАТАББУЬ

Эътиборга лойиқ бўлган бадиий етук асарларга жавобия айтиш ёки татаббуть қилиш мумтоз адабиётимизда анъанага айланган ҳодиса эди. Бу ўзига хос ижодий мусобақа бўлиб, бир қанча тенг қимматли ранг-баранг асарларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди. Алишер Навоий ва Жомий орасида ҳам ана шундай ижодий ҳамкорлик, бир-бирининг асарларидан илҳомланиш бўлганини биламиз. Аммо тадқиқотчиларимиз аксар ҳолларда Навоийнинг устози Жомий ижодидан таъсирланганлиги ҳақида фикр юритадилар. Ваҳоланки, Абдураҳмон Жомий ҳазратлари ҳам улуғ Навоий асарларидан таъсирланиб, татаббуълар ёзганлар.

Жумладан, Алишер Навоийнинг форс тилида яратган «Тұхфатул афкор» қасидаси Ҳирот адиллари орасида кенг шуҳрат қозонади. Аслида бу қасида Хусрав Деҳлавийнинг «Дарёйи аброр» қасидасига жавоб тарзида ёзилган бўлиб, Жомийга бағишланган эди. Навоий ушбу қасидани Марвда якунлаб, Ҳиротга Жомийга юборади. Жомий асарни ўқиб, таҳсин ва тұхфалар билан Наво-ийга мактуб йуллайди. Бундан ташқари, «Баҳористон» асарида «Тұхфатул афкор» қасидасини форсий шеърнинг мумтоз намунаси сифатида алоҳида қайд қилиб, унинг матлаини келтиради:

Оташин лаъле, ки тожи хусравонро зевар аст,
Ахгаре баҳри хаёли хом пухтан дар сар аст.

(Подшолар тожини безаган оловдай қизил лаъл бошдаги хом хаёлларни пиширадиган чўғдир).

«Тұхфатул афкор» қасидасиииг «йигирмадан ортуғроқ байти муаммо тариқи ва истилохи била» (Навоий) ёзилган эди. Бу Жомийни янада тўлқинлантиради ва у бошдан охиригача муаммо тариқида бир қасида яратадиким, унинг матлаъи қуйидагича:

Жоҳ дори жоҳилосо дар сар, эй комил мудом,
Жоҳилат хонам, на комил, чун туро жоҳ аст ком.

(Эй ўзини комил ҳисоблаган одам, жоҳиллар каби бoshингда мансаб (жоҳ) фами бор. Сени комил эмас, жоҳил дейман, чунки мақсадинг мансабдир)

Алишер Навоий Жомийга бағишилаган «Хамсат ул-му-таҳайирин» асарида буни фаҳр билан қайд этади¹.

«Хамсатул мутаҳайирин» асарида шунга ўхшаш яна бир муҳим маълумот келгирилган. Навоий ёзди: «Бир қатла бу фақирнинг туркча бу матлаъиким:

Очмағай эрдинг жамоли оламоро кошки,
Солмағай эрдинг бори оламға ғавғо кошки,

эл орасида шуҳрат тутуб эрди ва подшоҳ ҳазратларининг (Ҳусайн Бойқаронинг – Н. К.) сұхбатларида дөғи ўқилур эрди, шуюсь (овоза) ва шуҳрати ул ерга етдиким, ҳазрати Маҳдумға (Жомийга – Н. К.) даги масмұы бўлуб (эшитилиб), аларға ҳам дағдаға улким, бу баҳру қофия ва радиифда шеър дегайлар. Бу доия (ният) пайдо бўлуб, чун туркча алфоз била назмға илтифот қиласа эдилар, бир форсий газал айтдиларким, матлаъи будуур:

Дидаме дидори он дилдори раъно кошки,
Дида равшан кардаме з-он рўйи зебо кошки².

Демак, Абураҳмон Жомий туркий тилни яхши билган, бу тилда яратилган асарларни ўқиб завқланган. Шунинг учун у Навоийнинг нафақат достонлари, балки лирик асарларини ҳам мутолаа қилиб, юксак баҳолаган, Навоийни улуғ ижодий ишларга руҳлантириб турган. Навоийнинг сўзларидан шу нарса маълум бўладики, Жомий улуғ ўзбек шоирининг форсий шеърларига ҳам, туркий асарларига ҳам жавобия айтган, бироқ туркий шеърга туркий тилда эмас, балки форсий тилда татаб-був битган. Бу ўзига хос нодир адабий ҳодиса, турку тожик ҳамкорлиги, руҳий яқинлигининг ифодаси эди.

Бироқ муҳими яна шундаки, Жомийнинг татаббӯ тартиқида ёзган газали ҳам эл орасида шуҳрат топиб, Ҳусайн Бойқаро эътиборини қозонади ва подшоҳ Навоийга ушбу форсий газалга мусаддас боғлаш (ҳар бир байтни олти мисрлик бандга айлантириш)ни амр этади. Ҳазрат Навоий бу амрни бажарадилар – яна янги бир ажойиб асар вужудга келади. Мусаддас бундай бошланади:

Кардаме дар хоки күйи дүст маъво кошки,
Судаме рухсори худ бар хоки он по кошки.
Омади берун зи күй он сарви боло кошки,
Бурқаң афканди зи рүйи оламоро кошки,
Дидаме дидори он дилдори раъно кошки,
Дида равшан кардаме з-он рўйи зебо кошки³

(Дўст кўчаси тупроғида макон-маъво тутсайдим, ул оёқлар тупроғига юзимни суртсан қани эди, у сарв қоматли ёр кўчасидан чиқсайди кошки, оламни ёритувчи юзидан никобини олсайди, у раъно дилдорнинг дидорини кўрсайдим, кўзимни ўша зебо юздан равшан қилсайдим кошки).

Алишер Навоий ушбу мусаддасни форсий шеърлар тўплами – «Девони Фоний»га киритган.

Бу ўринда шуни қайд этиш керакки, Алишер Навоий «кошки» радифи билан учта газал ва бир мухаммас ёзган.

Чунончи, «Бадоєъул бидоя» девонида (20 жилдликнинг 1-жилди) иккита «кошки» радифли газал бор. Биринчи газал матлаи:

Сиҳатим озурда жононимда бўлгай кошки,
Дарди онинг тинмагур жонимда бўлгай кошки.

Иккинчи газал матлаъи:

Бўлгой эрди юз туман, минг ранжу меҳнат кошки,
Бўлмагай эрди балову дарди фурқат кошки.

Учинчи газал матлаъини юқорида келтирдик⁴. Шуни ҳам қайд этамизки, Навоий ўзининг «эл орасида шуҳрат тутған» бу газалига ўзи мухаммас боғлаган ва «Наводир ушшабоб» девонига киритган. Яъни бу ерда шоир ўзига ўзи татаббубу қилган дейиш мумкин. Бундай «тажхис»лар (газалини мухаммасга айлантириш) Навоийда анча.

Энди, Жомий билан Навоийнинг зикр этилган «кошки» радифли газалларининг қиёсий таҳлилига ўтамиз. Бунинг учун ҳар икки газални қўйида келтирамиз.

Навоий газали:

Очмагай эрдинг жамоли олам оро кошки,
Солмагай эрдинг бори оламга ғавғо кошки.

Чун жамолинг жилваси оламга солди рустажез,
Қылмағай эрди күзум они тамошо кошки.
Бұлмағай эрди күзум ўтгүлкү қозунг құрган замон,
Ишқинг ўти шуыласи құнглумда пайдо кошки.
Айлагач ишқинг балоси зор құнглумни ҳазин,
Қылмағай эрдинг мени маҳзунға парво кошки,
Тушмагай эрди фирибомуз лутфунг билмайин,
Нотавон құнглумга васлингдин таманно кошки
Лутф ила васлингдин құнглумни тамағар айлабон,
Қылмағай эрдинг яна зулм ошкоро кошки
Бевафолиқ англағоч, ишқингни құнглум тарқ этуб,
Қылмағай эрди ўзин оламда расво кошки
Әмдиким девонаю расвойи олам бұлмишам,
Васл чун мумкин йўқ, үлтүргай бу савдо кошки.
Эй Навойй, бевафодур ёр, бас не фойда
Нечаким десант агар, ёхуд, магар ё кошки.

Жомий газали:

Дидаме дидори он дидори раъно кошки,
Дида равшан кардаме з-он рўи зебо кошки.
Хотир андар сояи туви наёсояд маро,
Соя карди бар сарам он сарви боло кошки,
Гарчи имрўз аз жамоли ў нагаштам баҳраманд,
Ваъдаи ин давлат афтоди ба фардо кошки.
Ошиқонро рухсати гул чидану дидан чи суд,
Буди он гулчехраро изни тамошо кошки
Кошки гўям маро гашти висоли ту насиб,
Бенасибонро насибе нест, илло кошки
Бовужуди ақлу дин сомон нагирад кори ишқ,
Дар ҳужуми ин шуди он ҳар ду яғмо кошки.
Назми Жомиро, ки шуд дар васфи лутфи ў чу дур,
Жо набуди гайри гўши шоҳи воло кошки,
Шоҳ Абулғози, ки мегўяд шаҳи анжум зи дур,
Будиям дар силки наздикони ў жо кошки.
Ҳар чи хоҳад бод ҳосил дар ҳарими базми ў,
В-аз ҳарими базми ў сад сола раҳ то кошки.

(Мазмуни: Кошки ўшал раъно қадли дидорнинг дидорини кўрсайдим, (ўшандада) кўзларимни у зебо юз нуридан равшан қиласдим. Менинг хотирим жаннатдаги туви дарахти соясида тинчланмайди, кошки ул баланд сарв бошимга соя солсаиди. Агар бутун унинг жамолидан баҳраманд бўлма-

сам-да, бу давлатга эришиш ваъдаси тонгла кунга қолди-рилсайди. Ошиқларга гул териш ва кўришга рухсатдан нима фойда, ул гулчехрани томошо қилишга изн берилса эди кошки. Кошки сенинг висолинг менга насиб этди деб айт-сан эди, бенасибларга «илло» (йўқ)дан бошқа насиб бўлсайди кошки. Ишқнинг иши ақл ва дин билан ривожланмайди, ишқ ҳужуми туфайли бу иккиси барбод бўлсайди копки. Шоҳ васфига дур каби тизилган Жомий назми улуғ подшоҳ қулогидан бошқа ерда жой олмас эди кошки.

Шоҳ Абулгозики, юлдузлар (осмон) шоҳи узоқдан: «унинг яқинлари қаторида бўлсайдим кошки» дейди. Унинг базми ҳарими (маҳрами)да неки бўлса ҳосил бўлсин, аммо шуниси борки унинг базми маҳрамлигидан «кошки»га қадар юз йиллик йўл бор.

Ҳар икки ғазал ҳам тўққиз байтдан иборат. Жомий, Навоий айттанидай, «баҳр ва қофия ва радиф»ни сақлаган. Аммо диққат қилиб қиёслаганда, икки ғазал орасида маъно ва мазмун нуқтаи назаридан сезиларли фарқ борлиги ни кўрамиз. Бу фарқ нималарда кўринади?

Биринчидан, Навоий ғазалида афсус, пушаймонлик, содир бўлган воқеадан задалик, озурдалик ҳисси акс этган. Яъни шоир тасвирига кўра, Ёр жамолининг жилвалиниб зоҳир бўлиши (бу Аллоҳ тажаллиси ҳам, ердаги маҳбуб ҳуснининг кўриниши ҳам бўлиши мумкин) ошиқ дилини изтироб ва қийноқларга солади, ошиқ «қани эди сени кўрмасам, бу балолар ҳам бошимга тушмас эди, ишқ домига тушмаган бўлардим» қабилида нола чекади. Шу боис Навоий ғазалида инкор маъносидаги сўзлар кўп. Чунончи: «очмагай эрдинг», «солмагай эрдинг», «қилмагай эрди», «бўлмагай эрди», «тушмагай эрди» ва ҳоказо. Бироқ шуниси борки, мана шу инкор ва афсуслар замирида тасдиқ ва таслим гояси ётади. Бошқача айтганда, ишқ – бу тақдири азал, бу ошиқ учун марҳамат, Ҳусн пайдо бўлдими, Ишқ ҳам пайдо бўлади – кўнгил ақлга буйсинмайди.

Жомий ғазалида эса, бунинг акси ўлароқ, афсус-надомат эмас, балки талаб ва қўмсаш маъноси ифодаланганд. Шоирнинг лирик қаҳрамони Ёр юзини кўришга муштоқ: қани эди у раъно юзни кўрсам, дийдоридан тўйиб, кўзумни равшан қилсам, дейди.

Умуман, «кошки» сўзи қани эди, агар, агарда, шундай

бўлсайди ёки шундай бўлмасайди каби маъноларни англатиб келади. Абдураҳмон Жомий Ёрга интизорлик, садоқат изҳорини ифодаласа, Навоий ишққа гирифтор кўнгилнинг изтиробларини тасвирлаган.

Иккинчидан, Навоий ғазалининг ички қурилиши билан Жомий ғазали тузулиши орасида ҳам фарқ бор. Навоийда: биринчи байтда Ёр жамолининг оламда очилиши, иккинчи байтда кўзнинг шу Жамолга тушиши, учинчи байтда ишқ шуъласининг кўнгилда пайдо бўлиши, тўртинчи, бешинчи ва олтинчи байтларда Ҳуснинг кўнгилни лутф билан сийлаши, авраши, кейинги байтларда Ёр лутфининг алдамчилиги, бевафолиги тасвирланади, яъни: Жамолни кўз кўради, кўздан кўнгилга ўт тушади, бу ўт аввал роҳат бағишлайди, сўнгра зулм қилиб, фироққа солади, қийнайди. Охири бечора ошиқ бунга кўникади.

Демак, лирик қаҳрамон бошидан ўтган воқеа бир тизим шаклида тасвир этилган. Абдураҳмон Жомий ғазалида бундай воқеабандлик тизими йўқ. Унда соғинган кўнгилнинг орзулари, ишқ тавсифи, ёр ваъдасига умид боғлашоялари ўзаро боғлаб тасвирланади.

Учинчидан шуки, Жомий ғазали султон Ҳусайн Бойқарога бағишланган, шоир шоҳнинг «яқинлари – маҳрамлари қаторида бўлсайдим кошқи» деган сўзлар билан асарни якунлаган. Навоий ғазали ҳеч кимга бағишланган эмас.

Тўртинчидан, Навоий анъанага амал қилиб, ўз тахаллусини ғазалнинг охирги байтида келтиради, Жомий эса ўз тахаллусини еттинчи байтда келтирган. Жомийнинг бундан мақсади шоҳга бўлган ҳурматини ифодалаш бўлган, албатта.

Аммо Алишер Навоий Жомий ғазалига мусаддас боғлаганда, тахаллусини келтиргмаган. Бу ҳам анъанага зид. Чунки бирор ғазалига мухаммас ёки мусаддас боғлаганда ўз тахаллусини қўшиб қўйганлар. Афтидан, бунда Навоий ҳам Жомий ва Султон Ҳусайн Бойқарога эътиром юзасидан шундай йўл тутган. Аммо Навоий мусаддаси Султонга ҳам, Жомийга ҳам маъқул келади ва янги асар сифатида бадиий сўз ихлосмандлари оғзига тушади.

Алишер Навоий мусаддас ёзиш талабларига тўлиқ риоя

эттан, яъни илова қилингандар байтлар газал байтлари маъносини ривожлантирган, тўлдириган. Мавжуд мавзуу ва мазмундан четта чиқиши кўзга ташланмайди.

Шу тариқа, ушбу адабий ҳодиса, бир томондан, Навоий ижодий салоҳиятнинг бемисл қудрати, унинг асарлари қадру қимматини, Навоий билан Жомий орасидаги зеҳну заковат, адабий маслак ва қалб яқинлигини ифодаласа, иккинчи тарафдан, бу икки буюк адабнинг давр подшоси, «шоҳу дарвешлик»ни ўзида мужассам эттан ноzik табъ шоир Ҳусайн Бойқарога муносабатини ҳам белгилаб турибди ёки бошқача айтсақ, Ҳусайн Бойқаронинг адабий ҳаётга фаол иштироки, Навоий ва Жомийга бўлган чукур хурмати, улар истеъоди меваларини кўпайтириш сари қилган ҳаракатлари намунасини кўрамиз. Бу уч буюк зот XV аср Ҳирот адабий мұхитининг марказида тургандар ва улар сиймосида адабиёт ва ҳалқ, маънавият ва давлат бирлашган эди.

Уларнинг бир-бирини кўллаши, илҳомлантириб туриши улугвор бир маданиятни, сўз санъати намуналари бўлган ўлмас обидаларнинг яратилишига сабаб бўлди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. 15-жилд. - Т.: Фан. 70-71-бетлар.
2. Алишер Навоий. МАТ. 15-жилд. 71-бет.
3. Охирги мисра «Хамсат ул-мугаҳайирин»да «Дида равшан кардаме аз хоки он по кошки» тарзда келган.
4. Аммо шуни айтиш керакки, ушбу матлаъ турли нашрларда турлича. Масалан, «Хазойин ул-маоний»нинг 1959 йилги нашрида (Х. Сулаймон нашри) «Жамолинг олам аро кошки» (II жилд, 629-б.), 20 жилдликнинг 2-жилдида «Жамол олам аро кошки», 4-жилдда «Жамоли олам оро кошки» тарзida келади. Бизнингча, охирги вариант тўғрига ўхшайди. Чунки у вазнга ҳам, умумий маънога ҳам мувофиқ келади, «Хамсат ул-мугаҳайирин»да ҳам шу кўринишда келтирилган.

Ҳамиджон ҲОМИДИЙ

АФСАҲЗОД – ЖОМИЙ ИЖОДИНИНГ ТАДҚИҚОТЧИСИ

Ижодкор илм-адаб аҳли орасида шундай зукколар борким, улар фаолиятини маънавиятнинг бир соҳаси билан гина боғлаб баҳолаш мушкул. Зероки, бундай олимлар ҳётлари давомида қилган янги-янги қашфиётлару, яратган подир асарлари билан илмий, маданий, адабий ҳётнинг барча жабҳаларига дахлдордек туюладилар. Машҳур матншунос, Шарқ поэтикасининг нозикбин тадқиқотчиси, дунё адабиёти дурдоналарининг толмас таржимони, филология фанлари доктори, профессор Аълохон Афсаҳзод ана шундай соҳибқаламлардан эди.

1961 йил Тожикистон Давлат Университетининг филология факультетини туттаган Аълохон оддий лаборантлик лавозимидан Шарқшунослик институтининг бўлим мудири, забардаст мунаққид, профессорликкача бўлган заҳмат пиллапояларини босиб ўтди.

Маълумки, 1965 йили дунё илми-адаб аҳли форсий тилдаги шеъриятнинг қўёшлардан бири, буюк шоир ва мутафаккир Абдураҳмон Жомий таваллудининг 550 йиллигини кенг нишонлади. Ана шу тантана муносабати билан Тожикистон Фанлар Академияси Жомий «Ҳафт авранг»ининг танқидий матнини яратиш ҳақида қарор қабул қиласди. Бўлажак ёш олим Аълохон Афсаҳзод ҳам бу жараёнга жалб этилади. Дастреб, у шоирнинг 8 жилдлик танланган асарларининг оммавий нашрини тайёрлашда иштирок этди; «Баҳористон»нинг оммавий нашрини яратди; «Гулшани адаб» кўп жилдлик мажмуани тайёрлаш ва чоп эттиришда қатнашди.

Шундан сўнг академия раёсати Жомий «Лайли ва Мажнун» достонининг танқидий матнини яратишни Аълохонга тоширади. У Тошкент, Москва, Ленинград, Душанбе қўллэзма хазиналарида сақланётган «Лайли ва Мажнун» дастхатларини ўрганиб чиқиб, Ўзбекистон Фанлар Академияси

мияси Беруний номидаги Шарқшунослик институтига 1065-рақамда сақаланаётган қўлёзмани танқидий матнга таянч нусха деб танлайди. Шу билан бирга «Лайли ва Мажнун»нинг Тошкент (1914), Техрон (1959) нашрларини ҳам матн тузиш жараёнига жалб этади. Узлуксиз синчковлик билан қилинган меҳнат натижасида «Лайли ва Мажнун»нинг танқидий матни (Москва, 1974) вужудга келди.

Бу улкан ютуқ олимни янги-янги зафарларга руҳлантириди. У энди Жомий девонларини нашрга тайёрлаш, яъни танқидий матнини яратишга киришади. Натижада «Фотиҳат ашшабоб» деб номланган биринчи девон (Москва, 1978) чоп этилади. Бунда матншунос «Девони Жомий», «Куллиёти Жомий» дастхатларининг Ленинград, Тошкент, Душанбе шаҳарларида сақланаётган дастхатлардан тўққизтасини асос қилиб олган. Танияч нусха қилиб эса, Россия Федерацияси Шарқшунослик институтининг Ленинград бўлими қўлёзмалар хазинасида сақланаётган Дорн 204 дастхати олинган. Бундан ташқари, олим матнни тайёрлаш жараёнида Туркия (1867), Ҳиндистон (1876-1896-1900-1903-1906-1907-1912), Тошкент (1906), Техрон (1938-1955) нашрларидан ҳам фойдаланган. Матнга ёзилган муқаддимада «Девони Жомий» ҳамда «Куллиёти Жомий»ларнинг дастхат ҳамда нашрий нусхаларининг мукаммал таснифи берилган, сифати, ютуқ ва нуқсонлари ҳам холис кўрсатиб ўтилган.

Жомий лирикаси бўйича олиб борилган тадқиқотлар давом этади ва энди Аълоҳон Афсаҳзод буюк адабининг «Воситат ул-иқд», «Хотимат ул-ҳаёт» девонларининг қўшлаб қўлёзма ҳамда нашрий нусхаларини қиёсий ўрганиб, Тошкент ва Душанбеда сақланаётган энг нодир беш нусхани матн тузишда асос қилиб олади. Ушбу матн бошқа матнларга нисбатан икки жиҳати билан киши диққатини ўзига жалб этади. Зероки, Аълоҳон Афсаҳзод муқаддимада Жомий ҳаёти ва ижодий мероси ҳақида анча мукаммал маълумот беради. Ўнлав сарчашмаларни қиёсий ўрганиш натижасида айрим манбаларда таъкидланганидек, Жомий асарлари 32 та ҳам, 38 та ҳам эмас, балки 46 та эканлигини асослаб кўрсатган. Қувонарлиси шундаки, муқаддимада шу асарларнинг тўла рўйхати ҳам келтирилган. Матн учун асос қилиб олинган қўлёзмалар ҳамда Жомий асарларининг рўйхати инглиз тилида

ҳам илова қилинганд. Бу эса Жомий ижоди билан қизиқувчи барча тадқиқотчилар учун ғоятда зарурдир.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, Аълохон Афсаҳзод 80-йилларнинг бошларида Жомий ва адабий алоқалар, Жомий ижодида Хусрав Дехлавий анъанаси хусусида бир неча мақолалар ёзиш билан бирга «Жомий дунёқараши», «Абдураҳмон Жомийнинг ҳаёти ва ижодий мероси» сингари катта-кичик рисолалар ҳам чон эттиргди. Ана шу узоқ матний изла-нишлардан сўнг олим тожик (1980) ва рус (1988) тилларида «Абдураҳмон Жомий лирикаси (матн муаммоси) ва поэтикаси» деб номланган фундаментал тадқиқотини яратди. Рисола муқаддима, хотима, номлар ҳамда асарлар курсаткичларидан ташқари тўрт боб ва ўн тўрт бўлимдан иборат. Дастлаб муаллиф Жомийнинг ҳаёти, меросини ўрганишга ёрдам берадиган юздан зиёд тазкира, маноқиб, баёз, мемуар, тарихий ва исломий китобларни ўрганиб чиқсан ҳамда тўла таснифини берган. Шундан сўнг Жомий асарларининг нашрлари, Шарқу Қарбда ўрганилиши, бу борадаги ютуқ ва камчиликларни таҳдил қилинган; Эрон олимларининг шоир асарларини нашр этиш, тадқиқ қилиш йўлидаги заҳматкашликларини алоҳида қайд эттан.

Маътумки, ўтмишдаги дастхат сарчашмаларининг аксариятида Жомий асарлари 38 та деб кўрсатилган. Бунинг устига ўндан зиёд асарлар, юзга яқин ғазаллар Жомийга нисбат бериб келинган. Аълохон Афсаҳзод энг ишончли қўлёзма асарларни, Жомий меросини қиёсий-типологик ўрганиш асосида шоир 46 та илмий, бадиий асарлар муаллифи эканлигини исботлаган. Фикрларини далиллаш мақсадида Жомийга мансублиги тасдиқланган ана шу асарларнинг энг кўхна ва ишончли дастхатларининг тўла илмий таснифини берган, бошқа қўлёзмалар билан тафовутларини курсатиб ўтган; рўйхатини келтириб, қайси хазиналарда сақчанаётганини ҳам қайд қилиб ўтган. Шундан сўнг Абдураҳмон Жомийнинг девони ёки алоҳида асарларининг Бомбей (1867), Канпур (1874), Лакнав (1905), Лондон (1850), Тошкент (1908), Техрон (1927), Калкутта (1873-1909), Вена (1824), Машҳад (1862), Техрон (1876), Шероз (1931), Лаҳор (1825) сингари шаҳарлардаги чопи ва қайта нашри мазмун мундарижа нуқтаи назаридан анча ба-тафсил таҳдил қилинган. Мунаққид Жомий кулиёти ҳамда «Ҳафт авранг»нинг Тошкент (1914), Техрон (1959) нашрла-

рини синчковлик билан кузатган. Агар Тошкент нашри ўзининг мукаммалиги ва сифати билан катта илмий қимматга эга бўлса, Мударрис Гелоний чопида кўшлаб матний, техник хатоларга йўл қўйилган, дейди тадқиқотчи. Хуллас, китоб ўқувчига Жомий асарлари нашрлари ҳақида жуда камёб маълумотлар беради, уларнинг тарихи, қиймати, китоб чоп этиш санъатининг айрим жиҳатлари ҳақида нозик кузатишлар билан ошно қиласи. Тадқиқотнинг иккинчи боби Жомий бадиий асарларининг танқидий матнини яратишнинг зарурати баёни билан бошланади. Мунаққид турли адабиёт-шунос, шарқшунос, философлар томонидан Жомийнинг алоҳида байтларини нотуғри талқин этиб келинаётгани, баъзи ҳикмат, рубоий ва алоҳида байтлар нодуруст Жомийга нисбат бериб келинаётганини аниқ мисоллар билан асослаб кўрсаттан. Натижада Жомий бадиий асарлари, жумладан, лирикасининг матний тадқиқоти зарурати мавжудлигини уқтирган. Шундан сўнг шоир бадиий асарлари матний тадқиқотнинг назарий ҳамда амалий жиҳатлари кўрсатилиб, матн учун таянч деб олинган 20 дан зиёд кўлёзма ва нашрий манбаларнинг анча кенг батафсил баёни берилиб, танқидий матн тузиш талабларидан келиб чиқсан ҳолда ишда кўлланилган методлар қайд қилинган.

Рисоланинг иккинчи, учинчи боблари бевосита Жомий лирикасининг таҳлилига бағишиланган. Дастилабки қисмларда ғазал атамасининг маъноси, ғазалнинг форс-тоҷик тилида вужудга келиши, шарқшуносларнинг бу хусусдаги фикрлари изчил таҳлил қилинган. Шундан сўнг ғазалнинг шакли, воҳидлари, мавзу доираси, ғоявий йўналиши ҳақида батафсил фикр юритган, зарур назарий хуросаларга келган. Жумладан, «Саноий ирфоний руҳдаги ғазални юксак тараққиёт даражасига кўтарган ҳолда, мавжуд ижтимоий тузум иллатларини танқид қилди, бир туркум ғазалларида ҳунармандлар, дарвешлар ҳаётини тасвирилади». (Аълоҳон Афсаҳзод, Лирика Аbd ар-Рахмана Джами, М., «Наука», 1988. с. 104.). Хуллас, Жомийгача бўлган форсий тилдаги шеъриятни мавзу, ғоявий йўналиш, қисман бадиийлик нуқтаси назардан умумлаштирувчи руҳда таҳлилини берган. Айни пайтда XV аср ғазалчилигидаги назира — тахмис ёзишининг моҳияти, унинг ўзига хос хусусиятларини адабиётшуносликда биринчи марга илмий-назарий жиҳатдан яхлит тарзда ўрганганди. Жо-

мизининг Амир Хусрав Дехлавий, Ҳофиз Шерозий, Камол Ҳужандийларга ўхшатмаларини муайян ғазалларнинг солиштирима қиёсий-типологик таҳдилларини берган. Муаллиф нацири битиш у ёки бу санъаткорнинг етуклигини, ўз ўтмишдош – устозлари билан мусобақалашиш, бадиий баҳсга киришини салоҳиятига эга эканлигини курсатадиган далилларини таҳдил жараённида илмий асослашга эришган. Татаббӯй – бу ўзига хос мусобақа экан.

Шарқшуносликда Жомий ижоди беш асрлик форсий тилдаги ғазалнависликка ўзига хос якун ясаган, деган қатъий фикр мавжуд. Рисоланинг учинчи бобида муаллиф, бир томондан, Жомий лирикасининг жанр табиати, тузилиши, сюжети, мавзу доираси, образлар тизими, хусусан, май ва озод фикрловчи инсон образларини характерли мисоллар асосида ўрганиб чиққан. Иккинчи томондан эса, Жомий ижодида тасаввифий ҳамда социал масалаларнинг бадиий ифодаси анъана ва новаторлик тизимида Румий, Саноий, Саъдий, Мехрий, Ҳофиз, Муштоқ ижодларидан олинган алоҳида байтларни қиёсий таҳдил этиб кўрсатилган. Хусусан, Жомийдаги муҳаббат мавзуси талқини анча изчил, мукаммал, ибратормуз тарзда текширилган, таҳдилга тортилган. Муаллифнинг Жомий автобиографиясига доир ғазалларни аниқлаб таҳдил этганлиги таҳсинга лойиқ. Хусусан, шоирнинг Ҳусайн Бойқаро билан биринчи бор учрашуви ҳамда Богдод уламоларидан етган азият таъсирида битган икки ғазалининг таҳдили бизни Жомий дунёқарашининг янги қирраларини англашга кўмаклашади.

Мазкур тадқиқотнинг бир бўлими маҳсус Жомий лирикасининг поэтик хусусиятлари таҳдиллига бағишлиланган. Мунаққид таҳдил жараённида муаммонинг барча жиҳатларини Жомий лирикасининг сюжет, композиция, қоғия, радиф, шеърий ва лафзий санъатларнинг қўлланилиши, бошқа бадиий-тасвирий воситалардан истифода этиши масалаларини кенг қамраб олган. Ҳатто Жомий девонидаги ғазалларнинг лексик қатлами, қанчаси арузнинг қайси баҳрларида битилганлигини аниқлаб алоҳида жадвалда санаб кўрсатган. Шу билан бирга, XV асрнинг иккинчи ярмидаги ғазалнависликда Жомий анъанасига ҳам алоҳида эътибор берилган. Жумладан, Хурросон ва Мовароуннаҳр шоирларидан Жомийга пайравлик қилиб, ўхшатиб ёки унинг радифларини қўллаб

ғазал ёзган 63 шоирнинг рўйхатини келтирган. Иловада эса, тадқиқот давомида мисол келтирилган барча ғазаллар тўла берилган. Бизнингча Афсаҳзоднинг ушбу рисоласи шу хилдаги китобларнинг энг фундаментали ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, заҳматкаш назариётчи, фидоий матншунос Аълохон Афсаҳзоднинг беш асрлик форсий шеъриятта ўзига хос якун ясаган Абдураҳмон Жомий ҳақидаги тадқиқотлари жомийшуносликка бекиёс ҳисса бўлиб қўшилди ва бу жабҳада янги босқич бўлди. Жомий асарларининг Афсаҳзод томонидан яратилган асл матнлари ҳали кўп йиллар давомида тадқиқотчиларга янги-янги илмий асарлар яратишда асосий маъна бўлиб хизмат қилаславеради.

Аълохон Афсаҳзод ўзбек адаб ва олимларининг яқин дўсти эди. Унинг Жомий ва Навоий дўстлиги ҳақида битилган қатор мақолалари, ҳозирги ўзбек ҳикояларидан қилган таржималари фикримизни тасдиқлайди.

Афсаҳзод Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ҳамда Сарвар Азимов драмаларини муваффақият билан таржима қилди ва улар тожик театрларида саҳна юзини кўрди. Олимнинг сўнти тадқиқотларидан бири ҳам ўзбек адабиётига доирдир. Мутаржим атоқли ўзбек шоири Собир Сайқалий Ҳисорийнинг (XVIII аср) «Карбало қиссаси» асарини Эронда чиқадиган «Ҳамзабонон» («Тилдошлар») журналининг 1998 йилги учинчи сонида анча батафсил муқаддима билан аслиятда тўла эълон қилдирди. Бугина эмас, у академик Азиз Қаюмов, профессор Абдуқодир Ҳайитметов, нуктасанж навоийшунос ёқубжон Исҳоқовлар билан яқин дуст, ижодий ҳамкор бўлган. Афсаҳзод Ўзбекистон Фанлар Академияси Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти қопидаги адабиётшунослик бўйича номзодлик ва докторлик даражалари берадиган илмий кенгаш йигилишларида кўп ўзбек олимлари тадқиқотларига ҳакамлик қилган. Ушбу сатрлар муаллифи нинг «Фирдавсий ва ўзбек адабиёти» (1990) мавзусидаги докторлик диссертациясига ҳам Аълохон Афсаҳзод расмий оппонент сифатида қатнашган эди.

Абдусалом АБДУҚОДИРОВ


АНЬАНАВИЙ МАВЗУ ВА ИЖОДИЙ ҮЗИГА ХОСЛИК

Шарқ достончиллігіда энг күп қаламга олинган мавзу Лайли ва Мажнуннинг фожиали муҳаббати тасвиридір. Бу мавзуда турлі тиілларда юздан ортиқ асар ёзилған аниқ-ланған (1, 3-4). Улар орасыда Амир Алишер Навоийнинг «Лайли ва Мажнун»и алоқида ва юксак мавқе әгаллайды. Навоий асари машхур ҳамсанавис Ҳожу Кирмоний (1290-1354)нинг Лайли ва Мажнун муҳаббати тасвиrlанған «Гав-харнома» достонига жавобия тарзіда яратылған.

Навоий достони уннинг муршиди ва устози Абдураҳмон Жомийнинг «Лайли ва Мажнун» достони билан бир муддатда, яғни 1484 йилда ёзилді. Мавзуси бир хил бўлған бу икки достон кўздан кечирилса, улуг шоирлар қаламидан икки оригинал асар вужудга келганини кўриш мумкин. Аммо улар ҳалигача қиёсланмаган. Шуни ҳисобга олиб, бу борадаги айрим кузатишларимиз билан ўртоқлашмоқчимиз.

Аввало шуни айтиш лозимки, иккала «Лайли ва Мажнун» қуйидаги муштаракликларга эга. Биринчидан, ҳар иккала достон ҳам бир мавзуда ёзилған. Уларнинг асосий мавзуси ишқдір. Ҳар иккала достонда ҳам мажозий ишқнинг ҳақиқијий ишқ поғонасига күтарилиш жараёни кўрсатиб берилған. Иккинчидан, бош қаҳрамонлар, уларнинг ота-оналари, қабилалари ва бошқа кўшина қаҳрамонлар ҳамда улар билан боғлиқ воқеа-ҳодисалар ҳам бир хил. Учинчидан, иккала достон ҳам бир хил баҳр, бир хил вазн, яғни ҳазажи мусаддаси ахраби маҳзуф (мағъувлұ мағойлун фаувлун: — — V V — V — V — —) вазнида ёзилған.

Шу билан биргә, иккала достон ҳам бир-биридан жиддий фарқ құлувчы хусусиятларга әгадір. Бу фарқ дастрлаб асарларнинг тузилишида кўзга ташланади. Аввало, улар ҳажман фарқ қиласы. Жомий достони 3860 байт бўлса,



Навоий асари 3622 байтдан иборат. Демак, Навоий достони Жомийникидан 238 байт қисқадир. Иккинчидан, ҳар иккала достон муқаддималари ҳам бир-биридан анча фарқ қилали. Жомий достони муқаддимаси кўйидагича: Аллоҳ ҳамди, пайғамбар наъти; содиқлар ишқи ва ошиқлар садоқати ҳақида; китобнинг ёзилиш сабаби ва бу китобнинг тартиби боиси; ою йили битигб оламдан ўтганларни ёд этмоқ ва баъзи истеъодлар дуосида сўз.

Навоий достони муқаддимаси кўйидагилардан иборат: Аллоҳга ҳамд ва муножот; пайғамбар наъти ва меърохи; Низомий ва Хусрав Дехлавий таърифи; улар-нинг сўздан қандай фойдаланганликлари ҳақида; Жомий таърифи; Хусайн Бойқаро ва Султон Бадиuzzамон мадҳлари; хаёл стига миниб, ишқ водийсига бориш ва хотифдан Лайли ва Мажнун достонини эшитиб, уни ёзишга киришгани ҳақида. Навоий муқаддимада Низомий, Хусрав Дехлавий, Жомий, Хусайн Бойқаро ва унинг ўғли Бадиuzzамон Мирзоларга ҳам маҳсус боблар бағишлилан. Бундай тасвирий ўринлар Жомийда йўқ.

Навоий муқаддимасининг сўнгти боби, яъни 9-бобдаги тасвир тамомила янгиdir. Унда ёзилишича, Навоий зимзиё тунда хаёл отига миниб сайрга чиқади. Хаёл оти юят чопқир, у тинмай ҳар томонга югуради. Улуғ шоир хаёл отининг бошини кўйиб юборган. У тўхтамай чопади ва ниҳоят Арабистондаги бир водийга етиб боради. У ишқ водийси эди. Бу водийни босиб ўтиш қийин, лекин унга қадам кўйгач, босиб ўтмай ҳам илож йўқ эди. Хаёл оти унга қадам кўйипши билан қийинчи-ликка дуч келади, туртинади, оқсан қолади. Хуллас, юриш қийинлашади. Тун ниҳоятда қоронғи, атроф ваҳимали, унинг устига тўхтамай ёмғир ёғмоқда, баъзан чақмоқ чақилади, шунда атроф янада ваҳимали туслаги киради. Шу жараёнда улуғ шоирнинг қулогига Лайли ва Мажнун достонининг мазмуни ҳақида хотифнинг овози эшитилади. Хотиф икки севишганлар қиссасини ҳаяжон билан гапириб беради. У Навоийга кучли таъсир қиласи. Улуғ шоир хотифнинг ҳар бир сўзини жон қулоги билан тинглайди ва эслаб қолади. Хотиф қиссани тутатгач, дейди:

Чун қиссани англадинг равон бўл,
Сунгил варагу қалам сори кўл.

Сендин рақам айламак ҳикоят,
Биздин санга сўз сори ҳидоят (2, 56).

Ҳаёт мусофири, яъни улуг шоир қиссани эшитиб, қайтиб келади. Бу вақт тонг отган эди. Муаззин овози эшитилади. Улуг шоир барча фарзларни адо этгач, ўзи эшитган афсонани бошлайди. Бундай воқеа тасвири Жомийда умуман йўқ. Жомийдагина эмас, Низомий ва Хусрав Деклаций достонларида ҳам бу хил тасвир усули қўлланилмаган.

Навоий шу бобда ўз достонинг салафлари достонларидан фарқини ҳам ҳотиғ тилидан баён қилиб, шундай ёзди:

Сабт айламасант аларча рангин,
Маъниси дақику лафзи ширин.
Лек ўлгуси дарду сузи купрак,
Хангомай дилфурузи купрак (2, 56-57).

Дарҳақиқат, Навоий достони салафлари ва хусусан, Жомий достонидан ўзининг дард ва алам тасвирининг кучлилиги, ишқ фожиаси чукур очилганлиги билан ажралиб туради.

Жомий ва Навоий достонларининг сюжет чизиқлари ҳам бир-биридан кўп жиҳатдан фарқ қиласди. Жомий достони экспозициясида ёзилишича, арабли рининг Бани Омир қабиласида бир бадавлат ва олийҳиммат киши бўлиб, унинг ўн ўғли бор эди. Уларнинг энг кичиги отасининг суюклиси бўлиб, унинг номи Қайс эди. У фоят истеъдолди, шоиртабиат эди. Ўзи ҳар жиҳатдан етук, ақли комил эди. Ўн тўрт ёшга еттандада камолоти кўзга ташланиб турарди.

Навоий достони экспозициясида тасвирланишича, Бани Омир қабиласидаги бадавлат ва саҳоватли киши бе-фарзанд бўлиб, эртаю кеч Аллоҳдан фарзанд сўрарди. Ниҳоят, унга Худо бир ўғил беради. Унга Қайс деб ном берилади. Қайс унинг бобосининг исми эди. Демак, Жомийда Қайс ўнинчи ўғил бўлса, Навоийда ягона фарзанддир.

Жомийнинг тасвирлашича, Қайс гўзалларни севар, доимо ўзига муносиб қиз ахтариб, турли қабилаларга борарди. Ниҳоят, у бошқа бир қабилада Карима деган гўзал қизни кўриб, уни севиб қолади (3, 23). Аммо Кариманинг ўз севгани бор эди. Қайс буни билгач, ундан юз ўтиради ва яна маҳбуба излашга отланади. Навоий достонида эса бундай тас-

вир йўқ. Навоий қаҳрамони аввал бир қизни, кейин бошқасини севмайди. У биринчи мартаданоқ Лайлини севиб қолади. Фикримизча, ишқ масаласига Навоий ниҳоятда жиддий қарайди. У аввал бир қизни, кейин бошқа қизни севишни булғаваслик, деб тушунади. Навоий қаҳрамони ҳам Лайлидан олдин бошқа қизни севганида, унинг ишқи мажоздан ҳақиқатта кўтарилиши мушкул эди. Навоий фикрича, инсон юраги битта экан, унга фақат бир кишининг муҳаббати сигади, холос.

Жомий талқинича эса, инсон ҳақиқий ишққа дуч келмагунча булғаваслик даврида ҳам бўлади. Шу билан бирга, ишқ икки тарафлама бўлиши керак. Агар Қайс Каримани севганида-ю, Карима ҳам уни севганида Қайс бошқа маҳбуба изламаган бўларди. Карима бошқа йигитни севгани учун, Қайсга ёқиб қолган бўлса-да, ундан кўнгил узади. Бундай ҳолат ҳаётда бўлиши мумкин. Бундан ташқари айтиш лозими, Жомий олдида ҳақиқий ишқ тасвирини бериш турмагангага ўхшайди. Жомий кўпроқ Қайсни ҳаётга яқинроқ тасвирлайди. Навоий қаҳрамони эса анча мураккаб. У – ҳақиқий ишқ вакили. У – хом ошиқ. Унинг бутун фаолияти мажоздан ҳақиқатта айланган ишқ жараёнини кўрсатишга йўналтирилган. Шу сабабли у анча романтик тимсол сифатида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам у фақат бир қизга кўнгил кўяди ва қиз унинг учун Ҳақ тимсолига айланади.

Ҳар иккала достондаги Қайс ва Лайлининг бир-бирларини севиб қолиш жараёни тасвири ҳам фарқланади. Жомий достонидаги Қайс Каримадан кўнгил узгач, ғамга ботади. У кимни кўрса, ундан бирор гўзал ҳақида сўроқларди. Ниҳоят, унга Ҳай қабиласида бир гўзал бўлиб, унинг номи Лайли дея хабар берадилар. Қайс уни, Лайли Қайсни кўриб, бир-бирларини севиб қолишади.

Навоий достонида Қайс эса мактабга, ўқишга бориб, у ерда Лайлини кўради ва севиб қолади. Навоий фикрича, илм ҳам ишқдир. У ишқнинг бошланишига йўл очади. Қайс ва Лайли ўқиган мактаб ишқ мактаби эди. Улар биргаликда ишқ дарсини ўрганадилар.

Жомий достонида Қайснинг отаси ўғлини уйлантириш билан уни Лайли қабиласига тинимсиз боришидан тўхтатмоқчи бўлади. Буни у ўз инисининг қизини Қайсга олиб бериш билан амалга оширишни режалаштиради. Аммо Қайс

рад этади. Бироқ Қайс амакисининг қизига уйланармиш деган хабар тарқалиб, буни Лайли эшигади ва ниҳоятда хафа бўлади. Навоий достонида бу нарса йўқ. Қайснинг отаси ўғлиниг Лайлита бўлган муҳаббатидан воқиф бўлгач, унга хайрикоҳлик кўрсатади. Жомий достонида Мажнун Лайлidan ижозат олиб ҳажга боради. Навоий достонида Қайснинг отаси ўғлини аввал табибга даволатиб, сўнг табобатни янада мукаммаллаштириш учун уни ҳажга олиб боради.

Жомий достонида Лайланинг отаси қизи ва Қайс учрашувларидан қаттиқ норози бўлади. Шу сабабли ҳатто қизини уради. Сўнг халифага арз қилмоқчи бўлади ва агар халифа ёрдам бермаса, Мажнунни ўлдиришни режалаштиради. Буни эшигтан Мажнун Лайлани қийнамаслик учун унинг олдига борищдан ўзини тияди. Аммо бу вақтинча эди. Севишганлар Лайлита кўшни бўлган бир бева аёлникида учраша бошлийдилар. Бундан воқиф бўлган Лайланинг отаси аёлни ҳақоратлайди. Ва онтига биноан халифага арз қиласди. Халифа Қайснинг Лайли қабиласи томон боришини таъқиқловчи фармон чиқаради, аммо бу фармон Қайста таъсир этмайди. Навоий достонида бундай ўринлар йўқ. Унда Қайснинг Лайли олдига қатнашлари, унинг ишқдан чеккан азоблари, саҳродаги саргузашлари, ишқининг машхур бўлиб кетиши тасвирланган.

Жомий достонида Сақиф қабиласидан бўлган бир йигит Лайлита уйланади. Жомий унинг номини тилга олмайди. Навоий достонида йигитнинг номи Ибн Салом дейилади. Жомий достонида Лайлита уйланган йигитни қиз ўзига яқинлаштиrmайди. Бундан эзилган йигит касал бўлади ва вафот этади. Навоий достонида эса Ибн Саломнинг хафакон касали борлиги айтилиб, тўй кечаси кўп ичганлиги сабабли шу касали қайта қўзғалганлиги ва натижада унинг вафот эттанилиги ёритилади.

Жомий достонида Мажнун отасини совчиликка даъват этади. Совчилар борганда эса Лайланинг отаси рад этади. У ишларроқ бўлганда майли эди, дейди ва энди Қайснинг жиннилиги эл ичиди машхур бўлиб кетганлиги учун ҳам рози бўлмаслигини айтади. Мажнун буни эшигиб қаттиқ эзилади ва даштта чиқиб кетади. Ҳайвонлар билан дўстлашади. Навоий достонида Лайланинг отаси Қайснинг аҳволини эшишиб унга ачинади. У қайси қизига ошиқ бўлиб, бун-

чалик оғир аҳволга тушган, унга ёрдам бериш керак, деган Фикрга келади. Одамлар унга Қайс унинг қизига ошиклигини айтгандарида қаттиқ ғазабланади. Қайснинг отасига пўписа қилиб, агар ўғлини тиймаса, уларнинг барчасини жазолашини маълум қиласди. У қизини Қайсга беришни истамайди. Жинни йигитни куёв қилишдан номус қиласди. Шундан сўнг Қайснинг отаси ўғлини кишсанга солади.

Айтиш лозимки, ҳар иккала достонда ҳам Навфал тимсоли олижаноб инсон сифатида чизилган. Жомий достонида Навфал Қайсга ёрдам бериш учун совчилик қиласди. Аммо қизнинг отаси рад эттак, иложсиз қолади. Навоий достонида ҳам Навфал совчилик қиласди. Унда ҳам рад жавоби олинади. Бироқ Навфал шу билан ишни тұхтатмайди, балки Лайли қабиласи билан жант қиласди. Урушда кўп одам қирилади. Лайлиниң отасидан одамлар норози бўладилар, шу сабабли у қизини ўлдирмоқчи бўлади. Мажнун буни туш кўради. Тушида Лайли у билан видолашади. Бундан ўзича тўғри хулоса чиқарган Қайс урушни тұхтаттиради. Навоий достонидаги Навфалнинг ўз қизини Қайсга никоҳлаб бериши, уни ўзига ўғил қилиб олиши; Мажнун ва Навфал қизининг тўй кечасидаги суҳбатлари, қизнинг севгилиси борлиги, унинг пичноқ ушлаб пойлаб туриши каби ўринлар Жомий асарида йўқ.

Жомий достонида шоир Кусаййир, унинг Уззага бўлган мұхаббати тилга олинади. Кусаййир Мажнун ишқи ҳақида куйлаб халифани ҳайратта солади. Халифа фармонига биноан Қайсни олиб келишга борадилар. У рад эттак, кишсанга солиб олиб борадилар. Халифа уни куриб ҳақиқий ошиклигини англайди. Кишандан озод қиладилар. Навоий достонида бундай ўринлар йўқ.

Навоий достонида Зайд образи берилган. Зайд Лайли қабиласининг вакили эди. У Мажнун ва Лайлига кўмаклашибшишга рози бўлади. Уларнинг хатларини бир-бирларига етказиб туради. Бу хатлар ғоятда дардли ёзилган. Жомий достонида Зайд номи тилга олинмайди. Унда Лайли ўз хатини йўлдан ўтаётган бир йигитдан бериб юборади. Йигит Мажнундан яна хат олиб қайтади.

Жомий достонида Мажнун шоир дейилган. Унинг шеълари машҳур эди. Бир араб унинг шеъларидан таъсирланиб, излаб боради. Уни топиб шеъларидан ёдлайди. Араб иккин-

чи марта Мажнунни излаб борганда Қайсни ўлган ҳолатда тонади. У бир охуни қучоқлаган ҳолда ўлиб ётарди. Араб Мажнуннинг ота-онаси, инилари ва қариндошларига хабар берди. Улар Мажнунни олиб бориб кўмадилар. Навоий достонида эса Мажнуннинг ота-онаси ўғиллари аҳволидан эзилиб, охири вафот этадилар. Мажнун буни тушиди кўради. Ўрни келганда қайд этиш лозимки, Мажнунга кўп нарса тушуда яён бўлади. Бу унинг комил инсон эканлитигини кўрсатади. Ишқ уни комил қилган эди. Навоий бунга маҳсус урғу беради. Жомийда эса бу нарса кўзга ташланмайди.

Навоий достонида Мажнун ота-онаси вафот этганлигини билгач, қабристонга келади. Уларни тавоф қиласди, шу срда яшайди. Шу ерда унинг кулогига Лайли вафоти ҳақидаги хотиф хабари етади. У Лайли уйига келади. Уни жонсиз кўриб, ўзи ҳам жонини тошириади. Жомий достонида аввал Мажнун вафот этади. Унинг вафотини ота-онасига етказган араб, Лайлига ҳам хабар беради. Лайли бу машъум ҳодисани олдиндан сезганини айтади. Сўнг касал бўлиб қолади. Вафот этса Мажнун оёқлари остига кўмишларини васият қиласди. Вафотидан сўнг васияти бажарилади. Навоий достонида эса Лайли ва Мажнун бир кафанга ва бир гўрга кўйилади. Навоий буни тасаввуфий талқин қилиб, уларнинг бирга кафанданишини икки руҳнинг қўшилуви тарзида беради. Улуф шоир буни ҳатто маҳсус таъкидлайди:

Бир дона эди, vale ики жузв,
Бир-бирига уйла мутгасил узв.
Ким, шиддати ваҳдати висоли,
Бермай анга иккилик мажоли.
Донадек ўлуб ики бадан бир,
Дона қобуги киби кафан бир (2, 292).

Шу сабабли:

Кирди икки жисм бир кафанга,
Йўқ, йўқ, ики руҳ бир баданга (2, 91).

Шу фикрларнинг ўзи ҳам Навоий достонидаги ишқ сўфиёна талқин этилганини кўрсатади. Навоий масалани янада чукурроқ талқин қилиш учун достонда ишқнинг алоҳида бадиий таҳлилини беради. Ишқнинг маҳсус бадиий таҳлили эса Жомий достонида берилмаган.

Навоий ишқ ҳақидаги бобдан сұнг Ҳусайн Бойқаро-нинг акасининг ўғли шахзода Султон Увайс баҳодир мадхіда бир боб беріб, унда шахзодага насиҳатлар қиласы. Үндән кейинги боб достон хотимаси бўлиб, унда улуф шоир Лайли ва Мажнун ишқини ёритишдан кузатган мақсади, бу борада чеккан заҳматлари ҳақида фикр юритади ва Аллоҳ даргоҳидан умидворлигини айтиб, асарни якунлайди.

Жомий Лайли васияти ва вафоти ҳақидаги боб билан достоннинг асосий қисмини якунлагач, оламнинг бева-фоли ва ўтқинчи ҳаётнинг тез завол топиши борасида фикр юритади. Сұнг ўғли Зиёуддин Юсуфга насиҳат учун бир боб бағишилагач, асарини хотималайди. Хотимада яратилган асари учун Низомий ва Хусрав Дехлавий таҳсин айтиши мумкинligини таъкидлар экан, ўзини таърифлагани учун узр сүрайди. Навоий ҳам хотимада Низомий ва Хусрав Дехлавийни эслаган эди. Бироқ Навоий улар Лайли ва Мажнун ҳақидаги достонни форсий тилда ёзғанликлари учун турклар уларнинг асарларидан баҳра ололмасди. Шу сабабли мен уни туркий тилда ёздим, дейди.

Жомий хотимада фикрларини давом эттириб, бадиий асар фарзанд каби дунёга келишини, хунук ўғил ҳам отасига ёққанидек, ёмон асар ҳам муаллифга маъқул бўлишини ёритар экан, ижод маҳсулни ҳам мазмунан, ҳам шаклан гўзал бўлса, ҳаммага ёқимли бўлади, дейди. Сұнг асарининг ёзилган йили, неча байтдан иборатлигини айтиб, гуноҳлари учун Аллоҳдан кечирим сұраш билан хотимани якунлайди.

Жомий ва Навоийнинг «Лайли ва Мажнун» достонларини қиёслашдан шундай хуносага келадики, иккала улуф шоир ҳам бир мавзуга мурожаат қилган бўлсалар-да, оригинал ижодкор эканликларини намойиш эта олганлар. Бу ҳол биринчидан, ҳар иккала шоир ҳам анъана-нага ижодий тарзда ёндашғанликлари билан боғлиқ эди. Иккинчидан, Шарқда ғоят машхур бўлган ва Низомий ҳамда Хусрав Дехлавий каби улуф шоирлар ишлаган мавзуга XV аср руҳини алоҳида-алоҳида сингдира олганликлари билан вобаста эди. Нихоят, учинчидан, анъанавий қаҳрамонлар араблар бўлишига қарамай, иккала улуф шоир ҳам достонларида ўз халқлари ҳаёти, урф-одати, характер-хусусияти, кураши ва орзу-интилишини мужассамлашга эришғанликлари билан боғлиқ эди.

Навоий асари Низомий ва Ҳусрав Дехлавий достон-лари билан қиёсланса, улардан ҳам фарқ қилишини куриш мумкин. Буларнинг ҳаммаси улуг ўзбек шоирининг оригинал ва етук бадиий ижодкор эканлитини тасдиқлайди. Шунинг учун ҳам Навоий асарларини қиёслаб ўрганиш муҳим илмий ва амалий аҳамиятта эгадир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Асадуллаев С. «Лайли и Маджнуна» в фарсиязычной литературе. –Душанбе: Дониш. 1981.
2. Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 9-том. – Т.: Фан. 1992.
3. Жомий. Осор. Дар 8 жилд. Жилди 5. –Душанбе: Адиб. 1988.

Суйима ФАНИЕВА

ЯНА «ХАМСАТ УЛ-МУТАҲАЙИРИН» ҲАҚИДА

Алишер Навоийнинг Абдураҳмон Жомийга аталган «Хамсат ул-мутаҳайирин» асари 1494 йилда, Жомий ва-фотидан 2 йил ўтгач ёзилган. Асар муқаддима, 3 мақола (қисм) ва хотимадан иборат бўлиб, Шарқ адабиётидаги мақоматлар руҳида битилган. Унда икки буюк шахс ораларида бўлиб ўтган мароқли ва нодир воқеалар баёни, уларнинг бир-бирларига йўллаган мактублари (15 нома ва 15 жавобия) хусусида сўз кетади¹.

Рисола хотимасида Жомий асарлари саноги, Навоий яратилишига сабаб бўлган асарлари ва Жомий ҳузурида мутолаа қилган китоблар хусусида хотимада фикр юритилган.

Алишер Навоий дастлаб Жомийнинг 38 та асарлари рўйхатини келтиради. Улардан баъзилари Навоий ташаббуси, илтимоси билан яратилган, айримлари Навоий эҳтиёжини қондириш маъносида ёзилган.

«Нафаҳот ул-унс мин ҳазарот ул-кудс». 1478-79 йилларда Навоий таклифи билан ёзилган 618 нафар шайхлар ҳақида ва 34 авлиё аёллар ҳақида маълумотлар мавжуд. Сўз бошида Жомий тасаввуфий атамаларни тушунтириб ўтади. Абу Абдураҳмон Муҳаммад б. Ҳусайн ас-Сулламий Нишопурининг «Табақоти суфия», унинг форсийдаги Ҳожа Абдулоҳ Ансорийнинг таржимаси «Манозил ус-соириин», Фаридуддин Атторнинг «Тазкират ул-авлиё» каби асарлардан сўнг давр шайхлари (жумладан, ўзларининг ҳам) мақоматлари ёзилмаган, борларини эса топиш мушкул. Шулар бир китобда жамланса, буни ҳазратдек зот амалга оширсалар, деган орзуни Навоий Жомийга айтганида, Жомийга ҳам шундай фикр келгани маълум бўлади. «Нафаҳот»нинг ёзилиш жараёнига оид маълумотлар ғоят қимматли ва ибратлидир. Навоий ҳар битган қисмни менга берар (илтифот қилиб деб қўшиб ўтади) эдилар, баъзида эса ўз ҳузурларида бирга кўриб чиқар әдик, дейди. Асар анчайин тез яратилади. На-

тижада «күп бузругврлар исми олам саҳифасига ёзилиб қолди», дегэ эътироф этади Навоий.

«Шавоҳид ун-нубувват ли тақвият ил-яқини футувват» («Олийжанобликка ишончни мустаҳкамлаш учун пайғамбарлик исботлари»). Жомийнинг Муҳаммад (с. а. в.) ва асҳоблари шарҳи ҳоли, кароматлари, сўзлари ҳақидаги асари. Ҳам Жомий, ҳам Навоий хаёлида айни бир вақтда шундай асарни яратиш ҳақида фикр пайдо бўлади ва 1480 йилда у ёзилади. «Мен хурсанд бўлиб, ҳар куни хабар олиб турардим», – дейди Навоий. Мазкур асарлар муқаддимасида Жомий Навоийга алоҳида меҳр билан миннатдорчилик билдириб ўтади. Ўз навбатида, булар яқин муносабат, ҳам-фикрлик, хайриҳоҳлик, ижодий масалаларда яқдилликдан далолат ҳам беради.

Жомий «Арбаъин»да ҳар бир ҳадиснинг мазмунини бир қитъада талқин қилган. Навоий дейдики, «Барча яқин мусоҳиблардан бурунроқ менга илтифот қилиб, қораламасини берар эдилар. Мутолаа қилганим сари сўзларидан чаманларнинг чексиз чечаклари ва маъноларидан ҳақиқатларнинг илоҳий нурлари зоҳир бўла бошлади.

Ўша «Арбаъин»ни туркйга таржима қилиш орзуси тушди². Тез орада таржима тугалланади. Асар таржимасидаги сўнгти байтда муридлик ва муршидлик даражаси кўрсатиб ўтилади.

Навоий 1476 йилда Жомийни ўзига тариқат йўлидаги устоз, шир деб қабул қиласиди ва Жомий хузурида суфийлик рамзлари, ишоратлар ва истилоҳларни ўрганишга киришади. Шунда баъзи асарларга шарҳ битиш лозим деган хуносага келган Навоий Жомийдан илтимос қилганда Фахруддин Ироқийнинг «Ламаъот» («Шуълалар») асарига «Ашиъат ул-ламаъот» («Порлоқ шуълалар») номли шарҳ яратилади. «Ламаъот»ни Фахруддин Ироқий Ибн Арабийнинг «Фусус ал-ҳикам» номли илоҳий ҳикматлар ҳақидаги асарини Гўнияда Садруддин Кунавий сұхбатларидан илҳомланиб ёзган эди. «Ламаъот» муаллифи асли ҳамадонлик бўлиб, соҳиби девон шоир ҳамдир. У 1388 йилда вафот этган. Қабри Дамашқда Ибн Арабий мозори ёнида экан.

Худди шундай тарзда Навоий Жомийдан давр адабиёттида анчагина равнақ топган бадиий санъатдан адабиёт ўналишдаги бир фан даражасига кўтарилган муаммо

ҳақида рисола ёзишни сўрайди ва яратилган асар анча қийин ва мураккаб чиққани учун ўзи «Муфрадот»ни яратади.

Бу икки буюк шоирларнинг ўз гиноий – лирик шеърларини девонларга ажратиб, алоҳида номлар билан атаганлари ҳам бир-бирларидан илтимослар қилингани натижасида амалга оширилган.

Жомийнинг мусиқа ҳақидаги рисоласи ҳам Навоий учун ёзилган. Навоийнинг ғазалига Жомий форсча жавобия ёзганида Ҳусайн Бойқаро таклифи билан унга Навоий мусаддас боғлагани, улар орасидаги ижодий ҳамкорликнинг кенг қамровли эканлигини кўрсатади.

«Хамсат ул-мутаҳаййирип»нинг хотима қисмида Жомий ҳузурида таълим олган ва фойдаланган китоб ҳамда рисоалалар рўйхати келтирилади. Улар сирасида тилга олинган асарлар ва Ҳожа Порсо тўлиқ номи Муҳаммад б. Муҳаммад б. Муҳаммад Ҳофиз Бухорий³ (хожагонларнинг жуда улуг асҳобларидан, ваф. 1419)нинг, Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёти ҳақидаги маълумотлар ва сўзлари жамланган «Кудсия» («Муқаддас») номли асари бор.

Ҳожа Убайдуллоҳ Ҳожа Ахрорнинг «Волидия»си, Ҳожа Абдуллоҳ Анзорийнинг «Илоҳийнома»си ҳам шулар жумласидан деб кўрсатилади асарда.

Яна Навоий «Хамса била» «Ҳафт авранг»ларининг кўпроқ қисмини қиёслашп йўли билан улар ўқиганларида қулоқ солиб эдим ёки улар эшитганлар – мен мажлисларда ўқиган эдим.

Яна шунингдек, баъзи рисолалар борки, гарчи дарс олиш ёки муқояса қилиш маъносида уларнинг ҳузурларида ўқимаган эсам-да, аммо баъзи мушкул (ерларини) улардан сўраб, таҳқиқ (қилдириб) олар эдим⁴.

Айтганлардан кўринадики, Жомий ва Навоий оралаridаги муносабат устоз ва шогирдлик, ҳамкорлик даражасида бўлганлиги, унинг заминида устознинг шогирдига меҳригина эмас, илм излаганларга, айниқса тасаввифни яхшироқ тушунишга интилганларга фойдали бўлиши ҳам назарда тутилган.

Жомийнинг ҳаётдан кўз юмиши, дағн маросимлари ҳам асарда ғоят таъсири баён этилган. Асар сўнгига илова қилинган таркибанд марсия ҳақида Садриддин Айний: «Таркибанди Алишерки, дар вафоти Жомий навиштааст, жонсўз-

тарин намунаи адабиёти марсиячи аст. Жомий дар ин таркибанд бо ҳамон азамати илми ва адабии худ мужассам шуда менамояд» (таржимаси: Алишернинг Жомий вафотига ёзган таркибанди марсия адабиётининг жон ўртовчи намунасидир. Бу таркибандда Жомийнинг бутун илмий ва адабий қуррати мужассамланган).

«Хамсат ул-мутаҳайирин»да даврнинг талай жиҳатлари, ҳалқ, мамлакат, сиёsat ва бошقا масалалар ҳақида қимматли маълумотлар мавжуд. Ундаги илмий ҳамда бадиий ижод билан bogлиқ масалаларгагина муҳтасар тарзда тўхтадлик.

Жомийнинг 590 йиллигига «Хамсат ул-мутаҳайирин»нинг табдил матни нашр этилди. Асарнинг рус тилига таржимаси устида ҳам иш олиб борилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Булар ҳақидаги таҳлилий фикрлар «Ўзбек адабиёти тарихи». 5 жилдлик. 2-жилд. –Т. , 1978. 373-384-бетлар ва қатор мақолаларда берилган.
2. Алишер Навоий. Хамсат ул-мутаҳайирин. /Табдил, матн, изоҳ ва таржималар Суйима Фаниеваники. –Т. , 2004. 53-бет.
3. Қаранг: Абдураҳмон Жомий. Нафаҳот ул-унс. Муқаддисма, тасҳиҳ ва таълиқот. Д-р Маҳмуд Обидий. –Техрон. 1370. 397-400-бетлар (форс тилида); Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. (20 жилдлик). 17-жилд. –Т. , 2001. 266-271-бетлар.
4. Хамсат ул-мутаҳайирин. Табдил матн. 69-бет.

Жаъфар ХОЛМУМИНОВ

ЖОМИЙНИНГ «АД-ДУРРАТ УЛ-ФОХИРА» НОМЛИ АСАРИ (ТАСАВВУФ, КАЛОМ ВА ФАЛСАФА БАҲСИ)

Жомийнинг «Ад-дуррат ул-фохира» номли фалса-фийирфоний асари турли манбалар ва нусхаларда турлича номланган. У кўпинча икки ном билан – «Ад-дуррат ул-фохира» ва «Рисола фи таҳқиқи мазҳаб ал-суфият ва-л мугакаллимин ва-л ҳукамо» аталиб келинган. Жомийнинг шогирди ва муриди Абдулғафур Лорий, Жомий асарлари феҳристида асарни «Рисолаи таҳқиқи мазҳаби сӯфи ва мугакаллим ва ҳаким» шаклида танишгиради. Ҳижрий 1328 йили Қоҳира-да чоп этилган нусхада бу икки ном бир-бири билан аралашиб кетганлигини кузатиш мумкин. «Куллиёт»и Жомийда эса у «Таҳқиқ ул-мазоҳиб» шаклида келтирилган.

«Ад-дуррат ул-фохира»нинг араб тилидаги асл матни тайёрлаб, унга инглиз тилида муқаддима ёзган канадалик исломшунос олим Николас Ҳирнинг маълумотига қаранганд, бу асар «баъзи бир нусхаларда «Ҳутта раҳлак», яъни «ўз хуржунингни тушир» деб номланган. Яхудо – 3872 ва Ақойиди Темур – 393 нусхаларида бу соҳта ном «Ад-дуррат ул-фохира» ўрнида келтирилган¹.

Якобс Экер (Jacobus Ecker) бу асарнинг лотинча танланма таржимасини тайёрлаётганида ишлатган нусхаларга берган изоҳида 87-рақамли Гўто нусхаси ҳам шу ном билан номланганлигини қайд этади. Шунингдек, у бу нусханинг сўнгги бетида кўчирувчи томонидан «Шу ерга қўнавер, чунки у томонда бошқа қўноқ йўқ» – деб ёзилган дейди. Экер бу жумланинг маъносини қўйидагича изоҳлайди: «Агар Худо вужуди ва унинг сифатлари тўғрисида бу кичкина китобни ўқиб, бирон нарсага тушуниб етсанг, сенга етарлидир. Чунки бу хусусда ўқиб ва тушуниб етадиган бошқа китоб йўқ»². Иброҳим Куроний ўзининг «Ал-умам ло яқоз ал-ҳимам» номли асарида бу учала номни аралаштириб, «Ад-дуррат ул-фохират ал-мулакқабот би ҳутта раҳлак фи таҳқиқи мазҳаб ас-суфият ва-

л-мутакаллимин ва-л-хукамо-ил-мугақаддимин» деб ном беради.

«Аш-шақойиқ ун-нуъмоният фи баёни уламои айём уд-давлат ул-усмоният» китоби муаллифи Абулхайр Аҳмад бин Муслиҳиддин Мустафо Тошкӯбизоданинг Сайд Муҳийиддин Фанорийдан нақл қилишича, Мавлоно Жомий бу китобни усмоний султон Муҳаммадхон иккинчнинг илтимосига биноан ёзган экан. Жомий бу асарда юқоридаги уч гурӯҳнинг олтида масала бўйича, жумладан, вужуд ва зот масаласига оид қарашларини мұҳокама этади. Сўнг Султонга юбориб, агар маъқул бўлса, охирига етказишни, агар маъқул келмаса, бунинг учун беҳуда вақт сарф қилмаслигини маълум қиласди. Лекин бу рисола Истанбулга етганида Султон Муҳаммадхон дунёдан ўтган бўлади.

Тошкӯбизоданинг маълумотидан шундай хulosаса чиқариш мүмкинки, «Таҳқиқ ул-мазоҳиб» ҳижрий 886 йили (1481), яъни Султон Муҳаммад Фотеҳ вафот қилган йили ёзib тутатилган. Демак, Жомий бу китобни 69 ёшида, «Нақд-ун-нусус» ва «Силсилат уз-заҳаб»нинг биринчи дафтари ва биринчи девондан сўнг, аммо бошқа мұҳим асарларидан олдинроқ ёзган экан.

Жомий бу асарда мутакаллимлар, мутасаввифлар ва файласуфлар ўртасида узоқ асрлар давомида катта баҳсу мунозараларга сабаб бўлган 11 та масалани ўртага ташлаб, уларга холисона ҳакамлик қилиш ва ўз нуқтаи назарини айтишга ҳаракат қиласди. Бу масалалар китобда қўйидаги тартибда қиёсу таҳлилга тортилган:

1. Худо вужудининг тушунчаси ва Унинг ўз Зотига мансублиги. Яъни, Ҳақнинг вужуди айнан Унинг Зотими ё Унга зоид (қўшимча) бўлган нарсами?

2. Худонинг ваҳдати (бирлиги) ва буни исбот қилишнинг зарурати.

3. Худонинг сифатлари ва уларнинг Унинг Зотига таалуклиги, яъни Худонинг сифатлари айнан Унинг Зотими ёки Унга зоид бўлган нарсаларми?

4. Худо илмининг моҳияти. Илмнинг Худога мансублиги.

5. Ху илмининг жузъиёти, Худога нисбат бериладиган илм атрофида туғиладиган баҳслар.

6. Худо иродасининг моҳияти. Сифатий ирома Унинг илмиданми?

7. Худо қурратининг моҳияти. Худо фоили мухторми (ихтиёрга эга бўлган яратувчими)?

8. Оламнинг азалийлиги. Олам азалдан бўлганми ё муайян замонда яратилганми? Қадим олам фоили мухтордан бор бўлганми?

9. Худо каломининг моҳияти. Куръоннинг қадимийлиги ва яратилганлиги хусусида баҳс.

10. Бандаларнинг ихтиёрий амаллари (ўз хоҳиш-истаклари билан) ва барча амал-ҳаракатларнинг охир-оқибати Худонинг курратига боғлиқлиги.

11. Оламнинг Худодан келиб чиқиши.

Жомий ҳар бир масалани бирма-бир келтириб, биринчи навбатда мутакаллимлар, иккинчи навбатда файласуфлар ва охирида сўфийларнинг бу масалага бўлган муносабатларини баён қиласди, аммо ўзи тасаввуф тариқати вакили бўлгани ҳолда сўфийлар жамоатини мутакаллимлар ва файласуфлар жамоатига қараганда мақбул ва маъқул мазҳаб сифатида этишга ҳаракат қилмайди, балки уни бироз устунроқ бир таълимот сифатида таништиради. У калом аҳли ва файласуфлар ўртасида ихтилофларга сабаб бўлган ваҳдоният масаласини бир-бирига зид кўймай, уларни аралаштиришга ҳаракат қиласди. Масалан, Жомийнинг талқин этишича, сўфийлар Худонинг сифатларини Унинг Зотидан ташқари, аммо тасаввурда унга зоид деб қарайдилар. Бу нуқтаи назар мутакаллимлар ва файласуфлар фикридан ҳосил бўлган ўргача қарашдир. Мутакаллимлар Худонинг сифатларини Унинг Зотига зоид деб биладилар, файласуфлар эса сифатни Зотнинг айни ўзи дейдилар. Сўфийларнинг яна бир ақидаси мутакаллимлар ва файласуфлар ўртасидаги баҳсни мӯътадиллаштиради. Бу «Худо фоили мухтор бўлишига қарамай, жаҳон азалийдир» деган баҳсдир. Файласуфларнинг фикрича, «Худо фоили мухтор бўлгани учун ҳам олам азалийдир. Мутакаллимларнинг фикрига қараганда, оламнинг ибтидоси борлиги учун ҳам Худо фоили мухтордир. Лекин, «Худонинг вужуди айни Унинг Зотидир ё унга зоид бўлгандир» деган масалада мутасавифлар бутунлай бошқача фикрни билдира-дилар. Улар Худони Зот ва вужуддан таркиб топган деб тасаввур

қилиш ўрнига, Уни вужуди Мутлақ деб биладилар. Улар нафақат Худо вужудининг Зотта бўлган нисбати масаласидан четта чиқишига, балки шунингдек, Аллоҳнинг бирлигини исбот қилишга ҳам уринмасликка ҳаракат қиласидилар. Мутакаллимлар ва файласуфлар эса бунга далил-исбот излайдилар. Жомий мутакаллимлар, файласуфлар ва мутасаввифлар маҳзабини таништириш ва уларнинг қарашларини баён қилиш мақсадида жуда кўп мұътабар китобларга мурожаат қилган. «Ад-дуррат ул-Фохира» ва унинг ҳосијасидаги жуда кўп иқтибослар ё ўша китоблардан далил сифатида келтирилган ё изоҳ берилган. Гоҳида Жомийнинг ўзи бу манбаларга ишора қилиб, уларни таништириб ўгади. Жомий қалом илмига оид манбалардан Журжонийнинг «Шарҳ ул-мувоқиф» ва Тафтазонийнинг «Шарҳ ул-мақосид» номли асарларидан, Тусийнинг «Шарҳ ул-ишорот» асари ва унинг Садриддин Қунавийнинг саволларига берган жавобларидан таркиб топган рисоласидан ҳам файласуфларга боғлиқ бўлган масалалар баёнида бир оз фойдаланган. Тасаввуфга оид манбалардан эса асосан Фанорийнинг «Мисбоҳ ул-унс», Қайсарийнинг «Матлаъи хусус ул-калам», Ҳамадонийнинг «Зубдат ул-ҳақойиқ», Ибн ал-Арабийнинг «Футуҳот ул-Маккия» ва Қунавийнинг «Китоб ун-нусус ва иъжоз-ул-баён» номли асаридан мисоллар ва далил-лар келтирган.

«Ад-дуррат ул-Фохира»га Жомийнинг шогирди ва муриди Абдулғафур Лорий «Шарҳи ад-дуррат ул-Фохира» номли шарҳ битганки шубҳасиз, бу асарни ўрганишда калит вазифасини ўтайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. A. Jami. Al-durrat al-fakhirah. Introduction By N. Hear, 9.
2. Ecker, Gamii de Existentia et Attributis Libellus, p. 26.

Абдумажид МАДРАИМОВ

ЖОМИЙНИНГ «ЮСУФ ВА ЗУЛАЙХО» ДОСТОНИГА ИШЛАНГАН МИНИАТЮРАЛАР ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг бой кўлёзмалар хазинасида Жомийнинг «Юсуф ва Зулайхо» достонининг ўнта расмлар билан зийнатланган дастхати мавжуд бўлиб, уларга уч юз саккизта миниатюра расм ишланган. Бу кўлёзма ва расмлар алоҳида тадқиқ этишга арзийди. Биз ушбу мақоламизда мазкур миниатюраларнинг мавзуи, уларнинг тарихий, илмий аҳамияти хусусида фикр юритамиз.

Ушбу расмларнинг энг қадимгилари XVI ва XVII асрларга оид бўлиб, улардан ўн тўрттаси турли мавзуларга оидdir.

Энг қадимти нусха «Ҳафт авранг» 3478 рақамили кулиёт таркибида бўлиб, унинг матни 2146-265а саҳифаларга битилган. Кўлёзма ўлчами 16, 5 x 26, 5 см, ундаги тўрт расмда достон мазмуни ўз ифодасини тошган. 1587 йили китобат қилинган кўлёзмадаги расмларда Зулайхонинг чодир ичидан Миср Азизига қараши, Юсуфнинг Нил дарёси соҳилида бўлиши, Зулайхо ва Юсуф сұҳбати ҳамда Зулайхо Юсуфни мисрлик аёлларга намойиш этиши тасвирланган¹.

Китобат тарихининг қадимийлиги жиҳатидан 9597 рақамили қўлёзма ҳам алоҳида ажралиб туради. Бу қўлёзма 175 варақли, 14 x 24, 5 см ўлчами. Достоннинг алоҳида қўлёзмаси XVI аср бошларида яратилган бўлса ҳам, унга XVII асрда, аниқроғи 1630-1640 йиллари ўн битта расм ишланган.

Қўлёзмага чизилган расмларда Юсуфнинг қудуқдан чиқарип олиниши, Мисрга элтиб, бозорда сотилиши, унинг чўпонлик қилиши ва Зулайхо билан бўлган муносабатлари, Зулайхонинг Юсуфга аза тувиши каби лавҳалар тасвирланган.

Маълумки, Зулайхо ва Юсуфнинг ўзаро муносабатлари-

да уларнинг бодга учрашишлари, Зулайхонинг Юсуфга нисбатан қўпол ҳаракати, Юсуфни мисрлик аёлларга намойиш этиши, тухмат қилиб зинданга солиши, Юсуфнинг Мисрга подшоҳ бўлиши, қариган Зулайхо билан учрапуви, уларнинг никоҳланиши ва Зулайхонинг Юсуфга аза тувишини ўз ичига олади.

Ушбу расмлар сафавийлар даврига оид услубда ишланганилиги, яъни эркаклар салласи ўртасида кулоҳнинг узунлиги билан ажralиб туради.

Жомийнинг шу достонига XVIII асрда еттита расмли қўлёзмалар ишланган. 1417 рақами қўлёзмада тўртта, энг кам миниатюра жой олган. Яна учта қўлёзмага, рақамлари 298 (Ҳамид Сулаймон фонди) – ўн тўққизта, 791-дастхатта йигирма бешта ва 7859 – йигирма еттита расм ишланган.

Ушбу қўлёзмалардаги барча расмлар мавзуи ҳам достон мазмунига мутаносиб бўлиб, асар сюжетини китобхон томонидан тўла идрок этишга ёрдам беради. Биз улардан бирида (791) достон муаллифи Абдураҳмон Жомий ва асосий қаҳрамон Юсуф тасвирини (16-2а) ҳам учратамиз.

Бошқа анъанавий расмлардан Одам Атога келгусида Юсуф туғилиши тўғрисидаги хабарни етказилиши (791, 26 б-варак) каби расмни ҳам кўришимиз мумкин. Бошқа расмларда Зулайхонинг учта туши, Юсуфнинг саргузашларидан бошланиб, унинг вафотигача бўлган воқеалар акс эттирилган².

XVIII асрда яратилган иккита қўлёзма 9397 ва 1432 рақами нусхаларга олтмиш олтига ва етмиш олтига расмлар ишланган. Бу дастхатлар ўлчами ихчам, яъни 10, 5 x 18 см ва 13 x 20 см бўлиб, улардаги расмлар ҳажми ҳам шунча, аммо жозибадордир.

Ушбу қўлёзмалардаги расмларда биз Хожа Убайдулла Ахрор ва унинг муридлари (9397, 9 б, 1432 м²), Султон Ҳусайн Мирзо (9397, 10 а, 1432 м³) каби буюк сиймолар тасвирини ҳам учратамиз.

Юсуф сиймоси пайғамбар сифатида тасвирланса-да, унда биз тарихий портретни эмас, балки рассомнинг ўз тасаввуридаги идеал шахс тасвирини кўрамиз.

Тарихий шахслар Султон Ҳусайн Мирзо, Хожа Убайдулла

дуллю Ахрор ва Абдураҳмон Жомий расмлари хусусида ҳам шундай фикрни айтиш мумкин.

Аксарият миниатюраларда Зулайҳо ва Юсуф муносабатлари билан боғлиқ бўлган воқеа ва ҳодисалар акс эттирилган. Уларда XVIII асрга хос манзара, кийим-кечак, иморатлар ва одамлар тасвири ҳам анча мукаммал. Расмлардаги инсон қиёфаси, кийим-кечак, иморатлар тасвирида маълум даражада ҳинд рассомлари анъаналари, услублари яққол акс этган. Бу расмларнинг маълум қисмида баъзи қайтариқлар ҳам учрайди. Бу табиий ҳол. Шундай бўлсада, чехракушолар айнан бир мавзудаги расмларни яратишда ҳам ўзига хос тарзда талқин этишга интилганликлари сезилиб туради.

XIX асрдан иккита расмли қўлёзма 5017 ва 10016 рақами нусхалар етиб келган бўлиб, уларнинг бирида йигирма бешта, иккинчисида эса олтмиш битта расм мавжуд.

5017-рақами қўлёзманинг хатоти Мирза Мир Исҳоқ ал-Бухорий бўлиб, у 184 варакдан иборат. Қўлёзма ўлчами эса 14, 5 3 22, 3 см. Ундаги йигирма тўрт расм ичида «Меъроҳ» манзараси (8 б-варак), Хожа Убайдулло Ахрор ва унинг муридлари (13 а-варқ) каби достон асосий мазмунига оид бўлмаган тасвирлар ҳам бор. Кўпчилик миниатюраларда Зулайҳо ва Юсуфнинг бошдан кечирган воқеалиари ўз ифодасини топган.

10016-рақами қўлёзма 158 варакдан иборат, ўлчами 11,5 x 20 см. Ундаги олтмиш битта расмда анъанавий мавзулар ифодаланган.

XVIII аср ва XIX асрда яратилган расмларда мавзулар қайтарилиган бўлса ҳам, улар услугуб жиҳатдан бири иккинчидан фарқ қиласиди³.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти хазинасидаги Абдураҳмон Жомийнинг «Юсуф ва Зулайҳо» достонининг ўнта қўлёзмаси расмлари тўғрисида ги ушбу ахборотда биз умумий хусусиятларни қайд этдик, холос.

Ушбу расмли қўлёзмалар ўз даври китобат санъатининг камёб обидаси сифатида хаттотлик, саҳдофлик санъати нуқтаи назаридан ҳам алоҳида ўрганишни талаб этади.

Турли мамлакатлар афсоналари асосида қаратилган Абдурәхмон Жомийнинг «Юсуф ва Зулайҳо» достони темурийлардан Султон Ҳусайн замонида, унинг ҳомийлигига яратилган бўлса, биз кўрган расмларнинг аксарияти Мовароуннаҳр ва Шимолий Ҳиндистон рассомларининг ижодий маҳсулидир.

Бу расмларни ўрганиш Марказий Осиё халқлари маданий алоқалари илдизларини ўрганишга ва уларнинг дўстлигини мустаҳкамлашга хизмат қиласди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. OR. MIN. vol I p. 183-184.
2. OR. MIN. vol II p. 127-133.
3. OR. MIN. vol I, II, III.

Фарида КАРИМОВА

ДЕБОЧАЛАРДА ИЖОДИЙ ҲАМКОРЛИК ИЗЛАРИ

Ўзбек ва тожик халқлари ўртасидаги адабий-мада-ний алоқалар тарихида Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоий ўртасидаги дўстлик, устоз-шогирдлик муноса-батлари алоҳида ёрқин саҳифаларни ташкил этади. Бу улуғ мугафак-кирларнинг ижодий меросида ана шу бетакрор қирралар мужассамдир. Абдураҳмон Жомий ўзининг «Лайли ва Мажнун», «Юсуф ва Зулайхо», «Хирадномаи Искандарий» достоnlарида ҳамфикр дўсти ва шогирдини замонасининг даҳо шоири сифатида улуғлайди.

Шунингдек, Алишер Навоий ҳам «Хамсат ул-мугаҳайирин», «Мажолис ун-нафоис», «Муҳокамат ул-лугатайин», «Мезон ул-авzon», «Девони Фоний», «Хам-са» каби асарларида ўз устози Абдураҳмон Жомийни катта ҳурмат-муҳаббат билан тилга олади.

Улкан ижодий ҳамкорлик қирралари ҳар икки шоирнинг девонларига битилган дебочаларда ҳам ўз ифодасини топган. Маълумки, Алишер Навоий, Хусрав Дехлавий, Ҳофиз Шерозий ва Абдураҳмон Жомийларни шеъриятдаги буюк салафлари сифатида кўп асарларида тилга олиб, устозларига бўлган эҳтиромини баён қиласиди. Жумладан, «Бадоеъ ул-бидоя» дебочасида форс-тожик адабиётининг бу уч буюк вакили ва улар ижодига хос хусусиятларга тұхтадар экан, устозини «Кудс шабистонининг шамъи анвари ва унс гулистонининг андалиби суханвари, балоғат шакаристонининг тўтийи ширинкаломи жаноби Маҳдумий Мавлоно Абдураҳмон Жомий» дея таъриф-тавсиф этади.

Форс-тожик шоири Абдураҳмон Жомий ҳам 1491 йилда Навоийнинг таклифи билан уч девонини «бир пўст ичида уч мағиз етишгани каби» бир жилдга жамлайди ва уларга дебоча ёзди.

«Хамсат ул-мугаҳайирин»да ҳикоя қилишибча, Навоий сафардан қайтаётib, Жомий зиёратига тушади. Жомий унга ўз қўли билан битилган учинчи девонини тақдим қиласиди.

Шунда Навоий Мир Хусравдан бошқа ҳеч ким ўз шеърларидан «мугааддид» девонлар тузмаганлиги ва уларга алоҳида номлар қўйилмаганлитини айтиб, устозидан ўз девонларига муносиб от қўйишини илтимос қиласди. Орадан икки кун ўтгач Навоий яна Жомий хузурига боради. Жомий Навоийнинг таклифи билан девонларнинг алоҳида номланганлигини ҳам эслатган эди.

Шунингдек, Жомий ҳам Навоийга ўзбекча шеърларидан алоҳида девонлар тушиб, уларни маҳсус номлар билан аташни тавсия қиласди: «Сен даги назминг туркча алғозда чун мугааддид бўлибтур, сен даги ҳар бир исм била мумтоз қил ва ҳар қайсисини бир лақаб билан жилвасоз этти».

Алишер Навоий «Хазойин ул-маоний» дебочасида далилат беришича, Абдураҳмон Жомий каби Ҳусайн Бойқаро ҳам бир Мир Хусрав Дехлавийдан бошқа «назм ҳаримининг хосларию шеър баҳрининг ғаввосла-ри» кўп сонли девонлар ёдгор қолдирмаганлигини таъкидлаб, Навоийни барча шеърларини жамлаб, тўрт девон тузишга даъват этган эди.

Жомий «Фотиҳат уш-шабоб» дебочасида юқоридаги воқеанинг содир бўлган вақтини 897/1491 йил, деб кўрсатади. Демак, Жомий турли йилларда тузилган учала девонига 1491 йилда дебоча ёзган. Шуниси характерлики, дебочаларда тарих санъатини қўллайди ва девонларнинг тузилган йиллариги аниқ кўрсатади.

Жомийнинг биринчи девони «Фотиҳат уш-шабоб»га 10 варақдан иборат дебоча ёзилган. Дебоча ҳамму наът билан бошланади. Сўнгра шоир йиллар давомида рисола ва маснавий китоблари, ижод дафтарлари, қасида ва ғазаллардан тарқоқ девонлар жамланганлиги тўғрисида сўзлайди. Пайғамбар ҳижратига 900 йил тўлишига уч йилча вақт қолганда, яъни 897/1491 йилда Навоийнинг таклифи билан уч девонини бир жилдга жамланганлиги ва биргаликда уларни «Фотиҳат уш-шабоб» («Ёшликнинг бошланиши»), «Воситат ул-икд» («Дур шодаси ўрталиғи»), «Хотимат ул-ҳаёт» («Ҳаёт якунлари») деб аталганлиги ҳақида маълумот беради: «... дар ин воло аз таърихи ҳижрати набавия то такмили миата тосиа се сол беш боқи намондааст, муҳиб ва мўътақиди дарвешон, балки маҳбуб ва мўтақиди эшон

Низомул-миллати вад-дин Амир ҳиммати шариф бар он овардааст, ки давовини қасоид ва ғазалиётро ки адади он ба се расидааст дар яки жилд фароҳам оварда ва чун се мағзи тозаи писта дар як пӯст парварда, аз ин фақир истидъои он кард, ки ҳар як ба исми хос самти ихтисос гирад ва аз вasmati ibxom va iштирок surati istixlos pазирад, ложарам ба мулоҳазаи авқоти вуқупон девони аввал ки дар авони жавони ва авоили замони амну ба вуқуъ пайваста ба «Фотиҳат уш-шабоб» иттисом меёбад ва девони сони ки дар авосити уқуди айёми зиндагони интизом ёфта ба «Воситат ул-иқд» номзад мешавад ва девони солис ки дар авоҳири ҳаёт оғози таргиби он шудааст ба «Хотимат ул-ҳаёт» мавсум мегардад». (Таржимаси: Бу вакъларда ҳижрий (йил ҳисобида) тўқиз юзга тўлишига уч йилдан ортиқ қолмаган (яъни 1491 йил) эди, дарвешлар дўсти ва муҳлиси, балки улар дўст туттган ва ихлос кўйган. (миллат ва диннинг қоидаси) Алишер ўзининг шарафли ҳимматини кўрсатиб, сони учга етишган қасида ва ғазаллар девонини учта тоза писта мағзи бир пуст ичиди парвариш топганидек, бир жилдга бириклирса ва ҳар бириси бир исм билан номланса, бу билан дудмоллик аралашлик туҳматидан халос бўлинса, деб мендан илтимос қилди. Бинобарин, яратилиш вақтлари мулоҳазаси билан биринчи девон йигитлик пайтларида, тинчлик ва омоилик замони аввалларида юзага келганилигидан «Фотиҳат уш-шабоб» («Ёшликнинг бошланиши») деб аталди. Иккинчи девон тириклилик кунлари машаққатларнинг ўрталарида тартиб топганидан «Воситат ул-иқд» («Дур шодаси ўрталиғи») деб номланди. Учинчи девон ҳаёт охирларида тузилганидан «Хотимат ул-ҳаёт» (Ҳаёт яқунлари) деб исм берилди.

Сўнгра Жомий ўзининг шеърият, шоирларнинг жамиятда туттган ўрни ҳақидаги адабий-эстетик қарашларини баён қиласи. Бу фикрларни шоир кўпроқ Xусрав Дехлавий каби Куръон оятлари билан изоҳлашга, далилашга интилади. Кейинги ўринларда ўз тахаллусининг икки жиҳати ҳақида гапиради. Яъни, шоир ўзининг Жом вилоятида таваллуд топганилиги ва Жом вилоятининг шайхулисломи Аҳмади Жом туфайли ўз шеърларида Жомий тахаллусини кўлланганлигини сўзлайди.

Дебоча сўнгидаги тарих ёзиб, девоннинг тузилган йилини

кўрсатади. Ушбу тарихдан маълум бўлишича, девон 884/1478-1479 йилларда тартиб берилган.

Жомийнинг «Воситат ул-иқд» ва «Хотимат ул-ҳаёт» девонларига ёзилган дебочалар 2-3 варагдан иборат бўлиб, улар ҳажман жуда ихчамдир. Шоир бу дебочаларда ҳамду наътдан сўнг шеърларини тўплаб девон тузганлиги, девонларнинг қачон тартиб берилганлиги ва ундаги шеърларнинг ҳажми ҳақида маълумот беради. Аслида Жомийнинг «Фотиҳат уш-шабоб» девонига ёзган дебочаси мұқаддимавий характерга эга бўлиб, қолган икки девонга дебоча ёзишининг зарурияти йўқ эди. Лекин шоир ҳар бир девоннинг тузилган вақти ва ундаги шеърларнинг ҳажми ни баён қилишни лозим топган кўринади.

Умуман, Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоий девонларига ёзилган дебочаларида ҳам бу икки ижодкор ўргасидаги улкан дўстлик ва ижодий ҳамкорликнинг ажойиб қирралари ўз аксини топган. Шу боис дебочаларда келтирилган маълумотларни тадқиқ қилиш ҳар икки шоирнинг ҳаёт ва ижод йўлинингина эмас, балки ўзбек ва тоҷик халқлари ўргасидаги адабий-маданий алоқалар тарихини ёритишда ҳам муҳим аҳамиятта эга.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдураҳмон Джами. Три дивана. Критический текст и предисловие Аълохон Афсаҳзода. Главная редакция восточной литературы, 1978.
2. Алишер Навоий. «Бадоеъ ул-бидоя» Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 1-том. –Т.: Фан, 1987.
3. Алишер Навоий. Хамсат ул-муғаҳайирин. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 15-том. –Т.: Фан. 1999.

Мўминжон СУЛАЙМОНОВ

ҚАЙЮМИЙ ТАЗКИРАСИДА ЖОМИЙ ЗИКРИ

Маълумки, тазкирачилик анъанаси минг йиллик тарихга эга бўлиб, дастлаб Абумансур ас-Саолибий араб тирида тазкира ёзган бўлса, форс-тожик тилидаги илк тазкира Муҳаммад Авфий Бухорийнинг «Лубоб ул-албоб» («Асосларнинг асоси») асаридир. Тарихий воқеалари сабабли яқин икки аср тўхтаб қолган тазкирачилик XV асрда Навоийнинг шогирди Давлатшоҳ Самарқандий томонидан яратилган «Тазкират уш-шуаро» («Шоирлар зикри») асари билан қайтадан тикланди.

Ҳазрати Алишер Навоий тазкирачиликни янги босқичга кўтарди, яъни «Мажолис ун-нафоис» («Гўзал мажлислар») асарида замондош адиллар ҳақида ҳам тазкирачлар яратиш мумкинligини ва бу энг мақбул усул эканлигини исботлашиб берди.

Миллоно Абдураҳмон Жомийнинг Шайх Саъдий Шерозий қўйамиги минсуб ишлоказий мавзудаги «Бўстон» ва «Гуллистон» асарларириги живобин ғули Зиёвуддин Юсуфга багишлаб 1487 йилди ётиш «Баҳористон» асарининг 7-равзасини ҳам қўниқиий маъниода тазкира дейиш мумкин. Чунки асарининг ушбу бобида 39 та шоир тўғрисида қизиқарли мигълумотлар берилган.

Ҳасанхожа Нисорийнинг «Музаккир ул-аҳбоб» («Дўстлар зикри»), Мутрибийнинг «Тазкират ул-шуаро», Фазлий Наманганийнинг «Мажмуаи шоирон» («Шоирлар тўплами»), Аҳмад Табибийнинг Муҳаммад Раҳимхон – Феруз саройидаги 30 шоирнинг иходи тўғрисидаги тазкираларида Навоий анъаналари муваффақиятли давом этирилган.

XX асрда ҳам тазкиралар ёзилган бўлиб, улар ҳақида кейинги йилларда яратилган тадқиқотлар орқали маълумотларга эга бўламиз. Адабиётшунос олима Сайёра Самандарова 1996 йилда ҳимоя қилган «XX ўзбек тазкиралари» номли тадқиқотида Хоразм адабий муҳити ҳақида маълумотларга эга бўламиз.

мот берувчи Ҳасанмурод Лаффасийнинг 1948 йилда ёзиг тугалланган «Хива шоирларининг таржимаи ҳоллари» асарини ва қўқонлик адабиётшунос олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Пўлатжон домулла Қайюмовнинг ўзбек шоирлари ҳақида 1960 йилда ёзиг тугалланган «Тазкираи Қайюмий» асарини тадқиқ этди ва биринчи марта илмий истифодага олиб кирди.

Пўлатжон домулла 1956 йилда форс-тожик шоирлари ҳақидаги «Тазкират уш-шуаро» номли яна бир тазкирасини ёзиг тугаллаган экан. Муаллиф бу тазкирасига кирган шоирлар ҳақидаги маълумотларни туркиялик машҳур лутғатшунос олим Шамсиддин Сомийнинг 6 жилдик «Қомус ул-аълом» асаридан териб олдим, деб таъкидласа-да, бошқа тазкира ва тарихий асарлардан ҳам кенг фойдалангани сезилиб туради.

Пўлатжон домулла Қайюмий ушбу тазкирасини тузар экан, машҳур шоирларга алоҳида ҳурмат-эътибор билан қараган ва улар ҳақида батафсил маълумот беришга интилган. Жумладан, Абу Абдулло Рудакий, Абулқосим Фирдавсий, Саъдий Шерозий, Абу Али ибн Сино ҳамда Жомий тўғриеида келтирилган маълумотлар жуда салмоқлидир. Айрим шоирлар тўғрисида бор-йўғи бир-икки жумла билан чекланган муаллиф машҳур исходкорлар ҳақида иккичу саҳифада, ҳатто ундан ҳам ортиқ маълумот беради. Абдураҳмон Жомий ҳақидаги маълумотлар ҳам деярли мукаммал бўлиб, кўлёzmанинг 56-58 саҳифаларини банд этган.

Муаллиф шоир ҳақида қўйидагиларни ёзади: «Жомий – бу кипи форс шоирларининг пешвоси ва машҳурларидан бўлиб, Хурросонга қарашли Жом номли қасабага яқин жойдаги Харжурд қишлоғида туғилмиш эди. Бу кишининг отаси Исфаҳонга яқин Зардушт қишлоғидандур. (Таъкидлар бизники – С. М.)

Номи Мавлоно Нуриддин Абдураҳмон бўлиб, ҳижрий или 817 (м. 1414) йилда туғилиб эди. Отасининг номи Мавлоно Мухаммад эди.

Жомий Ҳирот шаҳрида олий маълумот олмиш эди. Улуми фаннийа ва улуми адабиёт, тарих, улуми арабийада буюк маҳорат касб этмишдур. Сунгра ӯшал замоннинг машҳур шайхларидан Баҳоуддин Накшбанднинг Ҳиротдаги халифаси Мавлоно Саъдидин Қошғарий (кейинчалик

Жомий шу кишининг қизига уйланган¹ – С. М.)га бориб мурид бўлубдур.

Жомийнинг бошданоқ табиати шеърияси зиёда бўлуб, шеърлар ёзар эди. Талабалик вақтидаёқ назму насрода бир қанча китоблар ёзмиш эди. Оз вақт ичинда шухрати ҳар томонга ёйилмиш эди. Ҳар томондаги адиллар, шоирлар бу кишини кўргали зиёратга кела бошладилар. Бу вақтда Ҳиротнинг подишиҳи темурийлардан Абу Сайд Мирзо эди. Бу ҳам Жомийга хурмат кўрсатмиш эди.

Бундан кейин Султон Ҳусайн Бойқаро ҳам Жомийга муҳлис эди. Вазири аъзам Алишер Навоий Жомийнинг ишончли дўсти эди. Туркия султони Муҳаммад Соний Жомийнинг фойибона муҳибби бўлиб, Жомийни кўришга мароқ этиб, хузурига чақирмиш эди. Жомий қабул этиб йўлга чиқиб эди. Кунё шаҳрига борганда Муҳаммад Сонийнинг вафот хабари эшитилди. Жомий жанубга томон бурилиб, Ҳижозга йўл солди. Адойи ҳаж этиб Ҳиротта қайтди. Бу вақтда Жомийнинг шухрати ҳамма ёққа тарагиб бўлмиш эди. Олим, шоир, буюк шайх бўлиб танилган эди.

Ҳижрий или 898 (м. 1492) йилда 81 ёшинда Ҳиротда вафот этди. Навоий жазонасинда бўлмишdir. Шаҳардан четроқдаги маҳобатли файзосор хонақоҳ Шайх Саъдиддин Кошгариининг мозор жойига дағи этилмишdir. Бу зотнинг қолдирмиш асарлари...» деб жами 42 та асарининг номини келтиради².

«Мана шу асарларнинг эгаси бўлиб, Мавлавий Жомий аталур. Форсийча ва арабча асарлари бўлиб, туркча ҳам ёзган нарсалари кўринадур.

Банда шуд Жомий ғуломат ҳамчу Афлотун шавад,
Асрагил, ё сақлагил, ё сот, ё бергил жавоб».

Умуман олганда, Қайюмий Жомий асарлари ҳақида деярли тўлиқ маълумотга эга бўлган. Агар Алишер Навоий Абдураҳмон Жомийга бағишлиянган «Хамсат ул-мутаҳай-йирин» асарида устозининг 38 та асарининг номини санаб ўтган бўлса, Жомий девонларининг танқидий матнини яратган машҳур тоҷикистонлик шарқшунос олим проф. Афсаҳзод 46 та асари номини келтирган. Агар биз Жомийнинг «Ҳафт авранг» деб аталган «Хамса»сига кирган би-

ринчи достони «Силсилат уз-заҳаб» З та дафтардан иборат эканлигини ва проф. Афсаҳзод бу дафтарларни алоҳида асарлар сифатида рўйхатига киригилганлигини ҳисобга олсан, Қайюмий улуг шоирнинг ҳамма асарларидан хабардор бўлган дея оламиз.

Лекин шуни ҳам таъкидлаш керакки, «Тазкират уш-шуаро»да шоирнинг муаммога бағишланган тўртта рисоласидан иккитаси, яъни «Рисолаи Мутавассит» («Ўрта рисола») ва «Рисолаи асфар» («Жажжи рисола») ҳамда учта девони бор, деб таъкидлангани ҳолда, бу девонларнинг номлари келтирилмаган. Аксинча, Навоий тилга олмаган «Рисолаи савол ва жавоби Ҳиндустон», «Шарҳи қофия», «Шарҳи Мифтоҳул – файб», «Шарҳи ояти фойои фориҳбун» каби асарларнинг номларини зикр этган. Бу асарларнинг номлари проф. Афсаҳзод томонидан тайёрланган Жомий девонлари нашрида ҳам мавжуд.

Шунингдек, бошقا тарихий манбаларда шоир туғилган манзил сифатида Жом шаҳри тилга олинади. Қайюмий эса Жомийни ана шу Жом қасабасига яқин жойдаги Харжурд қишлоғида, отасини эса Исфаҳонга яқин Зардушт қишлоғида туғилган деб аниқлик киригади (Таъкидлар бизники – М. С.)

Аммо Қайюмийнинг «Тазкират уш-шуаро» асарида мунозарали ўринлар ҳам бор: масалан, муаллиф Жомийнинг туркий ва арабий тилда ижод қўлган деб таъкидлайди. Араб тилида ижод қўлганлиги аниқ бўлмаса ҳам, проф. Афсаҳзоднинг таъкидлашича, Жомий ўғли Зиёвуддин Юсуфга бағишлаб араб тили грамматикасига оид асар ёзган. Жомийнинг бу асари XIX асрнча эски мактабларда асосий дарслик сифатида қўлланилиб келинган экан.

Шоирнинг туркий тилда ижод қўлганлиги ҳақидаги фикрлар анчайин мунозаралидир. Академик Азиз Пўлатович Қаюмов «Сино» журналининг 2002 йил 7-сонида бо силган «Зуллинсонайн Жомий» номли мақоласида 1940 йилда Жомийнинг туркий ғазаллари сифатида эълон қилинган уч фазал ва бу ғазалларга боғлаган мухаммаслар ҳақида баҳс юритгари ҳамда ушбу мақола мунозара сифатида чоп қилинаётганлигини таъкидлаб ўтади. Бизнингча бу фикрларга янги тадқиқотлар натижасида аниқлик киритилса ажаб эмас.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, Қайюмий ўз тазкирасида яна бир Жомий тахаллусли шоир ҳақида ҳам маълумот берган. «Жомий II – бу киши форс шоирларидан бўлуб, шул Жом қарйасидандур. Бу киши диний олимлардан бўлуб, Шайхул-ислом Жомий деб машҳур эди. Номи Мавлоно Аҳмаддур. Буюк шайхлардан эди. Ҳижрий ила 526 (м. 1131-1132) йилда вафот этмишдур. Демак бу киши Абдураҳмон Жомийдан олдин ўтмишдур.

Яна Зиндапил Аҳмад Жомий деган киши бор экани кўринадур. Аниқланмади». (Аҳмад Жомий ҳақида проф. Ҳ. Ҳомидийнинг «Тасаввуф алломалари» китобида маълумот берилган).

Алишер Навоий «Муқаммал асарлар тўплами»ни тузувчилар 13-томда берилган «Изоҳ ва таржималар»да. «Ҳазрати шайх ул-исломий Аҳмади Жомий – Абу Наср ибни Абул Ҳасан (туг. 1049, Жом. – ваф. 1141, ўша шаҳар) олим, мугасавиф шоир, Аҳмади Жомий номи билан машҳур. Лакаби Зиндапил (тирик фил) ёки Жандапил бўлиб, бу ном билан ҳам кенг таникли бўлган»³.

Пўлатжон домулла Қайюмий Аҳмади Жомий вафот этган йилни ноаниқ кўрсатган.

Алишер Навоий эса «Фарҳод ва Ширин » достонидаги муқаддимада устози Мавлоно Жомийни Зиндапил деб атайди:

Ики пил ўлса Ҳусрав ё Низомий,
Эрур юз пил ҷоғлиғ пил Жомий.

Муҳаббат жоми дурдошоми улдур,
Ҳамоно Зинда пили Жомий улдур.

Кўруб сармаст жоми ваҳдат они,
Демишлар Зинда пили Ҳазрат они⁴.

Бундан кўринадики, Абдураҳмон Жомийнинг ҳам Зиндапил деган лақаби ёки унвони бўлган ёки Навоий ҳар икки шоирнинг Жомда туғилганлиги учун Зиндапил деб атаган.

Хулоса қилиб айтганда, Пўлатжон домулла Қайюмийнинг «Тазкират ул-шуаро» асарида Жомий ҳақида келтирилган маълумотлар кенг қамровли ва салмоқлилиги би-

лан ажралып туради ҳамда форс-тожик адабиётини, хусусан, Жомий ижодини үрганишда қымматли манбалардан бири хисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тұплами. –Т.: Фан. 1999. 15-том. 186-бет.
2. Қайюмий. «Тазкират уш-шуаро». Құләзма, «В» нусхаси. 83-бет.
3. Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тұплами. –Т.: Фан. 13-том. 239-бет.
4. Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тұплами. –Т.: Фан. 1999. 15-том. 63-бет.

Исломжон ЁҚУБОВ

ЎЗБЕК РОМАНЛАРИДА ЖОМИЙ ОБРАЗИ

Абдураҳмон Жомий илм-фаннынг турли соҳаларини теран билган улуг олим, билимдон маданият арбоби, шоир ва достоннавис бўлиш баробарида серқирра ҳамда мураккаб ижодида инсонпарварликни ёқлаб, унинг зидди бўлган файриинсоний интилишларни қоралаган. Унинг юксак маҳорат билан яратилган асарлари таъсири ўз даврида ҳамда замонлар оша элга манзур бўлиб келган ва шундай бўлиб келажак. Мана шу ёрқин сиймо билан буюк шоиришимиз, газал мулкининг сultonи Алишер Навоий ғоят яқин дўст бўлган. Ораларидаги йигирма етти ёш фарқ ҳам уларнинг бир-бирларини ғоят ҳурмат қилишларига монелик қилмаган. Улар кўплаб ижтимоий-сиёсий, адабий-фалсафий, эстетик масалаларда ҳамфикр, сирдош ва маслаҳатдош, мashaқатли ижодда эса кўмакдош бўлишган. Бир-бирларига нисбатан ҳам устозлик, ҳам шогирдлик бурчини ўташ баробарида ҳамкорликда эл-улус дардини чекканлар.

Ҳар иккала шоирнинг асосий мавзулари ҳалқпарварлик, гуманизм, одамийликни улуғлаш, ёвузлик ва жаҳолатни қоралаш, яхшилик ва адолатни мадҳ этиш, инсоний муҳаббатни куйлаш, инсон ҳис-туйғуларини ифодалаш бўлган. Шунинг учун ҳам Навоий ижод масалалари, ижтимоий-сиёсий муаммолар юзасидан Жомийга маслаҳат учун мурожаат қилса, Жомий ўз битикларини Навоийга ўқиши учун берар, ижоди ва фаолиятини синчковлик билан кузатар эди. Жомий ўйтгларидан Навоий астойдил севиниб, уларни бажону дил қабул қилганидек, Навоийнинг истак ва таклифларидан Жомий ҳам мамнун бўлган. Бу ҳол нафақат макон ва замон бирлиги, балки эстетик идеаллар муштараклиги билан ҳам изоҳланади.

Шунинг учун бўлса керак, Ойбекнинг «Навоий» (1944), Барот Бойқобиловнинг «Навоийнома» (1981-1992), Омон Мухторнинг «Ишқ аҳли» (2002) тарихий биографик ро-

манларида XV аср ҳаёти, халқ орзу-интишишлари Навоий образи билан боғлиқ тарихий-ҳаёттй воқеалар тасвирида давр руҳини, қаҳрамон кечинмаларини ҳаққоний ифодалаш мақсадида у ёки бу даражада Жомий ҳақида ҳам тұхтапарынади. Бизнингча, ушбу романларда акс эттан Абдурахмон Жомий тимсолини қиёсий-тарихий йўсинда кузатиш мақсадга мувофиқдир.

Ойбек қаламига мансуб «Навоий» романыда бош қаҳрамон биографияси объектив-тарихий жараён оқими билан боғлаб тасвирланади. Гарчанд носир давр моҳияти ва руҳини берип шаҳарде маърифат ва жаҳолат курашини кескин күтблантириб ифодалаган, ўзининг томонлардан бирини ёқлашини яширмаган бўлса-да, қаҳрамонлар характеристини, уларнинг идеалиги мувофиқ тарзда динамик тарзда ривожлантира олди.

Романнинг биринчи, ўн иккинчи, ўн олтинчи, йигирма иккинчи, йигирма учинчи ва ўттиз биринчи бобларида Жомий хусусида сўз боради. Асарнинг биринчи бобида руҳида санъат ишқи жўш ўрган камтарин ва олийжаноб киши ҳолвафуруш Мавлоно Туробий дўкончасида Ҳиротнинг «Гавҳаршод» мадрасаси муллачалари Зайниддин ва Султонмурод даврасида Абдурахмон Жомий ҳақида эсланиди. Устоз ғазалларининг севиб ўқилиши, сўфиёна ғазалларининг машҳурлиги Ҳиротнинг шоирлар юрти эканлигини тасдиқлашга хизмат қиласиди. Ана шу шуаро шаҳрига Самарқанддан Алишер Навоийнинг ташриф буюриши хабар тарзида берилса-да, мазкур ташриф қалам аҳли даврасида хушнудлик билан қабул қилинади.

Ўн иккинчи бобда Маждиддин парвоначи ва Низомулмulk кирдикорларидан безган «Ярани авж олдирмасдан кесиб ташлаш» ҳақидаги маслаҳатлари Ҳусайн Бойқаро томонидан лоқайд қабул қилиниб, пайсалга солинганидан руҳан эзилган Навоий Саъдиддин Қошгарий мозорида маскан тутган донгдор шайх ҳузурига ташриф буюради. Олтмиш ёшларга кирган бўлса-да, ҳали тетик Жомий кўзларидаги донишмандлик, муомаласидаги самимият, юз ифодасидаги шодлик, характеристига хом камтарин-камсуқумлик – зоҳирний оддийлик ва ботиний маънавий қудрат ишонарли чизилади.

Бир-бирининг дийдорига муштоқ кўнгиллар талшинини

рӯёби учун тез-тез имкон йўқлигидан узроҳоҳлик қилган Навоййни хижолатдан қутқармоқчи бўлган Жомий:

«Узрингизни тангри ҳам қабул қилур, наинки, биз каби зарраи хок! Элга холисанлилло хизмат қилмоқ инсони комилнинг ишидир. Бу нав заҳмат – машаққатлар аслида фарогатдир», – дейди (165-бет). Навойй давлатда рўй берәётган тартибсизликлардан, ҳақсизликлардан ражиганида устоз:

«Сизнинг элга муҳаббатингизнинг тоза гулларини кўрмоқдамиз. Эмди эл, улусга фаровон меваларини кўрмоқ насиб бўлсин. Ҳар нав мушкилот бўлса, подшоҳга айтмоқ лозим», – дейди (165-бет).

Келтирилган парча Жомийнинг эътиқоди, комил инсон ва давлатни бошқариш ҳақидаги концепциясини ифодалаши, сұхбатдошини руҳлантира билиши, маънавий қудратини юқтира олишини изоҳлаши жиҳатидан характерлидир. Зеро шахсиятларидағи маънавий кучларнинг бойлиги бу икки шоирни ўзаро боғлаган риштадир. Сұхбатнинг жонли, илиқ ва самимий кечмиши ҳам шундан. Ойбек ифода бадиати ҳам алҳида эътибор билан қарайди. «Шоирларнинг фалсафий сұхбатлари эртакдай жонли, рангдор оқарди», – деб ёзади носир (166-бет).

Маълумки, Жомий Навоййнинг ўзбекча:

Очмагай эрдинг жамолинг олам аро кошки,
Солмагай эрдинг бари оламда ғавғо кошки, –

матлаъи билан бошланувчи газалига назира қилиб шу қофия, шу радиф ва шу вазнда форсча ушбу матлаъи билан ғазал яраттан:

Дидаме дийдори он дилдори ръяно кошки,
Дийда равшан кардаме аз хоки он по кошки.

Ойбек оқ кўнгил Жомийнинг холис бир шайхгина эмас, шогирдларига меҳрибон устоз, ўзбек тилига ҳурмати юксак зиёли, Навоййнинг шоирлик иқтидорига ишонган маърифатпарвар эканлигини тасвирлашда бундай тарихий далиллардан ўринли фойдаланади. Бу ғазални Навойй назаридан ўтказиш, унга манзур қилиш тилагидаги Жомий ҳолати тасвирга эътибор берайлик:

– «Мир, сиз кўнгил дарёйингиздан бир дурри бебаҳо

чиқарисиз, ҳалқ орасида бисёр шуҳратга сазовор бўлибди. Уни биз ҳам татаббуъ этдик ва бу услубда бир нима ёзмоққа ҳаракат қилдик. Кўринг, шояд мақбул бўлгай» (166-бет), деб Навоийни ортиқча уринтирмаслик тилагида атайлаб кўчириб қўйган нусхасини тақдим этган Жомий батартиблиги ҳам амалий сабоқ вазифасини үтайди. Ойбек масаланинг ана шу жиҳатинигина эътиборда тутмай, Жомий нутқини мумтоз наср услубига мувофиқлаштиришга ҳам алоҳида аҳамият билан қараган. Ўз навбатида устоз Жомий Навоийнинг тарихда ўтган машҳур шайхларнинг ҳаётлари, фикрлари, маслаклари ва уларга доир афсоналарни тўплаб алоҳида асар ёзиш ҳақидаги таклифини мамнуният билан қабул қиласди. Шубҳасиз, бу ўринда ўз «Нафаҳот ул-унс» ҳақида боради. Тасаввуф тарихини ўрганишда бугунги кунда ҳам муҳим аҳамият касб этувчи мазкур асарнинг Навоий томонидан айрим тўлдиришлар билан «Насойим ул-муҳаббат» номида туркий тилга таржима қилинганлиги ҳам ҳар иккала ширининг дилида ундаги ғоялар кўп вақтлар жо бўлганлигини кўрсатади. Тасаввуфий бу мулоқот романда жонли диалоглар орқали эмас, балки муаллиф баёни орқали шунчаки ахборот тарзида берилади.

Ўн олтингич бобда Марвга подшоҳ қошига жўнаш олдидан қадрдан дўстлари, яқинларидан ажралаёттанидан ичичидан ачиниб, уларнинг илтифоту меҳридан руҳи енгил тортиб йўлга отланган Навоий сафар олдидан хайрлашиб учун Жомий ҳузурига боради. Устоз мазкур сафардан хабар тоғган, девондаги бўғиқ муҳитда Навоийнинг қийналёттанигини ҳис этса ҳам қалбидаги сўфиёна табиатининг бутун эътиқоди билан ҳақиқат ва адолат ғалабасига ишонади. Шу боис ҳам Навоийни ҳалқ ва давлат манфаатлари учун ишлаш, иқтидорию закосини шунга сарфлашта ундейди. Унинг кўнглидаги сукут ва хилватта бўлган иштиёқни маъқулламайди:

«Амри подшоҳ, итоат этмоқ бир вазифадир. Раъиятнинг баҳт ва саодатига хизмат қилмоқ – Худо йўлига хизмат билан баробардур. Иншоолло ҳақиқат душмаларини, зулмкорларни мағлуб қилурсиз. Биз ҳам бу йўлнинг мудофаасига ҳамиша тайёр турurmиз» (211-212-бетлар). Зеро, у қалб ва тафаккур эркинлиги муқаллас эканлигини теран англар эди. Навоийнинг табиатан дарвешсифатлиги уни сиёsat майдонидаги

муаммолардан чарчатиши, мънавий завқларга тўла ўз муҳитига кўнгли талпиниши руҳиятида кучли чайқалишларни вужудга келтиришини теран англар эди. Шунга қарамасдан иблатдан адолитни афзали билib, давр жароҳатларига малҳам бўлувчи, шифо бағишловчи киши сифатида Навоийни алоҳида хурмат ва муҳаббатга сазовор деб билади.

Жомий унга «Баҳр ул-Асрор» қасидасини беради. Навоий бир гал устоз ҳузурида Ҳусрав Дехлавийнинг «Дарёйи Аброр» асарини ҳаддан зиёд мақтаб хато қылганлигини тушуниб етади. Ваҳоланки, ўшандаги сукут қылган Жомий камтарлик туфайлигина фикр билдирамаган экан. Романда ўша адашиш янги бир асарнинг яратилишига хизмат қылгани, хижолатпазлик ва адабий таъсир натижасида Навоийнинг учкур ўй-хәёллари, кўнглида тугилган «Тұхфат ул-афкор»-нинг фикр чўғи, байтларнинг шоир иймон-эътиқодига мувофиқлиги жараёнларига алоҳида диққат қаратилади. Бу эса Ойбек ҳар иккала шоир кайфияти, руҳининг моҳиятини тушунганлигини кўрсатади.

Марв йўлида Жомийга ёзилган мактубда «Баҳр ул-Асрор» юқори тақдирланган. Илк байт мактубга илова қилиниб, янги асар ёзиш қарори ҳақида устоз фикрини билишга иштиёқмандлигини қайд этган Навоий номани дарҳол Ҳиротга жўнатади (215-бет).

Романнинг йигирма иккинчи бобида воқеалар Астрободга кўчади. Ойбек Навоий «Хазойин ул-маоний» девони хронологиясининг нисбий эканлиги ҳақидағи фикрни илгари суради. Унинг бу фикрлари кейинчалик Ҳамид Сулаймоновнинг текстологик текширишлари асосида тасдиқланди. Муҳими, романда умрни тўрт фаслга бўлиб, ёзилмиш нарсаларни шунга мувофиқ тартиблашни ҳазрат Жомий ғоят мақбул кўрганлиги ҳақида сўз боради (273-бет). Қаҳрамон тилидан айтилган бу фикр тарихий ҳақиқатта тўла мувофиқ келади. Ҳиротдан йироқда, дилда андуҳ билан яшаётганига қарамай Навоий Жомийнинг кўрсатмаларига қатъий амал қиласиди. Ўз умрининг ҳар лаҳзасидан унумли фойдаланади. Ижодга саъй-ғайрат қилишдан чарчамайди, истеъоддларни авайлаб тарбиялайди.

Йигирма учинчи бобда Мажидиддин, Шаҳобиддин каби жоҳил кимсалар илм-санъат аҳли, жумладан, ҳазрат Жомийнинг Навоийга чукур хурмат билан боғланганлитидан

ташвишга тушадилар (297-бет). Чунки Навоий халқ ўртаси-даги обру ю ва эътиборининг ортиб бориши унинг Астрободдан марказга қайтишига боис бўлиши мумкин эди.

Ойбек Навоий табиатининг сонсиз жиловларини китобхон кўз ўнгидаги тажассумлантиришга уринар экан, устоз биринчи бобда фикр-туйгулари буткул ижодга йўналтирилган шоир қиёфасини чизади. Айниқса, бемор Жомийнинг хаста ҳолидан кўнгли алланечук бузилган ташвишли сезилар залвори остида қийналаётган ҳолатларга эътибор қаратилиши характерлидир. У устоз Жомий ҳаётининг сўнгти дамларида ҳам ҳузурида бўлиб, унинг ўғли Зиёуддин Юсуф бошини ота меҳрибонлиги билан силайди. Соҳиби аза сифатида азиз дусти, самимий маслаҳатчи-си, меҳрибон ҳамдарди учун мотам тутади. Дафи маросими катта тантана билан ўтказиб, ўлимнинг еттинчи куни минглаб ҳалқа хотира оши беради. «Ҳамсат ул-мутаҳайирин»да бу маърака дусти вафотига йил тўлиши муносабати билан ўтказилганлиги қайд қилинган.

Шубҳасиз, бадиий ҳақиқат тарихий ҳақиқат билан айнан мувофиқ бўлишини талаб қилиш дуруст эмас. Муҳими, Ойбек Навоийнинг устоз ва дўст ўлимини чукур қайгуизтироб билан қаршилагани, Жомий вафотидан кейин қалбida қандайдир бир танҳолик, ўксиклик сезганлигини англаган. Романда бу кайфият – ҳолатларни ишончли тасвирлай олган (367-368-бетлар).

«Навоий» романининг ўтгиз олтинчи бобида «Муҳокамат ул-луғатайн» асарини ёзаётган шоир хаёлан кўз ўнгига устоз Жомийни жонлантиради. Мавлоно Жомий ўзбек шоирига офарин ўқиб, унинг елкасини қоқади. Ойбек бу лаҳза тасвирини берар экан, шоирона ифодадан тийила олмайди: «Юрагида шоирлик денгизи чайқаларди», – деб ёзди (434-бет).

Хурросон ва Мовароуннаҳр тарихида ўчмас из қолдирган тарихий шахслар ҳаёти ва ижоди ҳақида асар яратиш эзгу нияти билан қўлига қалам олган Барот Бойқобилов узоқ изланишлар, кузатишлардан кейин 1981-1992 йилларда «Нотингч Хурросон» (1985), «Шукуҳли карвон» (1981), «Сокин Хурросон» (1992), «Қонли Хурросон» (1992) асарларини ўз ичига олган «Навоийнома» шеърий романини чоп эттиради.

Шеърий романда Шарафиддин Али Яздий, Мавлонов

Лутфий, Мирзо Улугбек, Абдураҳмон Жомий, Беҳзод, Паҳлавон Муҳаммад, Сайид Ҳасан Ардашер ва бошқа илмфан, адабиёт-санъат намояндаларининг образларини учратамиз. «Сокин Хуросон» бўлимида Навоийнинг «Ҳамса» ёзиши истагини Жомийга айтиши, устознинг бу ниятни маъқуллашиб ҳақида сўз боради. Шунингдек, Сайид Ҳасан Ардашер вафоти муносабати билан берухсат Ҳиротта келган Навоий шоҳ истагига биноан тезда Астрободга қайтади. Сафар олдиндан у Жомий билан учрашиб, хайрлашади. Романда оғир бемор Жомийнинг қазо қилиши, Навоий унинг қабри устига мақбара курдириб, «Ҳамсат ул-мутаҳайирин»ни ёзиши воқеалари қайд қилинади.

Бизнингча, Барот Бойқобилов шеърий романда жонли ва ҳаётий бўлган тўлақонли образлар яратса олмайди. Асар сюжетидаги муаллифнинг даъвати билангина ҳаракат қилувчи Жомий образидагина эмас, аксарият қаҳрамонларда табиий динамика тақчиллиги сезилади. Асарда образлар ҳаракати ва руҳий кечинмаларини баён қилиш кучли. Талқин уйғунлигига эриша олмаслик, яъни эстетик тамойилга амал қиласлик, романний тафаккур миқёси-нинг етарлича эмаслиги яққол сезилади. Романда ижодкорнинг соғ ҳаётий, ҳиссий таассуротлари етишмайди. Бунинг оқибатида образлар қалбида кечган изтиробли туйғу-түғёнлар курашни – руҳий психологизм етарлича акс этмайди. Образлар романда тарихий шаҳе сифатидагина ҳаракат қилишади. Яна ҳам тўғрироғи шунчаки қайд этилади, холос.

Демак, Барот Бойқобилов Навоий ва Жомий ўргасидаги маънавий-руҳий яқинликни ҳам, Жомийнинг ижтимоий-адабий ҳаётдаги ўринини ҳам етарлича акс эттира олмайди. Бир сўз билан айтганда, муаллиф образларнинг юксак бадиий умумлашмасини яратса олмаган.

«Ишқ аҳли» романи Омон Мухторнинг Алишер Навоийни қандай тушуниш, тасаввур этиши ва англаш ҳақидаги янгича изланиш ва кузатишлари асосига курилган. Бош образни шоирнинг ижоди орқали яратишни кўзлаган мұхтасар роман романтик ва реалистик мотивлар бағридан шахсий индивидуал ва ижтимоий муаммоларга жавоб излайди. Ижод психологиясига аҳамият қаратиб тарихийлик ва бадииятни узвий туташтира олади. Ана шу танланган

услуга биноан асосий эътибор Алишер Навоий ва Ҳусайн Бойқаро муносабатларига қаратилади.

Бироқ романда Навоийнинг ўй-хаёллари табиийлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган. Улуғ шоир Жомийдек беғараз-беминнат, азиз ва жўмард, кўнгли пок инсон билан бўлган сұхбат-мулоқотларини ҳам хотирлайди. Таассуфки, тасвир жараённида баёнчилик етакчилик қиласиди (39-бет).

Кўринадики, ўзбек бадиий насрода Абдураҳмон Жомий образини мустақил асар доирасида яратишга интилиш бўлмаган. Макон ва замон бирлиги, эстетик идеалларидаги муштараклик, инсоний меҳр-муҳаббат бир-бирига узвий боғлаганлиги учун Навоий ҳақида яратилган романлардагина Жомий образига қисман мурожаат қилинган.

Кузатилган учала асар турли авлодга, ҳар хил иқтидор ва салоҳиятга эга бўлган адиллар томонидан XX асрнинг 50-йилларидан XXI аср бошларигача бўлган эллик етти йиллик даврдан дунё юзини кўрган. Шу боисдан, ҳам уларга бир хил мезонлардан ёндашиб бўлмайди. Қолаверса, ҳар битта романнинг кўзлаган мақсади, услуги каби масалаларга ҳам аҳамият бериш лозим.

Бироқ ҳар иккала шоир кайфияти, руҳининг моҳиятини тушуниш, ишонарли ифодалашда Ойбек юксак мавқеда туришини эътироф этишига тўғри келади. У ўз даври ижтимоий-адабий талабларига мувофиқ романда ижтимоий муаммоларни бирмунча қабариқ тасвирласа-да, характерлар динамикасининг эстетик идеал моҳиятига мутаносиблигини назардан қочирмаган. Айнан ўша табиий динамика – образларнинг жонли ҳаракати Б. Бойқобилов романнода етишмайди. Теран ҳис қилмасдан, юракдан кечирмасдан асар ёзиш на тафаккур миёқсини етарлича таъминлай олади, на руҳий психологизмни юзага чиқаради. Баёнчилик тарихий қайд қилиш сари етакловчи қиёсий-эмоционал таассурот ўйғотмайдиган қусурлардан биридир.

Шубҳасиз, Абдураҳмон Жомий ижоди, ибратли ҳаёти алоҳида бадиий асарларга мавзу бўла олади. Унинг умуминсонийликка йўғрилган гуманизми кўплаб ижодкорлар қалбига илҳом бағишилашига ишонамиз.

Тозагул МАТЕҚУБОВА

ПУРШУКУҲ АНЖУМАНДАГИ НУТҚ

АкадемикFaфур Фулом Абдураҳмон Жомий таваллудининг 550 йиллиги муносабати билан Қобул шаҳрида ўтказилган ҳалқаро олий анжумандада (1964 йил) «Шарқнинг буюк мутафаккири Абдураҳмон ибн Аҳмад Жомий» мавзусида нутқ сўзлаган эди. «Мен Шарқ шоириман. Шунинг учун Шарқ классикларининг ҳаммаси менинг хешакраболарим», — деб ифтихор этган шоир бекиёс фарзандлик муҳаббати ва шавқига тўлиб, тўлқинланиб сўзлайди: «Ҳали бешикда ётар эканман, онам Ҳофиз, Жомий, Навоий ва Фузулий ғазалларидан хониш қилиб, мени аллаҳарди. Табиийки, уларнинг асарлари она сути билан бирга қонимга сингиб, жисму руҳимга сайқал берарди», — деб ўзининг мумтоз адабий мерос ва анъаналар руҳида тарбияланганлигини таъкидлайди.

Жомий ижодий меросининг қудрати, нозик-таъблитаги буюклик хислати, инсоний фалсафаси «забардаст карвонларни ҳансиратиб қўювчи» жилд-жилд асарларидағи ранго-ранглик, юксак санъаткорлик ва теран ботиний мазмунни чуқур ҳис этган Faфур Фулом ундан шеърий маҳорат сирларини ўрганганд. «..Мен ҳамиша унинг тавсифи ва таърифи андишасидаман, унинг устодлиги олдида ўз шоирлигимни ожиз деб биламан», — дея эътироф этади. Бу шунчаки кўтаринкилик билан айтилган мадҳ бўлмай, балки Жомий даҳосининг мавжуд васфларидан қониқиши сезмаган, унинг бекиёс кўламини англаб етган, шу манбадан маънавий-руҳий мадад олган XX аср ўзбек файласуф шоирининг қалб амри билан айтилган дил сўzlари эди.

Faфур Фулом маъруза муқаддимасидаги таъриф ва эътирофларга Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» асаридан олинган қўйидаги Фикр билан якун ясайди: «Муллонинг жаноби андин олийро қўдирким, таърифка эҳтиёжи бўлгай».

Маърузачи шундан кейин «XV аср адабиёти ва санъати

осмонида күш офтоб» Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоий ўзаро муносабатлари мисолида умуман Жомий ва ўзбек адабиёти масалаласи хусусида тұхталади. Faфур Гулом бадиий адабиётдаги устоз-шогирдлик анъанаси, зуллисонайынлик фонида Жомий ва Навоий яраттан асарларнинг манбалари, фалсафий асослари, халқ ижодидан озиқланишига дикқат қаратади. Бу улуг зотлар яқин муносабатлар илдизларини икки қардош халқ ўртасидаги ажралмас дўстлик, ўзаро хурмат ва муҳаббат, ҳамдардлик ва ҳамкорлик заминида униб, кучта тұлған самимий қардошлиқ муносабатлари, орзу-истаклари яқинлиги, интилиш ва олий мақсадлар бирлигіда күради.

Давр тарихий шароитига мурожаат қилиб замонларни қиёслаш услуги Faфур Гуломнинг ушбу нұтқида ҳам кузатилади. Бадиий адабиётдаги икки тиллилик тамойили Хуросоннинг этник таркибини форсийгүй ва туркийгүй халқлар ташкил қылғанлиги, зуллисонайынлик иккала халқ ижодкорларининг ўзаро яқин муносабатларини таъминланғанлигини айрим мисоллар асосида эслаб ўтади. Мавлоно Лутфий ва Жомий дўстона ижодий муносабатлари Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» тазкирасига таяниб асосланади. Ораларида йигирма етти ёш фарқ борлигига қарамасдан Жомий ва Навоий ўртасида бўлган самимий дўстлик ва ижодий ҳамкорликка бунинг монелик қилмаганлиги хусусида сўзлар экан, F. Гулом: «У шундай дўстлик эдики, жаҳон адабиёти тарихида унинг назари кам топилади», – дейди.

Маърузачи Навоий ва Жомий яқин муносабатлари 873 ҳижрий (м. 1469) йилда бошланиб, ҳижрий 881-882 (м. 1477-1478) йилдан кейин янада мустаҳкамланғанлигини қайд этади. Агар биринчи сана Навоийнинг муҳрдорлик масъулиягли вазифасига тайинланғанлиги, иккинчиси эса Навоийнинг Абдураҳмон Жомий бошчилигидаги нақшбандия тариқатини қабул қилиши билан боғлиқлигини эсласак, ижтимоий, диний-тасаввуфий ва адабий ҳамкорликка боис сабаблар туғри изоҳланғанлиги ойдинлашади. F. Гулом келтирган далиллар Жомий ва Навоий ўртасидаги күпкірралы ва узоқ муддатли дўстлик муносабатларининг шакли, ифодаси билан боғлиқ қизиқарли лавҳаларни кенгрөқ, аникроқ тасаввур этиш, ишончли тарзда кўрсатиш имконини беради.

Улар ўртасида ижодий ҳамкорликнинг вужудга келишини F. Гулом ҳар иккала шоирнинг дунёқараши, ғоявий-эстетик тамойилларидағи яқынлик, шоирнинг бурчи ва адабиёт-санъатнинг вазифаларини тушунишдаги ўхшашлик, идеалларидағи монаңдликда күради. Жомий ўгит ва маслаҳатларининг Навоий томонидан бажону дил қабул қилингани, Навоийнинг истак-таклифларидан Жомий мамнун бўлгани «Хамсат ул-муғаҳайирип» сингари са-мимий дўст хотирасига багишланган маҳсус асардаги та-рихий фактлар асосида кўрсатилади. Навоий устозни «алар» деб эҳтиром билан эъзозласа, ўзи ҳақида сўзлаганида «фа-қир» дея камтарона мақомда туради. Жомий ғазалларининг «Фотиҳат уш-шабоб», «Воситат ул-уқд», «Хотимат ул-ҳаёт» қабилида уч девонга бўлиниши Навоийнинг таклифига кўра бўлганидек, «Ҳазоин ул-маоний»даги девонларнинг ҳар бириси «бир исм била мумтоз» ҳар қайсиси «бир лақаб била жилвасоз» бўлиши Жомийнинг таклифига мувофиқ бўлган. Бир-бирининг маслаҳату кўрсатмаларига зўр хур-мат, ўткир зеҳн, улкан қобилият, бемисл истеъдодларига эътирофни кўрган F. Гулом уларни «бири-бирига устоз, бир-бирига шогирд» деб баҳолайди.

Faфур Гулом Жомийнинг «Сибҳат ул-аброр» достони хотимасидаги Навоий ҳақидаги мулоҳазалари, мактубла-ридағи эҳтироми, «Юсуф ва Зулайҳо» достони хотимаси-даги шоирнинг фаҳму идроки, ижод фаолияти-даги мар-доналиқ ва шердиллик ҳақидаги тасвиirlар баёни, «Лайли ва Мажнун» достони муқаддимасидаги мадҳлар, шунингдек, «Ҳафт авранг» достонларининг сўнггиси «Ҳирадно-маи Искандарий»даги юксак баҳоларга таяниб фикр юр-гизади. Шу тарзда Жомий Навоийнинг инсоний хислатла-ридан зўр қониқиши ҳамда руҳ олгани, ижодини юксак баҳолаганлигини ишончли далиллайди.

Айни пайтда маърузачи Алишер Навоийнинг эътироф-ларига таяниб «Хамса»ни: «Назар солди, очиб варақ бар варақ» танишиб чиққанлиги, таҳсину дуолар қилғанлиги-га асосланиб, Жомий Навоий «Хамса»си тилини тушун-ган, деб бемалол айта оламиз, – деган хулосага келади. Навоийнинг айрим туркона ғазалларига қофия, радиф ва вазнни тўла саклаган ҳолда Жомийнинг форсча назира боғлаганлиги далилини келтирган F. Гулом устознинг ғазал-

ни тушунмасдан туриб унга назира боғламаслиги тайин экан-лигини алоҳида уқтиради. Чамаси бу билан ҳам қаноатлан-майди шекилли Е. Э. Бертельснинг ҳақли эътирофини ҳам келтиради: «Жомий ўзи ўқиб чиқмаган бўлса, Навоий «Хамса»сига бу қадар юқори баҳо беришдан ўзини сақлар эди». Шу тариқа Жомийнинг ўзбек тили ва адабиётига бўлган катта хурмати, дўстона муносабатини келтириб чиқаради.

Faфур Fулом бу икки шоир тез-тез ҳамнишин бўлиб, маслаҳатлашиб, ижодий фикр алмашиб турганлигини Жомий «Ҳафт авранг» достонлари устида қизғин ишлайтган бир даврда, Навоийни ҳам «Хамса» ёзишга руҳлантиргани, ижодий ишни тутагатган ҳамоно Навоийнинг устоз Фикрини олишга ошиққанлиги билан қувватлайди.

Маърузачи Алишер Навоий «Хамса»сининг биринчи, тўртинчи ва бешинчи достонлари дебочаларида Жомийнинг аксарият асарлари ўз даври шеърияти ва илмининг энг гўзал намуналари сифатида баҳолангандигини эслатади. Шунингдек, «Хамса»га кирган достонларда беистисно тарзда Жомий мадҳига маҳсус боблар ажратиб, унинг буюк шоир, улуф инсон сифатида баҳолангандигини алоҳида таъкидлайди.

Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис», «Муҳокамат ул-лугатайн», «Маҳбуб ул-кулуб» сингари кўпгина машхур асарлари, лирик меросида Жомий номининг хурмат ва самимият билан тилга олиниши F. Fуломнинг синчков нигоҳидан четда қолмайди. У «Нафаҳот ул-унс», «Чиҳил ҳадис» таржималаридағи айрим тўлдиришлар, мазкур асарларнинг аҳамиятини алоҳида қайд этади. «Хамсат ул-мугаҳайирин» ва бир қанча қасида-тарихлар яратилиши нафақат Навоийнинг Жомий даҳоси ва олийжаноб фазилатларини абадийлаштириши, балки том маъноси-ла Жомийнинг Шарқ адабиёти тарихида буюк ва ёрқин сиймоларидан бири бўлганлигини кўрсатади.

«Уларнинг ижодхонаси бир-биридан нур оларди», – дея таъкидлаган F. Fулом Жомий ва Навоий ўртасидаги мустаҳкам ижодий ҳамкорлик, инсоний яқинликни назарда тутади.

Алишер Навоийнинг устозга бўлган чексиз хурмати ифодаланган «Хамсат ул-мугаҳайирин» асарига алоҳида тұхталган F. Fулом ундағы ноёб факт ва далилларнинг қимматини

юксак баҳолайди. «Шарқ адабиётида биринчи бўлиб Навоий Жомий ижодиётининг улугворлигини ҳис этди», — деганида маърузачи тўла ҳақ эди. Асарнинг ёзилиш тарихи, таркибий тузилиши ҳақида қисқача тўхтатгач, F. Фулом улуғ дўстликдан дарак берувчи айрим лавҳаларга мурожаат этади. Жумладан, Навоий томонидан Жомийга юборилган тухфаларда ахлоқий юксакликни, азиз ва мұлтабар инсонга ҳурмат ва муҳаббатни кўради. Шеърий мактубларда томонларнинг эҳтиромга тўла қалбини ҳис этади. Жомий адабий меросини қўшина ўзбек шоирлари, жумладан, Бобур, Муҳаммад Солих, Мунис, Огаҳий, Муқимиylар учун маҳорат мактаби бўлиб хизмат қўлганлигидан сўзлаган нотиқ мазкур фикрни кувватлаш учун «Бобурнома»да Жомий номи катта эҳтиром билан тилга олингани, XIX асрнинг машхур шоири Огаҳий «Юсуф ва Зулайҳо», «Саломон ва Абсол» асарларини таржима қўлганлигини далил сифатида келтиради. Шунингдек, Тошкентдаги Фуломия матбаасида «Ҳафт авранг», «Шарҳи Мулло», «Баҳористон» асарларининг тўлиқ ҳолда нашр этилганлиги (1914 йил)ни қайд этади. Е. Э. Бертельснинг Жомий ҳақидаги монографияси, Ш. Шомуҳаммедовнинг «Жомий» рисоласи, П. Шамсиевнинг «Жомий ва Навоий» китоби, Беруний номидаги шарқшунослик институти томонидан тайёрланган Жомийнинг кўлёзмалари каталоги, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси томонидан нашр этилган «Рисолаи мусиқий» асарлари, Душанбе ва Москва шаҳарларида нашрга ҳозирланган бир неча жилдик Жомий асарлари юбилейга армуғон эканлигини алоҳида таъкидлайди.

Илмий анжуман ташкилотчилариFaфур Фулом Мавлоно Жомийнинг Навоийга ёзган мактублари-дастхатидан олинган фотонусхулардан бир нечтасини, «Рисолаи мусиқий» асарининг Ўзбекистонда нашр этилган нусхасини камоли хушвақтлик билан тақдим этади. Жомийнинг номини Хомер, Фирдавсий, Низомий, Навоий каби жаҳон адабиёти тарихидаги улкан сиймолар қаторида санайди. Пуршукуҳ анжуман минбаридан туриб: «Жомий фақат бир миллатга хос шоир бўлмай, барча инсониятга даҳлдор шоирдир. Биз ўзбеклар ҳам Жомийни ўз шоиримиз деб биламиз», — деб ифтихор этади.

Faфур Фулом Жомий асарларининг кенг тарзда тадқиқ этилиши, тарғиб қилиниши, муборак номининг абадийлаш-

тирилиши халқдар дүстлігі ва осойиштасылда хизмат қила-
ди, инсоннинг маънавий-эстетик камолотини таъминлай-
ди, деб билади.

Faфур Fулом маърузасида кўпроқ эътибор Абдураҳмон
Жомий ва Алишер Навоий муносабатлари мазмунига қара-
тилган, публицистик пафос кучли, ўзаро ижодий ҳамкор-
ликнинг бутун боблари батағсил тасвирланмаганлиги ан-
жуман минбарига мўлжалланганлиги билан изоҳланади.
Шунга қарамасдан 70-йиллар адабиётшунослиги даражаси-
дан, адабиёт-санъат олдида турган вазифалар кўлами-
дан келиб чиқилса, нутқнинг кенг ва теран мазмуни тад-
қиқотчининг салоҳиятидан, изланувчанлиги-ю, -асосли
шарҳларидан, иқтидори ва энг муҳими Жомийга эҳтиро-
мидан гувоҳлик беради.

Жомий ижодини теран ўрганиш ва тарғиб қилишга
рағбат билдирилган пуршукуҳ анжумандада сўзланган нутқ-
орадан ропша-роса қирқ йил ўтганига қарамасдан ўз қим-
матини тўла сақлаб келаётганлигини сири ҳам ана шунда
бўлса ажаб эмас.

Абдулҳамид ҚУРБОНОВ

«ЖОМИ ЖАМДУРУР СИНҚОН САФОЛИ»

Алишер Навоий ижодида Абдураҳмон Жомий васфининг катта ўрин тутиши маълум. Агар Алишер Навоий «Хамса», «Мажолис ун-нафоис», «Насойим ул-муҳаббат» каби асарларида Жомий ҳақида айрим боблар битган бўлса, «Хамсат ул-мутаҳайирин» тӯлалитича «васфи васфга сифмас» ва «таърифи таърифга рост келмас»¹ улуг инсонга бағишланган. Шоир «Тухфат ул-афкор» ва «Арбаъин»да, шунингдек, «Хазойин ул-маоний» ва «Девони Фоний»га кирган бир қатор шеърларида ҳам Жомий номини чексиз хурмат ва эҳтиром билан тилга олади.

Алишер Навоий улуг устоз таърифида сўз юритар экан, ранг-баранг тасвирий воситаларга мурожаат қиласи. Аммо шундай бўлса ҳам улар орасида кўпинча жом ва жом билан боғлиқ сўз ва иборалар етакчи ўрин тутади: сафо жомининг софий ошоми², муҳаббат жоми дурд ошоми, ваҳдат жомининг сармости³, маоний жомининг ринди софий ошоми⁴.

Жомий таърифида жом тимсолининг етакчи ўрин тутиши тасодифий эмас. Чунки жом ва Жомий сўзлари ўзаро шаклдош бўлиб, шоир улар ёрдамида чиройли сўз ўйинлари: тажнис ва ийҳом санъатининг бетакрор ва сержило намуналарини яратган. Бироқ жом ва Жомий фақат шаклдош сўзларгина эмас. Алишер Навоий қаламининг мўъжизали қудрати билан жом мазмунан ҳам Жомий тимсолига фоят мос тушиб, унинг баркамол маънавий оламини мукаммал акс эттирувчи бетакрор поэтик тимсолга айланган. Бинобарин, жомнинг Навоий ижодидаги маъноларидан хабардор бўлмасдан туриб, Абдураҳмон Жомийнинг улуғвор сиймосини равшан тасаввур қилиш қийин.

Шоирнинг «Фавойид ул-кибар» девонидан унинг «Қазалда уч киши тавридур ул навъ, Ким андин яхши йўқ

назм эҳтимоли» деб бошланувчи машхур қитъаси ўрин олган. Ушбу қитъада, маълумки, форсий тилдаги адабиётнинг Алишер Навоий устоз деб билган уч улуғ шоири: Хусрав Дехлавий, Ҳофиз Шерозий ва Абдураҳмон Жомийлар васф этилган. Алишер Навоий Хусрав Дехлавийни «мўъжаз нафаслиқ Ринди Шероз» деб атайди:

Бири мўъжаз баёнлиқ Соҳири Ҳинд,
Ки ишқ аҳлини ўртар сўзү ҳоли.
Бири Исо нафаслиқ Ринди Шероз,
Фано дайрида маству лоуболи.
Абдураҳмон Жомий эса бундай таърифланган:
Бири қудсий асарлиқ Орифи Жом,
Ки жоми Жамдуур синган сафоли⁵.

Абдураҳмон Жомийнинг юксак маънавий камолоти ихчам, аммо шу билан бирга, фоят ёрқин ифода этилган мазкур байтдаги асосий тимсол ҳам жом, жомнинг икки тури, аниқроғи: жоми Жам ва синган сафол.

Аввало, биринчи миера ҳақида. Унда бир неча изоҳ-талаб сўз бор: «кудсий», «асар» ва «ориф». «Кудсий» сўзига «Навоий асарлари лугати»да «нокликка мансуб» деб изоҳ берилган⁶. Бироқ бу изоҳ старли эмас, чунки «кудсий» сўзида «илоҳийлик» маъноси ҳам мавжуд, бинобарин, бу сўзни «илоҳий покликка мансуб» деб тушуниш лозим. «Асар» сўзининг «аломат, нишон, таъсир, из, белги» деган маънолари бор⁷. «Ориф»ва «ирфон эгаси» дегани дир. Сўфиёна истилоҳда «ирфон» Аллоҳнинг Зот ва сифоти, яширин сир-асрорлари ҳақидаги билимларни англатса, ана шу билимларни мушоҳада ва мукошафа, ҳол ва илҳом йўли билан эгаллаган солик ориф деб аталади. Энди байтнинг биринчи мисрасини шундай изоҳласа бўлади: Бири илоҳий поклик тимсоли бўлган Жомлик орифдир.

Иккинчи мисрадаги Жоми Жам Жамшиднинг жоми деган маъно англатади. Жамшид пешодийлар сулоласига мансуб Эрон шоҳларидан бири бўлиб, Жамшид ҳақида Алишер Навоий «Тарихи мулуки Ажам» асарида шундай ҳикоя қиласи: «Чун салтанат-қа ўлтурди, жаҳон мулкин адл ва дод била тузди. Ва хусну жамолда дилشا-

зир ва фазлу камолда беназир эрди. Қариб ихтироълар қилди⁸. Жамшид қилган «ғариб ихтироълар»дан бири унинг жомидир. Ҳикоя қилишларича, Жамшиднинг хизнасида олтиндан ясалган бир жом бўлиб, тоза май билан тўла бу жомда оламда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар, унинг кишилар кўзидан яширин сир-асрорлари худди кўзгудагидай акс этар, унга назар солган киши бир зумда олам ҳодисаларидан хабардор бўлар экан. Ана шу мўъжизавий жом жоми Жам деб аталган. Жоми Жам Навоий иходида жоми гетинамо ва жоми жаҳонбин тарзида ҳам учрайди.

Синган сафолга келсак, лойдан ясалган ҳар қандай идиш сафол дейилади. Сафолнинг бир-икки ўринда май тўлдирилган кўза эканлиги ҳисобга олинмаса⁹, Навоий синган сафол деганда асосан синиқ коса ёки унинг бир бўлагини назарда тутади. Навоий ғазалиётида синган сафолнинг итларинг синган сафоли тарзидаги яна бир кўриниши ҳам мавжуд.

Жоми Жам ва синган сафол Навоий асарларида биргалиқда қўлланиб, кўпинча бир-бирига зид қўйилувчи поэтик тимсоллардир. «Наводир уш-шабоб» девонидаги 12-ғазалдан олинган қуйидаги байтда ҳам шу ҳолатни кўриш мумкин:

Ишқ дайри базмининг синган сафоли ичра май
Ким ичар, Жамшид жомин танламас, ҳиммат анга.

Кимки ишқ майхонаси базмининг синган сафолидан май ичадиган бўлса, — дейди шоир, — шундай улуғ ҳиммат эгасига айланадики, у ишқ майхонасининг синган сафолини Жамшиднинг жомига алмаштиргмайди. «Фавойид ул-кибар»га киритилган 581-ғазалнинг қуйидаги байтида ҳам шу фикр мужассам:

Эмас майхонанинг синган сафоли дурдидек, ичсам
Агар жоми Жам ичра Хизр суйидин зилол ўлгай.

Агар жоми Жамдан Хизр суви, яъни оби ҳайвон зилолини ичсам ҳам, — дейди лирик қаҳрамон, — у майхона синган сафолидаги дурд — май кумидек бўлолмайди.

Ҳар икки байтда ҳам синган сафол **Жоми Жамга**; дурд, яъни синган сафол тубига чўкиб қолган май қўйқуми эса **Жамшид жомидаги майга қарама-қарши қўйилган**. Шоирнинг таъкидлашича, синган сафол **Жамшид жомидан**, синган сафолдан ичилган май дурди эса **Жоми Жамнинг майдидан афзал**. Шунинг учун, қўйидаги байтда айтилганидек, май дурдини ичиш учун бир синиқ сафолни қўлга киритган киши **Жамшиднинг жомини тиламаслиги лозим**:

Синуқ сафолки, май дурдин ичкали топсанг,
Қабул айламагил жоми салтанат **Жамдин** (ФК, 515)¹⁰.

Чунки, қўйидаги байтнинг мазмунидан маълум бўлишича, жоми **Жам** – шоҳлик ва салтанат рамзи бўлса, синган сафол гадоликдан нишона:

Қошимда жоми **Жаму** салтанатча бор ўрни,
Сафол алимда харобот аро гадо **курсам** (БВ, 419).

Агар майхона ичра ўзимни кўлида сафол тутган гадо ҳолида кўрсам, – дейди шоир, – менинг учун сафол **Жамшиднинг жоми**, майхона эса унинг салтанатича бор.

Жоми **Жам** ва синган сафол тимсолларининг бундай талқини Навоийнинг комил инсон ҳақидаги фалсафаси билан боғлиқ. Улуф шоирнинг уқтиришича, инсоннинг инсонлигидан мақсад Ҳақнинг васли бўлиб, инсон бу дунёга келар экан, Ҳақ васлига етишиш учун тинимсиз интилиши лозим. Ҳақ васлига етишиш учун эса кўнгилга Ҳақ ишқини жой айлаш, Ҳақдан ўзга нарсалардан кўнгил узиш даркор. Ана шундай инсонгина инсон деб аталишга лойиқ, акс ҳолда, у инсон деган номга ҳам номуносиб

Улуф шоирнинг комил инсон ҳақидаги фалсафасининг бир қирраси унинг шоҳлик ва гадоликка муносабатида ҳам намоён булган. Шоирнинг фикрича, шоҳлик инсонни комиллик эмас, тубанлик сари етаклейди, чунки шоҳлик дунё молига: тожу тахт, салтанат ва бойликка муҳаббатдир. Комилликнинг ҳақиқий йўли – гадолик. Гадолик эса, шоҳликдан фарқли ўлароқ, тожу тахтга интилиш эмас, балки

уни тарқ этиш, салтанат ва ҳашаматта муҳаббат эмас, балки уни рад этиш, дунё молига рағбат эмас, балки кўнгилни ишқ ва маърифатнинг хазинасига айлантиришдир. Гадолик шундай улуғ соодатки, шоир бир ғазалида таъкидлаганидек, унинг қаршисида шоҳлик тожу тахти ҳам арзимас нарса:

Эй Навоий, сидқ ила бўлғил гадо ишқ ичраким,
Тахту тожин берса бу давлатни топмас подшоҳ (ҚС, 561).

Шунинг учун ҳам Навоийнинг лирик қаҳрамони Жамшиднинг жоми билан эмас, гадолик тимсоли бўлган синиқ сафол билан фаҳранади:

Итларнинг синган сафоли тушкач илгимга, кўнгул
Онча фаҳр эттики, жоми бирла Жамшид этмагай (НШ, 630).

Шундай қилиб, синган сафол гадолик, жоми Жам шоҳлик, ўз навбатида гадолик комиллик, шоҳлик эса ноқислик рамзиdir. Яъни: синган сафол — гадо — комиллик; жоми Жам — шоҳ — ноқислик.

Бироқ гадолик ва шоҳлик синган сафол ва жоми Жам тимсолларининг Жомий таърифида кўзда тутилган маънени эмас. Агар шундай дейдиган бўлсак, Жомийнинг гадолиги шоҳликка айланган деган холоса келиб чиқадики, бундай талқин Жомий ҳақидаги ҳаётий ҳақиқатга ҳам, Жомий сиймосининг навоиёна тасвирига ҳам зиддир. Бинобарин, жоми Жам ва синган сафолнинг шоҳлик ва гадоликдан ўзгача маънолари ҳам бўлиши лозим. Бу жиҳатдан қуйидаги байт дикқатни ўзига тортади:

Синуқ сафол ила вайрон аро гадо Жам эрур,
Ул анга жому бу Жамшид боғлаган авранг (НШ, 336).

Байтда синиқ сафол ва жоми Жам тимсоллари аввалги байтлардан бошқачароқ тарзда талқин қилинган: гарчи улар орасида шоҳлик ва гадолик зиддияти маълум даражада сезилиб турса ҳам, улар орасида зиддиятдан кўра ўхшашлик кучлироқ. Байтда таъкидланишича, ҳаробот ичидаги гадо шоҳ Жамшид билан баробар: агар унинг синиқ сафоли жоми Жам бўлса, ҳаробот — тахти Жамшид.

«Наводир уш-шабоб»дан ўрин олган 394-ғазалда шоир бу фикрни кучли ҳайрат ва ҳаяжон билан баён қиласы:

Эй хушо мүг дайриким, бордур аниң атрофида
Хар синуқ сойил Жаму синган сафоли жоми Жам.

Мүг дайри қандай ажойиб жойки, – деб хитоб қиласы шоир, – унинг атрофидаги ҳар бир синиқ гадо – Жамшид, унинг қўлидаги синиқ сафол эса – жоми Жамшид!

Мазкур байтларнинг мазмунидан шундай хулоса чиқариш мумкин: жоми Жамшид мартабада синган сафолдан аълороқ! Агар шундай бўлмагандаги эди, синиқ сафол жоми Жамга ташбеҳ қилинмаган бўлар эди. Бундай хулоса Навийнинг шоҳлик ва гадолик ҳақидаги қарашларига зиддай, шоҳлик гадоликдан устун қўйилгандай туюлади, чунки юқорида кўрилганидек, синиқ сафол – гадолик, жоми Жам эса – шоҳлик рамзи. Бироқ «Қаройиб ус-сигар»дан келтирилган қўйидаги байтдан маълум бўладики, мазкур байтлардаги синиқ сафол ва жоми Жам аввалги байтлардаги синиқ сафол ва жоми Жам эмас:

Муфлис эрдим, май қилиб синган сафолим жоми Жам,
Хотирим вайронасин худ ганжи Қорун қилди-ло (ҚС, 441).

Гарчи ушбу байтда ҳам синган сафол гадолик, жоми Жам шоҳлик тимсоли бўлса ҳам, бироқ гадолик аввалги байтлардаги сингари комиллик, шоҳлик эса ноқислик рамзи эмас. Синган сафол ва жоми Жам мазмунан бир-бири билан ўрин алмашган: жоми Жам – комиллик, синган сафол эса – ноқислик тимсолига айланган. Яъни: синган сафол – гадолик – ноқислик; жоми Жам – шоҳлик – комиллик.

Синган сафол ва жоми Жам тимсолларининг мазкур маъноларини Жомий таърифига татбиқ этиб кўрамиз. Мисра шундай маъно касб этади: Жомийнинг гадолиги шоҳликка айланган. Бироқ бу фикр қанчалик тўғри бўлмасин, у ўта қуруқ ва мавҳум бўлиб, Жомий тасвирини ҳам, тимсоллар бадииятини ҳам хиралаштириб қўяди. Синган сафол ва жоми Жамнинг маъно сирларини ечишга сўнгти байтда келтирилган май мавҳуми ёрдам бериши мумкин: Мен бир гадо эдим, – дейди лирик қаҳрамон байтда, – май синган сафолимни жоми Жамга, хотирим вайронаси-

ни эса Қоруннинг ганжига айлантириди. Демак, синган са-
фол май таъсирида жоми Жамга айланган.

Синган сафолнинг май таъсирида жоми Жамга айла-
ниши Навоийнинг «Ашрақат мин акси шамсил-коси ан-
вор ул-ҳидо» мисраси билан бошланувчи машхур ғазалида
ҳам баён қилинган:

Эй, хуш ул майким, анга зарф ўлса бир синган сафол,
Жом ўлур гетинамо, Жамшид ани ичган гадо (ҚС, 1).

Демак, май шундай ажойиб нарсаки, у бир синиқ са-
фолга қўйилса, синиқ сафол жоми гетинамога, ундан май
ичган гадо эса Жамшидга айланади. Бошқача қилиб айт-
ганди, май кишини комил инсон даражасига қутаради.
Албатта, май ҳам, у билан боғлиқ бўлган синган сафол ва
жоми гетинамо ҳам, шоҳ ва гадо сингари сўфиёна истилоҳ.
«Миръоти ушпюқ» деб аталувчи сўфиёна истилоҳлар изоҳли
лугатида айтилишича, май – илоҳий тажалли, яъни Ҳақ
жамолининг жилvasи, жом эса – илоҳий жамол жилва
қиласиган жой¹. Навоий бир байтида жом маъносига аниқ-
лик киритиб, шундай деб ёзади:

Истарам қўзгуда қўрсам ёр аксин бир нафас,
Соқиё, майким, эрур ишқ аҳлининг қўзгуси жом (ҚС, 338).

Демак, жом – ишқ аҳли учун ёр акси кўринадиган қўзгу.
Жоми Жам ҳам – жом. Шунинг учун ўйлаш мумкинки,
жоми Жам ҳам – ёр жамоли жилва қиласиган қўзгу. Улуг
шоир бошқа бир байтида жоми Жам тушунчасига яна бир
аниқлик киритади:

Кўнгул – жоми жаҳонбиндур, тўло қил соф май бирла,
Ки солғай акс неким бўлса аҳволи жаҳон анда (НШ, 25).

Мазмуни: Кўнгул – жоми жаҳонбин, уни соф май би-
лан тўлдирмоқ лозимки, ана ўшанда жаҳонда қандай аҳвол
бўлса, ҳаммаси унда акс этади. Энди жоми Жам ёки байт-
да айтилганидай жоми жаҳонбинни шундай таърифлаш
мумкин: Жоми Жам бутун жаҳонни, унда бўлган ва бўла-
диган воқеа-ҳодисаларни худди қўзгудагидай ўзида акс
эттирадиган кўнгиллар. Бундай кўнгил комил инсоннинг

кўнгли. Ҳақиқатан ҳам, ваҳдат мақомига етишиб, илоҳий маърифат билан лиммо-лим тўлган кўнгил бутун оламни ўзида акс эттирадиган кўзгуга айланади.

Синган сафолга келадиган бўлсак, мавжуд сўфиёна истилоҳдар бу тимсол ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ. Шундай бўлиши ҳам маълум даражада табиий. Чунки синган сафол Навоийнинг ўз ихтироси бўлиб, агар форс-тожик адабиётида бўлмаса, ўзбек адабиётида Навоийдан бошقا бирор ўзбек шоирининг ижодида учрамайди. Бинобарин, синган сафолнинг мазмуний мундарижаси ҳақида шоир асарларининг таҳлили орқалигина бирор холосага келиш мумкин.

Сафол ҳам май ичиладиган жомнинг бир тури бўлганлигидан ўлаш мумкинки, у ҳам илоҳий жамол жилва қиласидиган ўзига хос бир кўзгу, ўз навбатида эса кўнгил. Аммо, жоми Жам ҳам кўнгил экан, қайсиdir жиҳати билан синган сафол жоми Жамдан фарқ қилиши лозим. Бу жиҳатдан жоми Жам ва синган сафол билан бирга келиб, уларга мос тушадиган май турлари алоҳида аҳамиятта эга. Юқоридаги байтда кўрдикки, кўнгил – жоми жаҳонбин, аммо у жаҳонбин бўлиши учун уни соф май билан тўлдириш лозим, ана ўшанда дунё аҳволи унда кўзгудагидай акс этади. Маълум бўладики, жоми Жамнинг жуфти – соф май. Синган сафолнинг жуфти эса дурд – май лойқаси ёки лойқа май:

Сафоли дайр дурдидин севундим,
Не тонг қилса гадони жоми Жам шод (НШ, 93).

Соф май ҳам, лойқа май ҳам сўфиёна истилоҳда илоҳий тажалли бўлса ҳам, уларнинг бир-биридан фарқи бор: соф май сифотий тажаллий бўлиб, сифотий тажаллий Ҳақ ети зотий сифатининг кўнгилда жилва қилишидирки, бу дараҷага етишиш учун солик фоний бўлиши лозим¹². Май лойқаси эса осорий тажаллий бўлиб, осорий тажаллий илоҳий жамолнинг мулк олами, яъни биз яшаб турган олам ашёларида жилва қилишидир¹³. Соддороқ қилиб айтадиган бўлсак, соф май ва май лойқаси илоҳий тажаллийнинг икки кўриниши – икки босқичи бўлиб, соф май илоҳий жамолнинг

олами аъло – юксак оламда, лойқа май эса илоҳий жамолнинг олами суфло – куий оламда жилва қилишидир. Бундан шундай хулоса қилиш мумкин: синган сафол – зоҳирий оламга хос ҳусн жилваланган кўнгил.

Шундай қилиб, синган сафол дунё муҳаббати билан хираланган, жоми Жам эса дунё муҳаббатидан покланган кўнгил рамзидир. Айни чоғда, синган сафол комилликнинг аввали бўлса, жоми Жам унинг ниҳояси. Бошқача қилиб айтганда, синиқ сафол тариқат йўлига кирган толибнинг, жоми Жам эса Ҳақиқатта етишган орифнинг кўнглидир.

Жоми Жам ва синган сафол тимсолларининг мазкур истилоҳий маъноларидан келиб чиқиб, Жомий ҳақиқидаги байтнинг маъносини шундай ифодалаш мумкин: Бири илоҳий поклик тимсоли бўлган жомлик ориф бўлиб, унинг Ҳақ жамолининг жилвагоҳига айланган кўнгли фоний дунё иллатларидан покланиб, бутун оламни ўзида акс эттирадиган кўзгуга айланган.

Синган сафол ва жоми Жам фоят сермаъно тимсоллардир. Уларни гадо ва шоҳ деб ҳам, толиб ва ориф, хира ва пок кўнгил деб ҳам, шу билан бирга, Навоий асарларида етакчи ўрин тутувчи ишқнинг икки тури: ишқи мажозий ва ишқи ҳақиқий деб ҳам айтиш мумкин. У ҳолда байтнинг яна бир талқини юзага келади: Бири илоҳий поклик тимсоли бўлган жомлик ориф бўлиб, унинг мажозий ишқи ҳақиқий ишқда айланган!

Синган сафол ва жоми Жам тимсолларининг Жомий таҳаллуси билан санъаткорона боғланганинги ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Маълумки, жом ҳам Жомий туғилган жойнинг, ҳам май идипининг номи. Байтда жомнинг ҳар икки маъноси ҳам назарда тутилган: 1) жомлик ориф; 2) жомнинг орфи, яъни билимдони. Агар жомнинг кўнгил эканлиги назарда тутилса, Жомий кўнгил орифи деган маъно келиб чиқадики, бу ҳам айни ҳақиқат. Бу ҳолда байтнинг мазмуни яна ҳам қуюқлашади: Бири – илоҳий поклик тимсоли бўлган кўнгил орифи: унинг илоҳий ҳусннинг жилвагоҳига айланган кўнгли фоний дунёнинг чиркинликларидан покланиб, бутун оламни ўзида акс эттирадиган кўзгуга айланган.

Алишер Навоий мазкур қитъасида уч устозга уч фазилат: Хисравга хос мұйжизабаёнлик, Ҳофизга хос исонафаслик ва Жомийга хос орифлик ўз ижодида жамланғанлыги ва бу фазилатлар асарларида күзгудай жилваланиб туришини айтади. Бу фикрнинг ёрқин исботини келтирилган байтнинг ўзида ҳам күриш мүмкін. Байтда Жомий тимсоли шундай мұйжиза-баёнлик, шундай исонафаслик ва шундай орифлик билан яратылғанки, күз олдымизда унинг мұкаммал сиймоси: тариқат мақомларидан бир-бир күтарилиб, Ҳақ васлита етиштан, құнгли маърифат хазинасига айланиб, ундан инсониятта нур ва сафо таралаёттан Комил инсон сиймоси гавдаланади.

Фойдаланылған адабиёттар:

1. Алишер Навоий. Ҳамса. –Т.: ФА нашриёти. 1960. 159-бет.
2. Ўша жойда. 31-32-бетлар.
3. Ўша жойда. 159-бет.
4. Ўша жойда. 350-бет.
5. Алишер Навоий. Мұкаммал асарлар түплами. 20 жылдик. 6-жилд. –Т.: Фан. 1990. 516-бет.
6. Навоий асарлари лугати. –Т.: F. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1972. 744-бет.
7. Навоий асар лугати. 60-бет.
8. Алишер Навоий. Мұкаммал асарлар түплами. 20 жылдик. 16-жилд. –Т.: Фан, 2000. 199-бет.
9. Ҳусусан, Навоийнинг машхур «Харобот аро кирдим ошуфта ҳол» таржеъбандида синган сафол күза тарзидан учрайди.
10. Бундан сўнг девонларнинг бош ҳарфлари ва ғазалнинг девондаги тартиб рақамини күрсатиш билан чекланамиз.
11. Миръоти ушшоқ, //Бертель Е. Э. Избранные труды. Суфизм и суфийская литература. –М.: Наука. ГРВЛ. 1965. с. 142, 173.
12. Миръоти ушшоқ, 173-бет.
13. Миръоти ушшоқ, 148-бет.

Каромат МУЛЛАХУЖАЕВА

«ХАМСА» МУҚАДДИМОТЛАРИДА ЖОМИЙ СИЙМОСИ

Абдураҳмон Жомий билан Алишер Навоийнинг барчани лол қолдирган дўстона муносабатлари, адабий мулоджотлари ҳақидағи муҳим маълумотлар, энг аввало, уларнинг ўз асарларида акс этган. Бир жиҳатдан анъана деб баҳолаш мумкин бўлган бу эътирофлар аслида самимий ва чексиз муҳаббатнинг гўзал намойишидир.

Жомий наздида Навоий бетакрор истеъдод соҳиби, халқпарвар инсон, иқтидорли мурид ва шогирд бўлса, Навоий учун Жомий бир идеал – комиллик тимсоли эди. Шу сабабли Алишер Навоий деярли ҳар бир асарида Жомий ҳақида бирор сўз айтишни истайди, унинг васфини адогига етказолмайди. Асарларидан маҳсус боблар ажратади, ҳатто бутун бир китобини у зотга багишлийди. Бироқ барибир у зотни таърифга сифдиролмаслигини, унинг тавсифи тугамаслигини англайди. Шунинг учун бўлса керак, «Ҳайрат ул-аброр» достонида Жомий мадҳини: «васфа сифмас ва таърифга рост келмас. », – деб бошлийди.

«Хамса» достонларининг ҳар бирида анъанавий ҳамду наътлар, хамсанавислар мадҳига багишиланган маҳсус боблар мавжуд. Хамсанавислар қаторида Абдураҳмон Жомийга багишиланган боблар бўлиб, улар «Ҳайрат ул-аброр» достонида 65 байтни, «Фарҳод ва Ширин»да 34 байтни, «Лайли ва Мажнун»да 40 байтни, «Сабъай сайёр»да 41 байтни, «Садди Искандарий» достонида 44 байтни – жаъми икки юз йигирма байтни ташкил этади. Агар ҳар бир достондаги бу мадҳлар жамланса, кичик бир достон ҳажмини олади. Уларнинг ҳар бирини алоҳида бир достоннинг тарихи деб тасаввур этиш ҳам мумкин. Бу мадҳларни изчил, мукаммал ўрганиш Жомийнинг сурату сийратини қайта яратса олишимизга, айниқса,

ботиний оламини мукаммал тасаввур этишимиизга, асарлари ва адабий маҳорати ҳақида кенгроқ маълумот олишишимизга имкон яратади, зеро Жомийни Навоийдан яқинроқ ва яхшироқ билган ва уни асарларида бу қадар тұлақонли ифодалаб беролған ижодкор бұлмаса керак.

Хар бир достондаги мадҳда асосий әзтибор ҳазрат Жомийни мукаммал таъриф-тавсиф этишпа қаратылған. Айни пайтда бу мадху таърифлар Навоий шири-муршиди, устоз деб билгани бу зот ҳақида яхшигина маълумот бериши мүмкін. Эхтимол, «Хамса» достонларида Навоий ва Жомий муносабатлари «Хамсат үл-мугаҳайириң» асаридагидек жуда көнг ва батағсил берилмагандыр, бироқ Жомийнинг ҳаёт тарзи, диний-сүфиёна, дунёвий билимлари даражаси, мавқеи, у яраттан асарлар ва бошқа масалаларга лиро-эпик асар табиатидан келиб чиқиб ёндаштан Навоий үз руҳий оламини ифода этишпа ҳам мұяссар бўлади. Шунингдек, айни шу боблар қайсиdir маънода Навоийнинг ижод лабораториясини, умуман ижод психологияси билан бофлиқ масалаларни ўрганишда кўмак берувчи манба бўлиши мүмкін.

Абдураҳмон Жомий Навоий учун идеал – комиллик тимсоли. Мадҳларнинг барчаси ана шу мезонда битилған. Шунинг учун бўлса керак, кўп ўринларда Навоий муболага санъатининг моҳир устаси бўлиб кўринади. Аслида ундан эмас. Навоий назарида Абдураҳмон Жомий ҳеч бир муболагасиз ана шу таъриф-тавсифларга муносиб:

Не камолот аро ниҳоят анга,
Не маротибда ҳадду ғоят анга.

То камол аҳлидин мақол ўлғай,
Одами зийнати камол ўлғай.

Комиллик – инсон зийнати. Бироқ унга эришиш машиққатли ва бутун умр давом этадиган жараён. «Фарҳод ва Шириң» достонида Жомий мадҳини битар экан, Навоий үз муршидининг бу йўлда унга мадад беришини истаб шундай ёзади:

Навоийким муриду бандасидур,
Иродат йўлида афгандасидур,

Ҳам ул гавҳар билан кўнглин ёрутқил,
Ҳам ул шаккар била комин чутугти.

Каломин ул гуҳардек айла рангин,
Ҳадисин ул шакардек айла ширин.

Кетургул, соқий, ул жоми киромий,
Ки тутсун риндлар сархайли Жомий.

Чу пири дайр май қиласа ҳавола,
Ичармен гар эрур гардун пшёла.

Бу каби истакларни Навоий деярли ҳар бир достонида
изҳор қиласи, Низомий ва Дехлавийлар каби Жомийнинг
мададини истайди:

Ботин ила қилмаса ул икки рад,
Зоҳир ила бу бири қиласа мадад.

Менки талаб йўлида қўйдум қадам,
Бордур умидимки, чу тутсам қалам.

Йўлдаса, бу йўлда Низомий йўлум,
Қўлдаса, Хисрав била Жомий қўлум.

Шуниси муҳимки, Жомий мадҳини битаёттан Навоий
ўзининг «Ҳамса» ёза олиш қудратига ишонади. Бунга Жо-
мийнинг шоирга билдирган ишончи ҳам сабаб бўлган бўлса
ажаб эмас.

Лек манга олдида ажзу ниёз,
Борча улусдин берибон имтиёз.

Мехридин оғоқ аро гар нурдур,
Зарра анинг меҳрида машҳурдур.

Номағаким роқим этиб хомасин,
Кўрмади мен кўрмайин эл номасин.

Меҳр тулуъ айлади чун тоғ уза,
Тушти бурун партави туфроғ уза.

Гулбун уза ҳар не гул очти чаман,
Аввал аниң ҳамдами бүлди тикан.

«Хамсат ул-мутаҳайирин» асарида Абдураҳмон Жомийнинг ўз асарини ёзиг туттагандан сунг дастлаб Навоий эътиборига ҳавола этиши, унинг фикрини билиш истаги ҳақидаги қайдлар бор. Бу «Ҳайрат ул-аброр»даги мадхда жуда чиройли қиёсларда ифода топади.

Зарра қуёш туфайли машхур бўлганидек, тоғ ортидан чиқиб келаётган қуёш нури дастлаб тупроқ устига тушганидек, тупда ўсаётган гулнинг ҳамдами дастлаб тикан бўлганидек, Жомийдек бир қуёшга, гулга заррадек, тупроқдек, тикандек фақир Навоий ҳамнафас бўлганини шоир фахр билан қаламга олади. Зеро, «Хамса» яратишни бошлаган Навоий Жомийни ҳар жиҳатдан мукаммал, мақоми юксак, қудратли бир сиймо деб тасаввур этарди:

Гунбадийи хужрада зоти ниҳон,
Ўйлаки, қўк гунбази ичра жаҳон,

Қайси жаҳон олами кубро дегил,
Қудрати оллоҳу таоло дегил.

Оллоҳ таолонинг қудрати! Бу таъриф Жомий учун берилган энг олий баҳо эди. Навоий наздида Жомий Оллоҳ қудратини намойиш этаёттан бир сиймо! Жуда гўзал эътироф, мутаассир қиёс.

Устозининг бу қудрати, бу кучи албатта, унинг ижодкорлик қудратига уйғунлашиб кетган. Буни ҳис этган Навоий «Фарҳод ва Ширин» достонидаги мадҳнинг бошлинишидаёқ Жомийни Низомий ва Хусрав Деҳлавий билан ёнма-ён қўйиб, агар уларнинг иккиси икки пил (фил) бўлсалар, Жомийда юз филнинг кучи бор, дея таъкидлайди, бу фикрини исботлаш учун тарихда машхур бўлган зот Зиндапили Жомийни қиёс қилиб келтиради:

Муҳаббат жоми дурдошоми улдур,
Ҳамоно Зиндапили Жомий улдур.

Кўруб сармасти жоми ваҳдат они
Демишлар Зиндалини ҳазрат они.

Зиндалини **Жомий** (XI-XII) – Жомда туғилган машҳур мутасаввиф шоир Абу Наср Аҳмад бинни Абулҳасан нинг лақаби. Унинг тахаллуси «Аҳмад Жомий» бўлган.¹

Абдураҳмон Жомийни тасаввуф бобида машхур мутасаввиф Зиндалига тенглаштирилаётганлиги муболага бўлиб кўринар. Бироқ унинг ҳаёт тарзи, яратган асарлари яхшилаб ўрганилса, Навоийнинг бу борадаги сўзлари ҳақиқатдан йироқ эмаслигига амин бўласиз.

Жомий таърифи, тавсифи берилаётган байтлар, мисраларда у зотнинг ҳаёт тарзи, умрининг мазмунини белгилаган эътиқоди билан боғлиқ жиҳатларга ҳам қайта-қайта тўхтар экан, Навоий унинг илоҳий олам билан тугаш қалб соҳиби эканлигига китобхонни ишонтира олади. Аслида ҳам шундай эди:

Бўлуб зоҳир фано тимсоли андин,
Тутуб оламни олам холи андин.

Ўзин худ бир жаҳони бегарон бил,
Камолотин ўзидек бир жаҳон бил.

Жаҳон ўйқ, олами кубро де они,
Жаҳонда мақсади ақсо де они,

Ки ҳарне олами сурода мавжуд,
Бори бу олами куброда мавжуд.

Ҳар бир достонда Жомийнинг муайян бир фазилати Навоийнинг комил инсон ҳақиқати тасаввурларига уйғун ҳолда ифодаланади.

Улки букун кутби тариқатдур ул,
Кошифи асрори ҳақиқатдур ул,

– деб бошлигар эди Навоий «Ҳайрат ул-абброр» байтларини.
Тариқат илмининг кутби – маркази, ҳақиқат сирларини

¹ Қаранг: Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. 8-том. –Т. , 1991. 488-бет.

очувчи зот деб таъриф олаётган Жомий чиндан зоҳиру ботин илмини мукаммал билган, замонасининг машхур кишиси эди. ҳазрат Навоий ўзига шир деб билган бу инсон муршидлари Саъдиддин Қошгарий қўлида, кейинроқ Хожа Аҳрор Валий раҳнамолигида камол тоғди. Нақшбандийлик тариқатининг асослари моҳиятини тўғри англаган Жомий умрини ушбу таълимот ғояларини тарғиб этишга бағишлади, ҳаётининг мазмун-моҳиятини ана шу тариқатнинг юксак мақомларидан топди, ўз асарларига унинг ғояларини сингдирди. Булар ҳақида Навоий бағишловларида кўплаб таъкидларни учратиш мумкин:

Жилвагаҳи гулшани чархи барин,
Обхўри ҷашмаи айнул-яқин.

Демак, Навоий таъкидлаётганидек, энг покдомон, нафс қутқуларидан озод бир зот – Жомий намоён бўладиган маскан – юксак осмон, у сув ичадиган чашма эса – айнул-яқин булоғи. Шоир бу байтда ўз ижодий мақсадини айнул-яқин бирикмасининг поэтик имкониятларидан фойдаланган ҳолда ифодалайди. Айнул-яқин билишнинг, айни пайтда, Ҳақни билиш йўлининг (илмий яқиндан кейинги) иккинчи босқичи бўлиб, ундан сўнг солик ҳаққул-яқин босқичига ўтади ва у ерда Ҳақ нурига гарқ бўлади. Жомийни айнул-яқин аҳлидан деб билган шоир «айн»нинг – ҷашма маъносини ҳам эътибордан соқит қилмайдики, у баҳраманд бўлаётган бўлоқнинг туганмас манба эканлигига ишпора. Бу эса уни илоҳий билимлар билан боғлашга имкон яратади. Жомийнинг кийиниши, яшаш тарзи, айтгаётган сўзлари ҳам ана шу юксак мақомга мувофик:

Бошиким тарк тожидин баруманд,
Бўлуб тожига гардун тутма монанд.

Либоси фақри кенг юз жаҳондин
Жаҳон силки келиб бир ришта ондин.

Бошига тарк тожини кийган, гардун эса унинг олдида тутмадай нарсага айланиб қолсан, юз жаҳондан кенгроқ фақирлик либосига ўралган бу зотнинг калом – сўз қасри ҳам жуда баланд ва кенг.

Қасри каломи чиқиб андоқ баланд,
Ким анга гардун сола олмай каманд,

Анда шаётин хасига йўқ сабот,
Баски уруб, хайли малойик қанот.

Жомий асарларига бундай юксак баҳо берадиган Навоий бошқа бир ўрининг «Ҳамса» яратиш орзу-мақсадлари ҳақида сўз юритар экан, шундай деган эди:

Кулла чу ҳам олий эди, ҳам василь
Устига қўйдум бу биноий рафиъ.

Не тубига нақб бўлуб судманд,
Не етибон қўнгирасига каманд.

Ўз асарларини раҳнамоси Абдураҳмон Жомий асарлари даражасида кўриш истаги Навоийни ҳеч қачон тарқ этмаган бўлса керак. Бундай эътирофларни шоирнинг кўп асарларида ўқиши мумкин.

Алишер Навоий «Маҳбуб ул-кулуб» асарида шоирлар ҳақида фикр юритиб, шундай ёзган эди: «... ҳақиқат ва маҷоз тарийқида комил ва илми икаласи тариқида вофий ва шомил, назм аҳлининг муқтадо ва имоми ҳазрати шайху-лислом Мавлоно нур ул миллати ва-а-дин Абдураҳмон ал-Жомий (наввараллоҳу марқадаҳу ва куддиса сирраҳу) дурким. оламда завқу ҳол аҳли булар латойифи била масрур-дурлар ва булар маорифи била ҳузур қилурлар». Жомий камолоти унинг илми билан боғлаб:

Илмин онинг тенгиззага қилса хитоб,
Мутлақ ўлғай демак дентизни сароб.

— деган шоир у зотнинг асарлари ҳақида сўз юритиб, «Мажолис ун-нафоис»да шундай ёзган эди: «Чун алар латойифи назми андин кўпроқдурким, ўлғайким, баъзи битилгай, ё элга маълум бўлсин деб бирори сабт этилгайким, кутубларининг оти битилса, бу авроқгин ошар ва мусаннафотлари дурлари зикрин қилилса, гардун баҳри андин тошар... »

«Ҳамса» достонларидаги мадҳларда ҳам шоир асарлари ҳақида анча батафсил маълумот олиш мумкин:

Солди шарҳи «Рубоиёт» андин,
Рубъи маскун аро ҳаёт андин.

Килкидин чун «Лавомеъ» этти зухур,
Солди оғоқ ичинда ламъаи нур.

Табында чун «Лавойиҳ» ўлди падил,
Жилва қилди лавойиҳи тавҳид.

Зоҳир этгач «Ашиъат ул-ламаот»,
Ламъа қилди аён ашиъаи зот.

«Нафаҳот» иҷраким, футуҳ андин,
Нафҳаи инс топти рӯҳ андин.

Чун рақам қилди «Түхфат ул-аҳрор»
Сочти оламга маҳзанул-асрор.

Шунингдек, Жомийнинг «Субҳат ул-аброр», «Силсилат уз-заҳаб», «Юсуф ва Зулайҳо» достонлари ва яна кўплаб асарлари ҳақида сўзлаган Навоий унинг назм ва насрдаги маҳоратига алоҳида эътибор беради:

Ҳам назминг насрдек келиб хуб,
Ҳам насринг назмдек дилошуб.

Бу назминг ила насринг сипоҳи,
Оlam юзини тутуб камоҳи.

Назминг сифати баёндин ортуқ,
Насрингникум дермен ондин ортуқ.

Файзинг била баҳраманд олам,
Олам эли поймоли мен ҳам.

Камолот – абадий, камолот – чексиз деганларилик, ҳар бир достонда Жомий камолоти ҳақида фикр билдирав экан, унинг шеърияти қаршисида лол қолган Навоий ўзининг «Ҳамса яратишдек» орзусига берилади:

Қазал дарду сўзини, ваҳ-ваҳ, не дей,
Деса маснавий, Аллаҳ-Аллаҳ, не дей.

Агар назмдин борча услуб анга,
Бори бир-биридин эрур хуб анга.

Вале маснавий ўзга оламдуур,
Ки табъига ҳоло мусалламдуур.

Бүлүб жилвагар табъи күзгусида,
Ки сабт айлади «Хамса» ўтрусида.

Хуллас, бир-бирига уйғун яхлит асарга қиёслаш мумкин бўлган Алишер Навоийнинг «Хамса» достонла-ридаги Абдураҳмон Жомий мадҳлари айни пайтда ўзига хос алоҳида хусусиятларга эга. Уларни ўрганиш Жомий сиймосини мукаммал идрок этишга, Навоий ижодий олами ни янада чукурроқ англашта имкон беради.

Нодирхон ҲАСАН

АБДУРАҲМОН ЖОМИЙ ЯССАВИЙ ҲАҚИДА

Форсийда битилган бир қатор тасаввуфий асарлардан маълумки, Пири Туркистон Ҳожа Аҳмад Яссавийнинг номи форсийзабон халқлар орасида ҳам маълум ва машҳур бўлган. Фаридиддин Аттор ўзининг машҳур «Мантиқ ут-тайр»ида Аҳмад Яссавий манқабасидан энг муҳим бир лавҳани нақл этган. Кейинчалик Фахриддин Али Сафий «Рашаҳот айн ул-ҳаёт», Олим Шайх «Ламаҳот мин нафаҳот ул-қудс», Муҳаммад Шариф Бухорий «Ҳужжат уз-зокирин», Гулом Сарвар Лоҳурий «Ҳазинат уд-асфиё» каби асарларида Аҳмад Яссавий таърифига алоҳида ўрин ажратганлар. XVI асрда яшаб ижод этган яссавия ҳамда нақшбандия шайхи Султон Аҳмад Ҳазиний ўзининг Аҳмад Яссавий ва яссавийликка багишланган «Жавоҳир ул-аброр» (форсий матни), «Жомиъ ул-муршидин», «Ҳужжат ул-аброр» сингари асарларини форсийда ёзганлиги ҳам бежиз эмас. Демак, ўша даврларда Аҳмад Яссавий ва яссавийлик нафақат туркий халқлар орасида, балки форсийзабон мамлакатларда ҳам маълум бўлган.

Абдураҳмон Жомиј ҳам «Нафаҳот ул-унс» тазкирасида бошқа валийлар қатори Аҳмад Яссавийнинг номини бир неча ўринда тилга олади. Чунончи:

1 Шайхуш шүйух Ҳожа Юсуф Ҳамадоний таърифида унинг машҳур шогирдлари – Ҳожа Абдуллоҳ Баракий, Ҳожа Ҳасан Андоқий, Ҳожа Аҳмад Яссавий ва Ҳожа Абдуҳолиқ Қиждувонийлар хусусида сўз юритиб, уларнинг Юсуф Ҳамадонийдан кейин даъват ва иршод мақомига эришганликларини ёзади. Аҳмад Яссавийнинг Туркистонга кетаётисб, муридларни Абдуҳолиқ Қиждувонийга топширишини ёзаркан, Жомиј ҳазратлари: «Силсилаға мансуб кейинги шайхлардан бири ёзган рисолада ҳолат шундай баён этилган» дея қайд этади. Бу ердаги «Силсилаға мансуб кейинги шайхлардан бири ёзган рисолада ҳолат шундай баён этилган» жумласига яссавийшунослик эътибор бериши лозим.

2 Абдураҳмон Жомий Нажмиддин Кубронинг шогирди Шайх Али Лола таърифига тўхталаркан, унинг Нажмиддин Кубро хизматига боргунга қадар Туркистонда Аҳмад Яссавий хонақоҳида таълим-тарбия олганлигини ёзди. Бу эса яссавийликда бошқа тариқатларга нисбатан холис ва кенг қарааш мавжуд бўлганлигини кўрсатади.

3 Машхур шайхлардан Кусам шайх ҳақида сўзлар-кан, Абдураҳмон Жомий, унинг яссавия силсиласига мансублиги, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд унинг хузурида маълум муддат таълим-тарбия олгани, ҳатто устозининг энг суюкли фарзандидай бўлиш даражасига эришганини ёзди.

4 Яссавий силсиласига мансуб яна бир шайх – Халил ота ҳам «Нафаҳот»да Баҳоуддин Нақшбанд отадан олти йил таълим-тарбия олгани, шу муддат давомида буюк ҳоллар зоҳир бўлгани, Халил отанинг: «Ким Ҳақ таоло ризоси йўлида менга хизмат қилса, ҳалқ орасида улуғланади», деган хайр дуосига эришганини Жомий Хожа Баҳоуддин-нинг ўз тилидан баён этадики, бу яссавийлик учун ҳам нақшбандийлик учун ҳам баб-баробар аҳамиятта эгадир.

Демак, Баҳоуддин Нақшбанднинг Кусам шайх ва Халил ота билан бўлган пир-мурид алоқаларининг ўтмишда мустаҳкам бўлиб, уларнинг ягона маънавий чашмадан файз олганликлари, маълум тарзда бир-бирини қўллаб-кувватлаганлиги ва тўлдирганлигини асослашга хизмат қиласди.

Юқорида биз қайд қилган «Нафаҳот ул-унс»даги маълумотларни «Насойим ул-муҳаббат»да Алишер Навоий томонидан келтирилиши Навоийнинг бу борада ҳам Жомийга издош бўлганлигини кўрсатади.

Бир қанча форсий асарларда Аҳмад Яссавий ва издошлиари ҳақида маълумотлар учрайди. Бундай маълумотнинг «Нафаҳот ул-унс»да ҳам келтирилганлигининг алоҳида аҳамияти бор.

Рахим ВОХИДОВ

ЖОВИДОН ШЕЪРИЯТ

Нурилдин Абдураҳмон Жомий қолдирган юксак маънавий хазина ўз муаллифини забардаст олим ва ҳассос шоир мақомида намоён этади. Зикри ўтган фазилат ҳамиша ўзидан дарак бериб туради. Бошқача айтганда, алломанинг илмий-ирфоний асарлари, илоҳиётга, тилшунослик, адабиётшуносликка доир тадқиқот ва кўп сонли шарҳларида олимликнинг ёнида шоирлик, шунингдек, завқли бадиий яратмаларида баланд ҳис-ҳаяжон, бўёқдорлик қаторида илмий мушоҳада саф тортиб туради. Шундан бўлса керак, Жомий асарларида ифодасини топган тагмаъноларни дарров илғаб олиш осон эмас. Аслида Абдулқодир Бедил шеъриятида мустаҳкам ўрин туттган мураккаб ифода тарзи бир кун ёхуд бир асрда шакланган ҳодиса эмас. У юз йиллар давомида форс-тоҷик адабиёттида, алалхусус, Салмон Соважий, Шайх Саъдий, Хожа Ҳофиз Шерозий сингари ўнлаб дилбар назми жаҳон афкор оммасини ҳайратта соглан ижодкорлар адабий тажрибасида сайқалланиб, ноёб анъана сифатида Нурилдин Абдураҳмон Жомий даҳосига кучди. Ана шунинг учун ҳам бу нодир истеъдод соҳибининг уммонга қиёс этгулик адабий-илмий мероси «форс-тоҷик адабиётининг олтин кўзи» мақомида баҳоланиб келади. Бундай қатъий хулосанинг сабаби шундаки, Абдураҳмон Жомий форсий адабиётнинг ўзига қадар эътироф қилинган энг сара анъаналарини жамлашга ва уни ўз адабий тажрибасида яхлит ҳолида умумлаштиришга муюссар бўлади. Мадрасалару шеърхонлик давраларида жомийхонликнинг асрлар оша яшаб келганлигининг боиси ҳам шундадир. Табиийки, айни мактабнинг завқли қалбларга нур бўлиб оқиб кирувчи сабоқлари ҳазрат Бедилни ҳам бефарқ қолдирмаган.

Нурилдин Абдураҳмон Жомийнинг шеърият билан шуғуланиши ибтидосининг аниқ санаси мумтоз ва буғунги манбаларда деярли ифодасини топмаган бўлса-да,

бу ҳодисанинг болалик йилларида воқеъ бўлганлиги аён. Махдуми Нуранда эрта болалик йилларида кузатилган ва мумтоз асарларда аксини топган ундаги савқи табиий (худодод қобилият, илоҳий иноят) ҳақидаги ишоралар шундай хуносага келиш асосини беради.

Таъкидлаш жоизки, Шарқ ҳалқлари мумтоз адабиёттида ўндан ортиқ қаламкаш «Жомий» тахаллуси билан асарлар яратган. Бундай ҳодисанинг юз йиллар давомида бир қатор чалкашликларга сабаб бўлганлиги шак-шубҳа туғдирмайди, албаттга. Қилни қирқ ёрувчи зукко жомийшуносларнинг заҳматли меҳнатлари туфайли айни жабҳада яшаб келган анчагина баҳсларга чек қўйилди ва аллома Жомий қолдирган асарларнинг умумий сони (48) ҳамда аниқ рўйхати белгилаб олинди. Бу борада маъруф шарқшунос, профессор Е. Э. Бертельс, филология фанлари доктори, профессор Аълохон Афсаҳзод ва бошқа нуктадон олимларнинг хизматлари бекиёс каттадир. Бироқ жомийшуносликда ҳамон мунозарага сабаб бўлиб келаётган масалалар ҳам йўқ эмас. Жумладан, айрим адабиётшунос, шинаванда-ю хонандалар ўртасида Абдураҳмон Жомийнинг зуллисонайнлиги (форс ва ўзбек) борасидаги фикрлар диққатни тортади. Ёхуд туркийда ва ширу шакарда битилган айрим шеърлар Абдураҳмон Жомийга нисбат бериб келинади. Куйида келтириладиган мана бу ғазал ҳам ўшалардан биридир:

Эй лабат пурхандаю чашми сиёҳат масти хоб,
Икки зулфинг орасида ой юзингдир офтоб.
Нашъай май медиҳад рӯи туро андак арақ,
Бода ичсанг, тўкилур икки қизил юздин гулоб.
Булҳавас дар базми васлат муҳтарам, ман-ноумед,
Толеъим шулдир менинг, бахтим – забун, ҳолим – хароб.
Ҳар ки бинад рўйи хўбат пок бошид аз гуноҳ,
Сан сари боққанлара маҳшар куни йўқтур азоб.
Банда шуд, Жомий, ғуломат, гарчи Афлотун бувад,
Асрарил, ё сақлагил, ё сот, ё бергил жавоб¹.

Беш байтдан таркиб топувчи ушбу ғазал хонандадан (ҳофиз) хонандага кўчиб, Абдураҳмон Жомийнинг ғазали сифатида кенг тингловчилар оммасига тақдим қилиниб келинади. 1941 йилда «Қизил Ўзбекистон» газетасида «Жо-

мийнинг ўзбекча шеърлари» сарлавҳаси остида уч ғазал (иккитаси соф ва биттаси ширу шакар – юқорида матлаи келтирилган шеър) эълон қилинади. Профессор Е. Э. Бертельс ўзининг рус тилида эълон қилинган «Жомий» китобида уларга ўрин беради. Шоир Чархий эса (1900-1980) ўша муламмаъ ғазалга мухаммас боғлади. Кейинчалик академик А. П. Каюмов мунозара тарзида «Зуллисонайн Жомий» сарлавҳали мақоласини эълон қилди². Ёхуд куйидаги матлалари келтириладиган соф ўзбекча ғазаллар ҳам Абдураҳмон Жомийнинг ижоди сифатида эътироф қилиниб келинади:

Зулфинг хаёли тушгали шўрида бошқа,
Қам бошқа ўлдирур мени, ҳижрони бошқа.

Яна:

Қолдим балоя – кўнгилими бердимки ёшқа,
Чунким мудом икки кўзум тўлди ёшқа.

Яна:

Боқсам тўлур кўзимга сиришк ул қуёшқа,
Йўқтур юзи назарда, кўзим тушди ёшқа

(ва ҳоказо)³.

Зуллисонайнлик (бир шоирнинг икки ва ҳатто уч, ундан-да зиёд тилларда асарлар ёзиш ҳодисаси) Шарқ ҳалқлари адабиётида ўзига хос анъана тусини олган. Бундай тажриба икки кўринишда намоён бўлади: Санъат сифатида, яъни ижодкор бир шеърида икки тилга (ширу шакар, муламмаъ – бир қатори ёхуд икки сатри (ва ҳ. к.) бир тилда, иккинчи мисраси бошқа лисонда) мурожаат этади. Баъзан тиллар миқдори учтага ҳам етиши (ширу шахду шакар санъати) мумкин. Абдураҳмон Жомий шеъриятида ҳам муламмаъ – ширу шакар санъати асосида бунёд қилинган шеърлар учраб туради. Аммо улар форсча ва арабча сўзлар иштирокида дунёга келган. Ҳодиса сифатидаги зуллисонайнлик (бир қаламкашнинг икки тилда кўпгина асарлар ёзиши) эса Абдураҳмон Жомий адабий тажрибасида деярли кузатилмайди. Масаланинг туркий тилга даҳлдор жиҳатига қайтадиган бўлсак, Жомий ҳазратлари бу тилни хурмат қилган, билган ва шу забонда яратилган асарларни ўқиган. Аммо ўзбекча шеърлар ёзмаган. Бизнинг бундай қатъий таъкидимизга биринчى далил ишнимизнинг «Дебо-

ча»сида келтирилди. Яна аникроқ айтадиган бұлсак, Абдурахмон Жомий туркча-ўзбекча шеърлар ёзганда эди, Алишер Навоийнинг «Кошки» радифли газалига форсий жа-воб битмаган бұлур эди. Иккинчидан, Алишер Навоийнинг «Хамсат ул-мутаҳайирин» асарида келтирилған құйидаги таъкид ҳам бизнинг фойдамизға хизмат қылады: «...чун туркча алфоз (лафз, тил – Р. В.) била назмра илтифот қылмас эрдилар, бир форсий газал (гап «Кошки»га жағовия ҳақида бормоқда) айттылар»⁴. Алишер Навоийнинг үтгиз йилдан зиёдроқ умри (1460-1492 йиллар) Абдурахмон Жомий билан ибратли ижодий ҳамкорликда кечтан. Улуг маънавий арбобнинг аксарият бадиий яратмалари Алишер Навоий тавсияси билан дунёга келған ёхуд унинг назаридан үтган. Агар Абдурахмон Жомий туркий тилде шеърлар ижод қылғанда, улуг ўзбек шоири уни алоҳида урғу билан қайд қыларди.

Абдурахмон Жомийдан бизга бой маънавий хазина мөрс қолған. Уларни қуйидагича тасниф қилиш мумкин: шеърлар девони, «Ҳафт авранг», муаммо, қофия, мусиқа, аruzga доир рисолалар, тасаввуф, илоҳиётта оид китобу шарҳлар, араб тилига бағищланған рисолалар, Зикри үтган маънавий хазинада кичик шеърий жанрлар (газал, қасида, мурабба, қитъа, рубоий, муаммо, фард, кичик маснавийлар, таркиб-банд, таржиъбанд) ғоявий салмоғи ва миқдори нұқтаи назаридан ҳал қылувчи аҳамияттаға эга. Пири комил Алишер Навоий маслаҳати билан мазкур шеърларни уч девонда жамлаган. Унинг биринчи девони «Фотиҳат уш-шабоб» («Ёшлиқ туғфалари») бўлиб, илмий-танқидий матни араб ёзувида, Москвада нашр (1978) бўлган. Иккинчи девон «Воситат ул-иқд» («Ўрта ёш инжулари») тарзида номланған. Учинчи девон эса «Хотимат ул-ҳаёт» («Умр интихояси») тарзида сарлавҳа олган. Бу икки мажмуанинг ҳам илмий-танқидий матни араб ёзувида Москвада (1980) босилган. Ҳар уч девон ҳам событ-қадам жомийшунос, марҳум профессор Аълохон Афсаҳзод томонидан сўзбоши, шарҳу изоҳлар билан таъминланған. Мазкур куллиётда Жомий ҳазратларининг 2320 (икки минг уч юз йигирма) шеъри жамланған бўлиб, уларнинг умумий ҳажми ўн олти минг олти юз йигирма тўққиз байт (16629 x 2=33258 мисра) дан ибо-

ратдир. Абдураҳмон Жомий шеърияти Душанбеда 1965 йилда икки китоб (беш жилдлик «Сайланма»нинг 1-, 2-жилдлари) ва улуғ шоир саккиз жилдлик «Сайланма»сининг 1-, 2-, 6-, 7-жилдлари (Душанбе. 1986-1989)да рўшнолик курган. Шунингдек, турли тўплам, дарслик, хрестоматиялардан ҳам ўрин олган. Маҳдуми Нураннинг асарлари Эрон, Афғонистон, Покистон ва бошқа бир қатор хорижий давлатларда ҳам қайта-қайта босилган. Жумладан, XX асрнинг 60-йилларида Эронда (Техронда) «Девони комили Жомий» номи билан унинг шеърлари мукаммал тўплам ҳолида нашр бўлган. Бу хайрли ишни Техрон университетининг мударриси, маъруф олим, профессор Али Асгар Ҳикмат амалга оширган эди. Бу закий тадқиқотчининг девони комилга ёзган сўзбошисининг ўзи етук бир илмий рисолага тенг келади. Профессор Али Асгар Ҳикмат Нуриддин Абдураҳмон Жомий шеъриятининг бадиий салоҳияти, услуби, илоҳий-ирфоний оҳангি, хуллас, шаклу мазмуни ҳақида тे-ран мушоҳада юриттан. Тоҷикистонда Абдураҳмон Жомий шеърияти билан етук адабиётшунос Аълоҳон Афсаҳзод те-ран шуғулланди. У улуғ аллома лирик меросини нашр эттириш билангина қаноатланиб қолмай, уларни чукур тадқиқ этди, салмоқли илмий монография эълон қилди...

Абдураҳмон Жомийдан етиб келган шеърларнинг бир минг саккиз юз олтитасини газал жанрининг нодир на-муналари ташкил этади. Нуриддин Абдураҳмон Жомий шеърияти фақатгина ҳажми нуқтаи назаридан эмас, балки foявий мазмуни, бадиияти жиҳатидан ҳам дикқат жалб этади. Забардаст илоҳий-ирфоний арбоб мақомида фАО-лият кўрсатган улуғ алломанинг бутун умр мазмуни ва асарларининг таянч негизини эзгулик ва яна эзгулик ташкил қиласарди, десак сира хато бўлмайди. Инсон ва унинг имтиҳон дунёсидаги ҳаёт даври ана ўша яхшиликка баҳш этилсагина, унинг охирати обод ва марқади мунаввар бўлади, – дейди Жомий ҳазратлари. Юқорида урғу билан қайд қилганимиздек, мутафаккир шоир мурожаат этган адабий жанрлар ичра газал эркатойдир. Салкам икки мингта яқин шу жанрда асар яратиш бетакрор салоҳият нишонаси эмас-ми?! Муҳими шундаки, саналган шеърларнинг катта қисми шоир ҳаётининг ёшлиқ йилларига түгри келади. «Фотиҳат уш-шабоб» таркибида 1016 (бир

минг ўн олти) ғазалнинг берилиши ўшандай хulosага келиш асоси ҳисобланади. Шунингдек, «Восигат ул-икд»да бу рақам 494 (тўрт юз тўқсон тўрт)га бўлса, «Хотимат ул-хаёт»да 296 (икки юз тўқсон олти)тадир. Зикри ўтган рақамларнинг ўзи айрим мулоҳазаларга келиш учун туртки беради. Гарчи жомийшунослар алломанинг илк девонлари ҳақида маълумот бермасалар-да, куллиётта қадар уларнинг тартиб берилганлиги шак-шубҳасиздир. Агар улуғ шоир умрининг уч фаслга ажратилган девонлар мажмуининг XV асрнинг 80-йилларида тартиб берилганлиги инобатта олинса, бизнинг юқоридаги мулоҳазаларимиз ҳақиқатга анча яқинлашиб қолади. Яна «Фотиҳат уш-шабоб»дан Жомий ҳазратлари яратган шеърларнинг teng ярми (1257 шеър, 9396 байт) ўрин олган. Алишер Навоий таклифини инобатга олган мутафаккир шоир XV асрнинг 70-йилларига қадар ёзган барча шеърларини биринчи девонга киритиб қўя қолган. Масаланинг айни жиҳатидан девонлар тақсимотининг ўта нисбий эканлигидан (худди Алишер Навоийнинг «Хазойин ул-маоний» йигма девонлари номланишидай) далолат беради. Албатта, жомийшуносликнинг кейинги истиқ-боли биз ишора қилган масалаларга ҳам ойдинлик киритади, деган умиддамиз.

Шарқ ҳалқлари мумтоз адабиёти тарихида бўлгани каби Абдураҳмон Жомий газалларининг бош мавзуини (панд-насиҳат йўналишидаги айрим шеърларини мустасно қилганда) ишку ошиқлик ташкил қиласиди. Ишқ улуғ мутафаккир талқинида кенг маънога эга. Ёхуд бугун расмга кирганидек, уларни дарров ишқи мажозий ва ишқи ҳақиқийга ажратиш қийин. Нодир сўз санъаткори мисраларида тараннум қилинган муҳаббат теран моҳият касб эттани каби, ишқнинг ҳар иккала кўриниши ҳам бири иккинчисини тақозо қилиб келади ва тўлдиради, такомилаштиради. Аникроғи, ишқи мажозий покланиш орқали ўз соҳибини балофатта етказади, Аллоҳ даргоҳига, орифлик мақомига кўтаради. Айни фазилатта таянмаган ошиқ эса булҳавасдир. Улуғ мутафаккирнинг айрим ғазалларига мурожаат қиласлик:

Тун кечада ёдингда кўзим дам-бадам қон йиглади,
Кулганимни кўрди шамъ, ўртанди, чандон йиглади.
Бесабаб тўқмас эди май шипаси кўз ёшини,

Майсимон лаб ишқидан у, бўйла ҳар он йиглади.
Ўз умидин жодугар менинг дардим кўриб,
Йўқса нечун сехр этиш пайтида обдон йиглади?!
Ёмғир эрмасди ўша Лайли куйида ҳар баҳор,
Зор Мажнун ҳолига ул чархи гардон йиглади.
Сут булоғимасди Ширин қасрига оққан ариқ,
Балки Фарҳодни кўриб, тогу биёбон йиглади.
Ёр ҳажридан чунон беҳол бўлди Жомийки,
Кўз ёшининг селига гарқ бўлди, нолон йиглади⁵.

Олти байтдан иборат газалнинг таржимаси анча равон чиқкан. Мугаржимлар аслиятдаги ғоявий мазмун ҳамда бунёдкорликни ўзбек китобхонига нафис етказиш йўлида анча маҳорат кўрсатишган. Шунингдек, улар форсий матнадаги бадиий-тасвирий воситалар назокати-ни тўла сақлашга ҳаракат қилишган. Жомиёна нозик дид газал матласидаёқ кўзга ёрқин ташланади. Ишқ ва унинг изтироблари билан алоқадор можаролар газал матлаида гўзал шоирона ифодасини топади. Чинакам сўз санъаткори қалами туҳфа этган матлаъ шунчаки ўзаро қофияланган мисралардан иборат бўлмай, балки бутун бошли газалнинг ихчам режаномаси даражасига кўтарилади. Шеърнинг кейинги бандлари эса ундан (матладан) маъно ва ҳарорат олади. Шундай гапни кўчирганимиз газал матлаи ҳақида ҳам айтиш жоиздир. Унда лўнда сўзлаб беришга арзигулик манзараравҳа мавжуд: Ҳижрон кечаларидан бирида ошиқ ўз маъшуқасини эсга олади ва унинг ҳаловати бузилади, кўзидан ашқ эмас, унинг ўрнида шашқатор бўлиб қон оқади. Муболага санъати сатрга жўшқинлик олиб киришдан ташқари, ошиқ руҳий ҳолатини шеърхонга қабариқ етказишга ҳам хизмат қилган. Иккинчи сатрда зикри ўтган кайфият янада теранроқ тус олади. Шоир муболаганинг муболагасини (ифротни) ишга солади: Ҳижрон оловидан ишқ галоси ошиқнинг бадани ҳам куя бошлайди. Бундай аянчили аҳволдан хонадаги шамъ ҳам безовта бўлиб ҳаловатини йўқотади. Йўқ, у ҳам куяди, ўрганади, қатра-қатра ёшлилар тўқади. Байтда мисралараро мантиқий алоқадорлик кучли: Воеалар тун зулматида содир бўларкан, кулбани ёритишга зарурат сезилади. Бундай вазифа табиийки, шамнинг ўҳдасидадир. Зукко шоир шамнинг ёниб, марварид доналаридаи оқиб пастга тушиши билан, ошиқ ҳолати (кузидан ёш оқизи-

ши) ўртасида монандлик түяди ва улардан ўхшатиш ҳамда ўхшатилмиш вазифасида фойдаланади. Айни уриниш шеърда тасвириланаёттан лавҳанинг табиийлигини таъминлаш билан бирга, унинг бадииятгини ҳам юқори поғонага кўтарган. Биз айримларини санаганимиз ишоралар ғазалнинг кейинги мисраларида тадрижий такомилини топа боради. Жумладан, иккинчи бандда кутимаган, шеърхонни ҳайратга солувчи ташбеҳлар қаторлашиб келади. Шоир тасвирида май шишаси кўз ёши (унинг оғзидан майнинг томчи-томчи бўлиб оқиши, дарҳақиқат кўз ёшини эслатади) тўқади. Нега? Сабаб нимада? Банднинг иккинчи қаторида юқоридаги саволларга ишонтирали жавоблар бор: Маъшгуқанинг тиник қизил майни эслатувчи лаби «май шишаси дилига» (ошиқча шаъма) ўт ташлаган ва уни йиғлатган. Қарант, ўхшатиш, жонлантириш ва муболага каби тасвирий воисталар таносибни, ўз навбатида таносиб уларни тақозо қилаёттир. Яна бир муҳим жиҳат шундаки, матладаги «йиги» ва «кўз ёши» бу үринда янгича жилода давом эттирилади. Улуғ шоир «йигини» учинчи бандга ҳам олиб ўтади. Тарькидлаш лозим, бу байтда янги бир образ – «жодугар» (аникроғи, учинчи шахс ёки ағёр) келиб қўшилади. Сидқий ошиқнинг азоб-уқубатларга лиммо-лим изтиробли ҳолатини кўрган жодугар-ағёр маъшуқадан умидини узиб қўяди. Бўлмаса, нега у ишқнинг сехридан лаззатланиш ўрнига бутун вужуди билан силкиниб-силкиниб (аслида покланишга асосланган муҳаббат уни ўз домига тортган ва булҳавас ошиқ буни пайқамай қолган) йиғлайди?! Қазалнинг тўртинчي байтида тасвир майдони янада кентгая боради. Мисраларга янги-янги санъатлар ва ташбеҳлар келиб қўшилади. Йиги билан боғлиқ муболага иғроқча (аклга сифдириш душвор бўлган бадиий манзарага) айланади. Ошиқи зорнинг кўзидан оққан ёшлар ашқ эмасди. Йўқ, Лайли хажрида тукилган кўз ёшлари баҳор ёмғири (шиддатли, лўпшилупши томчилар қаварчиқлари ҳосил қилиб, ер юзида ўйнайди) билан алмашинган. Аслида бундай манзарани баҳор ёмғири деб ҳам бўлмайди. Гё юйлиси соғинчи ўтида жизғанак бўлиб қовурилаёттан Мажнунни дилҳаста ҳолига кажрафтор чарх ҳам кўз ёши тўқмоқда! Мисраларда талмех молдаси бўлиб келган Лайлию Мажнунлар тасвир жозибадорлигини янада юқорига кўтариш учун хизмат қилган. Бешинчи байтда яна бир жуфтликка – Фарҳоду Шириналарга ишора кета-

ди. Шарқ халқлари адабиётида Фирдавсийнинг «Шоҳнома»-сидан ибтидо топган Хисрав, Ширин, Фарҳод номи билан боғлиқ саргузаштлар тизмаси Абдураҳмон Жомийга қадар узоқ йўлни босиб ўтди ва шу мавзуда элликка яқин достонлар ижод қилинди. Шундан бўлса керак, Жомий ҳазратлари айни мавзуни эскирган ҳисоблаб, ўз «Ҳафт авранг»ида уни четлаб ўтади. Зикри ўтган мавзудаги айрим достонларда эса ҳаёт манбаи сув ариғи ҳақида эмас, балки ишрат воситаси сут наҳри ва ҳовузи хусусида ёзиладики, ғазалнинг бешинчи байтида ўша манзара киноя билан тилга олинади. Масала-га ижодий ва танқидий муносабатда бўлган Жомий ҳазратлари сўз ўйинига ургу берадилар: Ширин қасрига қараб тортилган ариқда сут ҳам эмас, сув ҳам, балки ҳазин Фарҳод аҳволидан дили вайрон бўлган «тогу биёбон» ҳам йиғладики, ана ўша кўз ёшидан ҳосил бўлган сел ариққа сигмай шарқираб оқмоқда. Мана, сизга жомиёна санъаткорлик, юксак истеъодод самараси!.

Мақтаъ-хуросада матлада ўртага ташланган мавзу ўзининг якуни-интиҳосини топади. Ёр-маҳбуба ҳажру азобла-ридан зада-бекол бўлган Жомий-шехр қаҳрамони – ошиқ ўз кўз ёшининг селига гарқ бўлади. Бу ўринда иғроқ-иф-ротнинг муболагаси санъатпардозлик, шаклбозлик учун эмас, балки ошиқнинг мураккаб руҳий ҳолатини бўрттириб кўрсатишга хизмат қилган. Яъни, шеър фазилати учун асқоттан. Марҳамат, эътибор қилинг, ғазал матлаидан мақтаигача «ийғи» сатрларнинг «бошини қовуштириб» келмоқда. Аниқроғи, ғазалдан якпоралик, тадрижийликнинг бош омили сифатида хизмат қиласи. Дадил айтиш мумкин, Абдураҳмон Жомий бисотидаги 1806 ғазалнинг акса-рияти зикри ўтган фазилатлари билан дикқатни тортади. Иккинчидан, улуг мутафаккир шеърларида қўйланган ишқ кенг қамровлидир. Уларни ҳам ерга ва ҳам самога нисбатан кўллаш мумкин; яъни айни талқинларда мажозийлик ёнида ҳақиқий ишқ ҳам туради. Улардан бири иккинчиси-ни инкор эмас, балки тақозо қиласи. Муҳими, инсонни ваҳшиёна шаҳвонийлик, нафсоний тажовуз ва иллатлардан халос қилиш йўлида хизмат қиласи. Ишқ ўзининг арzon висоли билан эмас, изтиробларда тобланган, синовларга дош берган саботу сабитлиги, қаноату эзгулик йўлида ҳисса қўшиши, комилликка ундаши билан гўзалдир. Шу-

нинг учун ҳам инсониятнинг янги-янги авлоди ушбу ноёб маънавий хазинага чанқоқлик билан интилади, ундан сабоқ олиб, руҳини поклаб келади. Бундай майлни Абдураҳмон Жомийнинг бошқа бир ошиқона газалида ҳам ёрқин кўра оламиз. Юқоридаги шеърда бўлгани каби мазкур газалда ҳам ошиқ маъшуқаси ишончини қозонмоқ учун бор-будини, ҳатто, жонини ҳам нисор қилишга тайёрдир.

Ишқининг фамида жоно, доим ишим фигондир,
Дил кетди, энди жоннинг кетмоги ҳам аёндир!
Дилдан не ҳам сўрарсан, унда фаму алам кўп,
Кўз ҳолига ўзинг боқ, қон ёшлари равондир⁶.

Юқоридаги газалда бўлгани каби бу ўринда ҳам ишқу ошиқлик муаммолари шеърнинг етакчи ғоявий йўналишини ташкил этади. Таъкид эттанимиздек, Жомий ҳазратлари қаламидан сайқал топган қаҳрамон булҳавас эмас. Унинг учун ишқ қисмат. Ана шу йўлда дуч келадиган барча жабру, озору аламни у хуш қабул қиласди. Маъшуқа хурсандлиги учун ошиқ дилу жонини ҳам беришга тайёр туради. Парча кўчирилган газалда муаллиф Шарқ ҳалқлари ўртасида шуҳрат тараттан Вомику Узрога мурожаат этади. Айни жуфтликка ишора қилиш орқали Абдураҳмон Жомий ўз талқинидаги шеър қаҳрамони руҳий оламини ёрқинроқ тасвирлашга эришади. Айтилганлар нуқтаи назаридан қаралса, газал хотимаси айрича қизиш уйғотади.

Қам дарди қўйқасига Жомий, қаноат эттил,
Шодлик тиниқ шароби сенга нуқул зиёнди.

Кўринадики, ошиқ нигоҳида ишқ дарди – шароб. У шу қадар камсуқум, хоксорки, ана ўша шаробнинг ўзи эмас, ҳатто қадаҳ (шиша) тагида ажralиб қоладиган лойқа-кўйқасига ҳам қаноат қилишни ўзига шараф деб билади.

Тушди ўқинг йироқقا, жонимни этди абгор,
Тегди нишонга, аммо қалбимга айлади кор.
Кўргач юзингни лола, гул фаслида очилмай,
Шавқингда дилни тирнаб, доғини қилди ошкор.
Гулни куриб булутлар, ёд айлабон юзингни,
Хайқирди қайта-қайта, кўз ёши тўқди бисёр.
Хуршидки, жаҳонни нури қилур мунаvvар,
Чехрангни кўрди, бўлди айбига шартта икрор.

Бўлди Масеҳ янглиғ анға лабинг шифобахш,
Кимки қўзинг ғамидан бўлганди зору бемор.
Ҳолимга таъна этма, мен ҳам азиз эрдим,
Тушди бошимга ишқинг, бўлдим-да энди мен хор.
Бошдин-оёқ ғазалда васфингни ёзди Жомий,
Шул йўл билан китобин этди күёшга ҳамкор.⁷

Биз буюк мутафаккирнинг яна бир ошиқона газалини кўчирдик. Етти банд, ўн тўрт мисрадан таркиб топувчи шерьда воқеалар ошиқ тилидан «ҳикоя» қилинади. Маъшуқдан шикоят жараённида ошиқ унинг зоҳирий фазилатлари ни бир-бир ошкор қилиб боради: Майлада маҳбубанинг киприклари ва қоши ҳақида гап кетади. Бу ўринда ноанъ-анавий ўхшатиш ва ўхшатилмишлар ишга солинган. Қош (эгма, қайрилма) – камон, узун ва тик киприклар – новак, ўқ. Камондан отилган ўқ нишонга тегади ва ошиқ қалбини абгор қиласди. Ўз маъносида эса маъшуқанинг ойсизмон қоши-ю, дилкаш киприклари унинг чиройига зеболик қўшганки, бундан ёр ҳаловатини йўқоттан. Бугина эмас, бундай дилбар манзара лолани ҳам адойи тамом қилган. Унинг бағри куйиб, парча-парча доғлар пайдо булган. Лоланинг очилган косачасида қора доғларнинг борлиги ҳақиқат. Шундай ўхшатиш ва ўхшатилмиш ўртасида зиддият эмас, балки мантиқий алоқадорлик бор. Шунингдек, лутфу киноя ёрдамида маъшуқ яноқларидағи қизиллик лолага қиёсланади. Ана шундай шиддат газалнинг учинчи бандида ҳам давом этади. Маҳбубанинг юзи – гул (силиқ, қизил, оқ ва ҳ. к.), нафис, у нафақат ошиқни балки булутларни ҳам ўзига мафтун этган. Ишқ дардига гирифтор булутлар қатра-қатра ёш тўқади. Яъни, гулнинг устига ёмғир ёғдиради. Ўз маъносида эса юзда пайдо бўлган (ошиқнинг юзида) шода-шода тер томчилари (кўздан оққан ёш) булут тўккан ёмғирни эслатади. Гулчирой маҳбубанинг гўзаллиги олдида оламнинг нур манбаи – қуёш ҳам хижолат чекади. Билиб билмасликка олиш санъати воситасида ёрнинг нурли ва кулчасимон юзи күёшга қиёсланади. Маъшуқанинг хумор-хумор бокувчи қоп-қора шаҳло кўзлари анча-мунча жазманларнинг ҳаловатини ўғирлади ва улар бемор бўлиб қолишиди. Уларнинг давоси эса бигта: маҳбубанинг лаби, Масеҳ нафасидир. Ривоятта кўра, Исо пайғ-

амбарнинг нафаси ҳаёт багишловчидир. Ҳатто ўлганга ўша нафас тегса, тирилар эмиш. Бу ўринда айни фазилатлар ёрнинг лабларига кўчирилган. Ошиқ маҳбубасига ўтинч билан мурожаат этаётир: менинг афтода ҳолимга кулиб, таъна қўйма. Аслида мен шундай эмас эдим. Бошимга сенинг ишқинг савдоси тушди-ю, хору ногирон бўлиб қолдим. Хотима ҳам мазмун нуқтаи назаридан анча таъсирчан чиққан. Унинг иккинчи сатрида лутфу киноя ва фахрия қоришиқ келган: Жомий ғазалида бошдан охир маҳбубани таъриф қилгани сабабли, унинг китоблари қўёшга ҳамкор бўлиб қолди. Яъни, севишганларнинг ёстифи остидан жой олди, тумор бўлиб бўйинларига осилиб қолди. Кўринадики, ғазалнинг ибтидосидан интиҳосига қадар маҳбуба мадҳ этилади. Аммо унинг дилга озор етказувчи биргина бўлсин, ножӯя қилиқларига ишора кўзга ташланмайди. Чунки унинг гўзаллиги манбаи суроий ва сийрат мувозанатининг тенг келишидир. Ошиқ фигонига сабаб бўлган жиҳатлар эса ишқнинг синови вазифасини адо этади.

Шу ўринда ошиқона ғазалларда кўзга ташланадиган бир фазилатни эслатиш лозим кўринади. Бизнинг назаримизда «ўлдим-куйдим»лардан иборат бўлган мумтоз ғазалларда гўё маҳбубанинг фақат ташқи гўзаллиги ҳақида гап боради. Аслида ундей эмас. Инсоннинг зоҳиру ботини мутаносиб бўлмас экан, тўла маънодаги гўзаллик вужудга келмайди. Масаланинг бу жиҳати барча ижод аҳлига, жумладан, Абдураҳмон Жомийга ҳам кундай аён эди, албатта. Шундай экан, маъшуқанинг ички руҳий дунёсига дахлдор жиҳатлар-нинг нозик ишораларда бериб борилишини эътибордан қочирмаелигимиз лозим. Тиниқ майни эмас, лойқа-куйқани қўмсан, қаноатли бўлишга даъват, фикримизча, ана ўшандай тагмаъноли ишоралардан ҳисобланади. Бундай «кичик далил»лар ошиқу маъшуқага бирдай баробардир.

Нуриддин Абдураҳмон Жомий шеърияти (жумладан, «Ҳафт авранг»ида ҳам) ҳикмат мақомига кутарилган ва «тўрт кунлик» имтиҳон дунёсининг барча соҳаларини қамраб олувчи қайроқи мисра-ю байтлар бениҳоя кўп кўзга ташланади. Мана ўшалардан айримлари:

Ким хунарни деса, у доно бўлур,

Нодонлар қудрат деб бойликни билур.
Одамнинг құммати эмас симу зар,
Одамнинг қиймати билим ва ҳунар⁸.

Мана, Сизга жомиёна наңду насиҳат ва донишмандлык! Тұғри, бундай ҳикматлар мұйсафид Шарқ учун мұтлақо янги мавзу эмас. Айни гаплар Жомий ҳазратларига қадар ҳам айттылған. Бироқ XV асрда зикри ўтган ҳақиқаттинг яна бир карра таъкидланиши ва Махдуми Нурандай улуғ шахс ҳамда маънавий арбоб томонидан айттылыштинг ўзи янгилиқдир. Бундай ҳолат ўша қайроқи гапларнинг қадру құмматини анча юксакка күтәради. Айниқса, бугунғи кунда, бозор иқтисоди талаблари кенг кулоч ёйған юртимизда Жомий ҳазратларининг жарангдор овозлари ўзгача моҳият касб этади. Бевафо молу дунё учун ору но-мусини бозорға солған хонимлар, киндиқ қони томган ватанини ёмонлаб, ўзға юртлардан мардикорлик қилиб садақа топиб, босар-тусарини унугтан нафс бандалари, фирром йұллар билан пул топаёттан «янги бойлар» бу ҳақда жиддийрөк ўйлаб күрсалар, ёмон бұлмас эди. Ҳашаматли қасрлар, гижинглаган машина-ю соткаларнинг умри бокийми-кан? «От минган отасини танимас» қабилидаги ҳаралатларнинг охири вой бўлмаслигига ким кафолат беради? «Тұрт оёқлик чубин от» (Аҳмад Яссавий) етиб келгунга қадар шу ҳақда бир мушоҳада қилиб кўрсан, хато бўлмас.

Үлкани сақлашга энг кераклиги,
Адлу инсоф эрур, куфру дин эмас.
Дунё тартибини сақлагувчи шоҳ,
Динсиз бўлса ҳамки, одил бўлса бас!⁹

Эътибор қилинг, ушбу сатрлар Хуросон ва унинг сарҳадларидан олисларда ҳам нақшбандия тарикетининг муқтадоси, Султон Ҳусайн Бойқаро давлатининг шайхул-исломи ва замонасининг улуг мутафаккири сеҳрли қаламининг туҳфасидир. Мисралар муаллифи юз карра ҳақ; Ҳар қандай юртнинг гуллаб-яшнаши учун, энг аввало, адлу инсоф эрур. Мамлакатда адолат, инсофу диёнат тарафида турувчи шоҳ раҳнамолик қылса, ҳамма нарсанинг изга тушиши муқаррардир. Шоир масалани кўндаланг кўяди ва кескин ҳал қиласи: Юртда мустаҳкам тартиб ўрнатиш учун шоҳнинг диндор бўли-

ши шарт эмас. Майли, у кофир бўлсин, лекин адолат тарафида турсин! Ахир ҳаётда динни қалқон қилиб олиб, динфункцияни қилаётганлар камми? Бугун қатор хунрезликларнинг бошида туриб, ҳатто норасида гўдакларни ваҳшийларча ўлдираётганлар ҳам дин номидан гапирмоқдаларку! Жомиёна адолат нуқтаи назаридан масалага баҳо берилса, бу муртадларнинг ҳалқпарвар ва инсонпарвар Исломга нима алоқаси бор? Оддийгина қилиб бундай қонхур ва хиёнаткор бадбаҳтларни муқаддас динимизнинг обрўсига путур етказишга уринувчи дўзахийлар дейиш мумкин, холос. Улуг мугафаккир яна бу юрадилар:

Бирдек қил доимо ичу тошингни,
Тўғри бўл, қингирлик еяр бошингни¹⁰.

Барча тариқатлар, алалхусус, нақшбандиянинг қатъий талаби – инсондаги тил ва дил билдиғидир. Шу ҳикматта амал қилинмас экан, ундай кимсалар мунофиқлар ҳисобланади. Куръони мажидда қаттиқ нафратта дучор бўлганлар ҳам айни ана ўша мунофиқлардир. Кўринадики, Жомий ҳазратларининг асарларида олға суриладиган нодир инфонпарварлик фояларининг манбай вазифасини илоҳий китоб адо этади.

Агарда уйидан чиқариб берса,
Бору йўқ яримта нонини гадо,
Ярим ҳазинасин берган подшодан
Сахийлик бобида шу гадо аъло!¹¹

Кўчирганимиз мисралар ортиқча шарху изоҳларга муҳтожлик сезмайди. Масалага ойдинлик киригмоқ учун иккى шайх ўртасида кечган суҳбатни келтириш панд бермайди. Боғдодлик бир шайх нишопурлик сўфийдан сўрабди:

- Сизлар нима қиласизлар?
- Топсак еймиз, топмасак қаноат қиласиз.

Боғдодлик шайх айтибди:

- Сиз бизнинг Бағдод итларига ўхшар экансиз, улар ҳам топсалар ейдилар, топмасалар қаноат қиласидилар.

Нишопурлик шайх савол берибди:

— Сизлар нима қиласиз?

Боғдодлик шайх айтибди:

— Топсак берамиз, топмасак қаноат қиласиз!

Жомий ҳазратлари талқинидаги Гадо тутган йул Бағдод шайхлари тамойилига мос келади. Ахир у «боридан эмас, борини бераётир». Шунинг учун ҳам уни ҳақақий сахий дейиш мумкин.

Хуллас, Абдураҳмон Жомий шеърий бисотида бизга замондош бундай ғоялар яна кўплаб учрайди. Уларни завқ билан мутолаа қилиш руҳиятимизни поклайди, маънавий дунёмизни бойитади, бизни комиллик сари бошлайди. Шу улуг саодат ҳаммамизга насиб этсин!

Фойдаланилган адабиётлар:

1. «Сино» журнали. 2002 йил. 7-сон. 17-бет.
2. Қаранг: А. Қаюмов. Зуллisonайн Жомий. //Сино. 2002 йил (куз). 7-сон. 16-17-бетлар.
3. «Сино» журнали. 2002 йил. 7-сон. 16-17-бетлар.
4. Ўша асар. 70-бет.
5. Абдураҳмон Жомий. Мақсади дил. (F. Фулом бошлиқ ижодий гуруҳ таржимаси).
6. Абдураҳмон Жомий. Мақсади дил. (F. Фулом бошлиқ ижодий гуруҳ таржимаси). 18-бет.
7. Мақсади дил. 30-бет.
8. Мақсади дил. 187-бет.
9. Мақсади дил. 194-бет.
10. Ўша китоб. 200-бет.
11. Ўша китоб. 195-бет.

Эргаш ОЧИЛОВ

ЖОМИЙ – НАВОЙ ИДЕАЛИДАГИ КОМИЛ ИНСОН

Алишер Навоий комил инсон ҳақидаги қарашларини ўрганиш учун даставвал унинг нуқтаи назари, идеалидаги комил инсонлар кимлар бўлганлигини аниқлаб олиш керак. Албатта, барча шарқ шоирлари каби Навоий учун ҳам комиллар комили бу – Муҳаммад алайҳиссалом. Пайғамбарлар сарвари юксалган комиллик чўққисига оддий инсонлар тугул, авлиёлар ҳам, ҳатто бошқа пайғамбарлар ҳам етолмайдилар. Қолғанларнинг камолот даражаси унга нисбатан олинади. Яъни, бошқа барча пайғамбарлар Муҳаммад алайҳисса-ломга, авлиёлар пайғамбарларга, орифлар авлиёларга, илму ахлоқда етук инсонлар орифларга нисбатан комилдирлар.

Ўзбек адабиётида Муҳаммад алайҳиссалом хусусида Алишер Навоий каби «куб ва хўб» ёзган шоир бўлмаса керак. «Хазойин ул-маоний» таркибига кирган барча девонларда, «Хамса»нинг ҳар бешала достони муқаддимасида, «Лисон ут-тайр»да Пайғамбар наъти катта ўрин эгаллади. Бундан ташқари, «Девони Фоний»да, «Тарихи анбиё ва ҳукамо», «Муножот», «Сирож ул-муслимин», «Назм ул-жавоҳир» ва бошқа асарларида ҳам сарвари коинот васфиға дуч келамиз.

Навоий учун Муҳаммад алайҳиссалом мақоми – инсон зотининг қули етмас юксаклик. Лекин камолотнинг Ҳақдан жазба бўлса, инсон саъй-ҳаракати билан эришса бўладиган мартабалари ҳам мавжуд. Бу – валийлар ва ориф инсонлар мақоми. Шундай рутбага эришган кишиларни шоир комил инсонлар сифатида ўз асарларида алоҳида ҳурмат ва эҳтиром билан тасвирлайди ва Худодан ўзини ҳам ўша буюк зотларга насиб бўлган пояга кўтаришини сўрайди.

Маълумки, Навоийнинг ўзи ҳам нақшбандия тариқатига кирган, Жомийга мурид тушган эди. Нақшбандия

тасаввуфни Мұхаммад суннатига мувофиқлаштирган таріқат бұлиб, у таркидунёчиликни, ислом асосларидан ҳар қандай чекинишиңи рад этади. Шунга қарамай, Алишер Навоий тасаввуфда факат хос кишилар юксак мақомта әришишлари, хилват ва узлатнинг сўфий ҳаётидаги аҳамијати, Ҳақ муқаррабларига нисбатан түгма мұхаббати жи-ҳатидан бұлса керак, Робиа Адвия, Иброҳим Адҳам, Боязид Бистомий каби таркидунёчи сўфийларни ҳам, Абу-саид Абулхайр, Низомий Ганжавий сингари ўзини Мұхаммад алайҳиссалом суннатига зид бұлған қийноқ ва маҳрумиятларга солған шайхларни ҳам алоҳида ҳурмат ва эҳтиром билан тасвирлайди. Аммо Навоийнинг ҳаётида нақшбандия тариқатининг уч буюк сиймоси – Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор Валий ва Абдураҳмон Жомийлар катта ўрин туттан. Шоир уларни бир умр ҳассос мұхаббат билан севди, бу нажиб инсонларга юксак эътиқодини деярли ҳар бир асарида у ёки бу даражада таъкидлаб ўтди, маҳсус боб ва фаслларда таъриф-тавсиф этди. Навоий идеалидаги комил инсонлар биринчи навбатда худди шу уч буюк авлиё әди. Шоир ақыласига құра ҳақиқий етуқ инсон худди шулар сингари бўлиши, камолотга интилган киши улардан ўрнак олиши, уларга ўхшашга ҳараткат қилиши керак. Зоро, ҳам халқ, ҳам Ҳақ ризосига сазовор бұлған бу құдсий зотлар XV аср учун комиллик тимсоли әдилар. Улар Йўлчи юлдуз каби одамларга камолот йўлини кўрсатиб турадилар. Биз бу ерда Навоий идеалидаги ана шу комил инсонлардан бири – Абдураҳмон Жомий хусусида фикр юритамиз.

Абдураҳмон Жомий Навоий учун тариқатда – пир, адабиётда – устоз, ҳаётда – дўст мақомидаги улуғ инсон әди¹. «Хамса»нинг барча достонларида у ўз устозига маҳсус боб бағишлайди. «Насойим ул-муҳаббат» ва «Мажолис ун-нағоис» асарларида алоҳида ўрин ажратади. Бундан ташқари, ўзининг туркий ва форсий ғазалларида, «Тұхфат ул-афкор» қасидаси, «Арбаъин»да ҳам Жомий ҳақида фикр-мулоҳазалар билдиради, уни таъриф-тавсиф этади. «Хамсат ул-мугаҳайирин» асарини эса бевосигта «Абдураҳмон Жомийнинг баркамол Инсон, буюк Ижодкор, чин Дўст ва меҳрибон Устоз сифатидаги»² хислат-фазилатлари тас-

вирига багишила-ган. Жомий ҳаётдан кўз юмгандада унга атаб оташин марсия ёзади.

Бу икки буюк санъаткор ижодий режаларини ўзаро маслаҳатлашганлар, ёзган ҳар бир асарларини бир-бирларининг назаридан ўтказиб турганлар. Бу ижодий ҳамкорлик икки томонлама бўлган, яъни шогирд сифатида фақат Навоий маслаҳат сўраб, Жомий йўл-йўриқ курсатибгина қолмай, ўз навбатида, Навоий ҳам устозига қимматли маслаҳатлар берган ва Жомий уларни инобатга олган. «Жомий Навоийнинг илтимоси бўйича ёинки унга багишилаб йиғирма етгита тожикча китоб ва рисолалар ёзди. Муаллиф бу ҳолни ўша асарларнинг муқаддимасида эслатиб ўтади»³, – деб маълумот беради бу ҳакда Садриддин Айний. Жомийнинг ёзган ҳар бир нарсасини ўзининг назаридан ўтказишини Навоий ҳам «Ҳайрат ул-аброр» достонида таъкидлайди:

Номағаким, роқим этиб хомасин,
Кўрмади мен кўрмайин эл номасин⁴.

«Насойим ул-муҳаббат»да Навоий Жомийнинг расман нақшбандия шайхи Саъдиддин Қошгарийнинг муриди бўлса-да, аслида увайсий эканлиги – Хожа Баҳоуддин Нақшбанд руҳониятидан тарбия топганлиги, замонаси-нинг Хожа Абу Наср Порсо, Мавлоно Муҳаммад Табод-гоний, Шайх Баҳоуддин Умар, Хожа Муҳаммад Қусавий, Мавлонов Боязид Пуроний сингари донгдор машойиҳла-ри назарига етиб, улардан баҳраманд бўлганлиги тўғриси-да ёзади (17-480-481).

«Ҳайрат ул-аброр» достонида шоир «васфи васфга сиф-мас ва таърифи таърифга рост келмас» (7-51) ўз устозини тариқат кутби, ҳақиқат сирларини кашф этган зот, деб улуғ-лайди, қўксини – ҳақиқатлар дурининг садафи, қалбини – маънолар жилва курсатадиган кўзгуга ўхшатади. Бу тушунчаларнинг барчаси сўфиёна мазмундаги истилоҳ ва таърифлар бўлиб, улар тасаввуфда ҳақиқат босқичини босиб ўтиб, Оллоҳ ривозасига эришган қудсий зотларга нисбатан қўлланади. Демак, Навоий наздида Жомий тасаввуфда олий мақомга эришган, ўзининг малакий хулқи ва сифатлари билан нафа-қат халқ, балки Ҳақ муҳаббатини ҳам қозонган зот:

Улки бу кун қутби тариқатдур ул,
Кошифи асрори ҳақиқатдур ул.
Күкси ҳақойиқ дури ганжинаси,
Күнгли маоний юзи ойинаси.
Мадрасаси құдс анинг маскани,
Хонақаҳи унс анинг маъмани (7-52).

Бу ерда мадрасаси құдсдан мақсад – Жомийнинг Ҳақ муқарраблари сафидан жой олғаны бұлса, хоқаҳи унс – унинг Оллоҳ йўлидаги дунё ва жисмдан фард бұлганига ишора.

«Ҳайрат ул-аброр»даги Жомий кулбаси таърифи билан «Фарҳод ва Ширин»даги Суқрот ўтирган фор тавсифи, Жомийнинг тасаввуфдаги мақоми билан Суқротнинг камолотдаги мартабаси ўртасида баъзи бир ўзаро муштаракликлар мавжуд. Жомий каби Суқротнинг ҳам қалби олами кубро (Маълумки, икки дунё сир-асорини англаб етган ориф күнгли тасаввуфда олами кубро – катта олам, унинг қошида бу дунё олами сұғро – кичик олам, деб аталған):

Жаҳонни қўйки, олий шон вужуди,
Жаҳонда олами кубро намуди.
Келиб кўнгли анингдек баҳри зоҳир,
Ки анда зоҳир аввал то ба охир (8-175).

Шу ўринда, Суқрот сиймосида Навоий ўзининг нири ва устози, нақшбандия тариқатининг муршиди комили Абдураҳмон Жомийни тасвирланмаганмикан, деган бир фаразни айтиб ўтмоқчимиз. Бу билан шоир балки Жомийнинг ҳам Суқрот даражасига етганига ишора қилгандир.

«Фарҳод ва Ширин»да Жомийни «фано тимсоли» деб атайди ва комил инсонга хос қўйидаги сифатлар билан таъриф-тавсиф этади:

Фано мулкида жисми уйла фоний
Ки, фаҳм айлаб саводи аъзам они.
Ўзин худ бир жаҳони бегарон бил,
Камолотин ўзидек бир жаҳон бил.
Жаҳон йўқ, олами кубро де они,
Жаҳонда мақсади ақсо де они (8-31-32).

Тасаввуфда дунё севгиси, нафс ҳоҳишлари, жисм та-лаблари – ҳаммаси ўзлик деган битта сўзда мужассам бўлиб, ўзликдан кечиши, ўзликдан қутулиш дегани одамни олам билан боғлаб турган мазкур барча занжирларнинг узилиб, унинг илоҳий олам сари парвозининг бошланишидир. Бу сўфиёна тушунчада фано деб аталиб, дунёвий иштиёқ-интилишларнинг тубан зиндонидан руҳоний-илоҳий муҳаббатнинг олий осмонига юксаклган комил инсонлар мақоми ҳисобланади. Чунончи, келтирилган мисолда Жомийнинг олам ичида яшаб туриб оламдан мосуво эканлиги, ўзликни йўқотиш натижасида фано мамлакатида борлиги йўқликка баробар бўлганлиги хусусида сўз боради.

Боб хотимасида эса Навоий ўзининг – мурид, Жомийнинг – шир эканлигига ишора қиласи ва «риндлар сархайли Жомий» қўлидан муҳаббат майини ичишга орзумандлик айлади:

Навоийким, муриду бандасидур,
Иродат йўлида афгандасидур.
Кетургил, соқий, ул жоми киромий
Ки, тутсун риндлар сархайли Жомий (8-34).

Жомийнинг ўзига қиблаю устоду шир эканлигини шоир «Арбаъин»да ҳам таъкидлайди (16-21).

«Лайли ва Мажнун» достонида Жомийни «валийлик осмонининг жаҳонга нур таратувчи юлдузи», «ҳидоят маъданининг гавҳари сероби», «маънолар жомининг тоза май ичувчи ринди» сифатлари билан тилга олади, унинг оёғи теккан ер, у қатнашган давра» давр аҳли учун ҳалқаи саодат», дейди:

Кальби ери даврои иродат,
Давр аҳлиға ҳалқаи саодат (9-35).

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Навоийнинг бу таърифлари бир-бирини такрорламайди, аксинча, бири иккинчисини давом эттиради ва тўлдиради. Чунки у ҳар гал ўз устозининг янги сифатларини топиб мадҳ этади ва бунда ташбеҳлар, образли ибораларнинг ҳам охорли бўлишига алоҳида аҳамият беради. Албатта, Навоий Жомий-

нинг шоирлик маҳоратиу асарларининг бадииятига ҳам кенг тұхталған. Лекин бу ерда биз Жомийнинг Навоий томонидан тасвиrlанған комиллик сифатлариу тасаввуфдаги мақомига оид фикрлари хусусидагина сүз юритамиз. «У зүр камолот соҳиба бўлиб етишгани ҳолда, ҳеч қандай олий мартаба ва юксак даражага интилмасдан, ўта камтаринлик билан ғоят содда, оддий ҳаёт кечирди. Уни ўша давр ҳукмдор-ларининг бирортаси ҳам сарой доирасига торта олмади. Бу улуғ зотнинг йўлидаги асосий ғоя поклик, покизалик ва инсонпарварларлик эди».⁵

Жомий Навоий учун ҳам, замондошлари учун ҳам комилликнинг тирик тимсоли эди. Шу боис унинг ўзи халқдан узилган, саройга яқынлашмаганлыгига қарамай, халқ ҳам, ҳукмдорлар ҳам Жомийнинг зиёратини канда қилмаганлар. Шоҳлар ҳам, гадолар ҳам унинг останаси тупроғини кўзларига тўтиё қиласар эдилар. Ўз навбатида, Жомийнинг эшлиги ҳам одамлар учун ҳамиша очиқ бўлган:

Файзи гадову шаҳ аро мунташир,
Хизматига шоҳу гадо муфтахир (7-53).

«Сабъай сайёр» достонида Жомийнинг фақат шоирлик билан чекланиб, адабиёт илми билан кифояланиб қолмай, бошқа фанларни ҳам чукур ўзлаштиргани, жумладан, фалсафа (ҳикмат) ва ҳисоб илми (риёзий)да қилини қирқ ёрадиган даражада моҳирлиги, араб тилини мукаммал билиши, илми тафсир ва илми ҳадисда том маҳорат касб этгани хусусида ёзади.

Фано – тариқатнинг интиҳоси, ҳақиқатнинг эса – ибтидоси, дейди сўфийлар. Фақр – Оллоҳдан бошқа нарсага эҳтиёж сезмаслик. Сўфиёни адабиётда бу икки сүз кўпинча «фақру фано» тарзида ягона ибора сифатида қўлланиб, нафсониятни маҳв этиб, руҳониятни олий пояга етказган бутун фикру зикрини ёлғиз Оллоҳга қаратиб, унинг йўлида фоний бўлган зотларга нисбатан ишлатилади. Навоий Жомийнинг ҳам худди шундай фано бўлиб, бақо топганини таъкидлайди:

Фақр ичинда имоми олам ул,
Қайси олам, имоми Аъзам ул.

Илму факру фано бўлуб анга асл.
Онча айлаб фанода нафий вужуд
Ки, бўлуб мужиби бақоу шухуд.
Ўз вужудин шухуд аро ёлибон,
Ҳақ вужуди аро бақо топибон.
Уйла Ҳақ зоти ичра мустағрақ
Ки, асар қолмайин анга жуз Ҳақ (10-42).

«Тұхфат ул-афкор» қасидаси Жомий Мұҳаммад алай-хиссалом шариатининг ҳомийси, құлида кавсар шаробидан лиммо-лим шариат жомини туттан комил мүмии, бе-ҳадду бепоён илми билан Пайғамбарга ворислик мақомидаги донишманд олим, Расулуллоҳ қавлига кўра бу борада ҳатто пайғамбарга баробар табаррук зот (Бу ерда Мұҳаммад алайхиссаломнинг «Одимлар – пайғамбарларга ворис», деган ҳадиси назарда тутилади), деб васф этилади:

Ҳомии шаръи Наби Жомий, ки жоми шаръро
Дошта бар каф лаболаб аз шароби кавсар аст.
Он, ки аз илми фузун аз ҳад Набиро ворис аст,
Балки аз қавли Наби пайғамбаронпро ҳамбар аст⁶.

Жомий вафотига бағишлиб ёзган марсиясида Навоий у жаҳон покларининг шири эди, Оллоҳ уни бу дунёга пок келтириб, пок ҳолда олиб кетди, деб ёзади:

Сари покони жаҳон буди, аз он Эзиди пок
Пок оварду дигар бурд ҳамон пок туро (15-83).

Шу ўринда, мазкур «марсия»да шоир ўз устозининг мавжуд сифатларини бирма-бир санаб, бу улуғ зотга бўлган пок эътиқоди, жўшқин муҳаббати, барча фикрлари ва ўйларини акс эттиргани, у энг яқин кишисидан ажralган қалбнинг оташин ноласи эканлигини тарькидлаб ўтмоқчимиз.

«Хамсат ул-мугаҳайирин» мутолаасидан маълум бўладики, Жомий ва Навоий бир-бири билан жуда кўп томонлама боғланган. Улар орасидаги муносабатлар пиру муридлик, отаю ўғиллик, устозу шогирдлик, дўсту биродарлик. дараражаларидан ўтиб, бу икки зот бир-бирини илоҳий тажаллини ўзида акс эттирган мазҳар, маънавий етуклик тим

соли бўлган комил инсон сифатида севганлар ва бир-бирларига интилганлар, бир кун кўришмасалар, соғиниб қолганлар. «Эрон адабиётшунос олими, профессор Али Асгар Ҳикмат бу дўстликнинг юксак муҳаббат даражасига кўтарилиганини тўғри қайд қўлган эди». Мазкур асарда келтирилган ҳассос муҳаббат билан суғорилган рубоийлар бу икки нажиб инсоннинг буюк севги достонидан ҳикоя қилали. Бу рубоийлар асл матнидан ажратиб олинса, уларнинг ёзилиш тарихи ва манбасидан бехабар ўқувчи уларни ошиқ шоирнинг маъшуқасига бағишлаб ёзган шеъри ёки ҳатто илоҳий ишқ мавзуидаги асар, деб ҳам тасаввур қилиши мумкин. Аслида ҳам шундай: уларнинг бир-бирига муҳаббати илоҳий ишқнинг мажозий кўриниши эди. Чунончи, Навоий ёзади:

Эй бод, дилам бишуд дигар жониби ёр,
Жон ҳам бибару ба пои ў соз нисор.
В-он гаҳ қадре зи хоки пояш бардор,
Баҳри эвази жони мани дилшуда ор (15-41).

Мазмуни: Эй сабо, дилим ёр томонига равона бўлди. Жонимни ҳам олиб бор-у, унинг оёғи остига нисор айла. Мен каби ошиқнинг жони эвазига ёр остонасининг тупроғидан озгина олиб кел.

Жомийнинг жавоби:

Эй бод, чу омади зи сарманзили ёр,
Омад ба дилам з-омаданат сабру қарор.
Н-омад ба қарор аз ин қадар жон зинҳор,
Ўро бибару ба он, ки дони бисупор (15-41).

Мазмуни: Эй сабо, сен ёр манзилидан келдинг-у, сенинг келишининг билан кўнглимга сабру қарор ҳам келди (яъни, кўнглим таскин топди). Лекин жоним таскин топмади, бас, уни олиб бор-у, ўзинг биладиган кишининг қўлига топшири.

Шундай қилиб, Навоийнинг кўриб ўтганимиз фикрлари Жомий ўз даврининг ҳар жиҳатдан етук фарзанди, шунинг баробарида ҳамма даврлар учун комил бир инсон эканлигидан далолат беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Албатта, Жомий ва Навоийнинг дўсту ҳамкорлиги хусусида кўп ёзилган. Лекин бизни Жомийнинг фақат комил инсон сифатидаги хусусиятлари қизиқтирганлиги (бу ҳақда илгари очиқ-ойдин гапириш имкони йўқ эди) сабабидан бу ерда мазкур тадқиқотлар тўғрисида тўхтабиб ўтирамаймиз. –Э. О.
2. Абдугафуров А. Жомий хотирасига мангу ҳайкал. Қаранг: Абдураҳмон Жомий (тўплам). –Т. , 1989. 72-бет.
3. Садриддин Айний. Танланган илмий асарлар. –Т. , 1978. 104-бет.
4. Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. Йипирма жилдлик. 7-жилд. –Т. , 1991. 53-бет. Мазкур йипирма жилдликнинг 17 жилди «Фан» нашриёти томонидан 1987-2001 йиллар мобайнида нашр этилди. Бундан кейин Навоийнинг Муқаммал асарлар тўпламига мурожаат қилганда жилди ва саҳифасини қавс ичидаги кўрсатиш билан кифояланамиз. – Э. О.
5. Шамсиев П. Улуг дўстлик лавҳаларидан (Кириш сўз). Қаранг: Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоий. –Т. , 1966. 6-бет.
6. Алишер Навоий. Асарлар. Ўн беш жилдлик. 5-жилд. (Иккичи китоб). –Т. , 1965. 360-бет.
7. Комилов Н. Тасаввуб. –Т. , 1996. 54-бет.

Шавкат ҲАЙИТОВ

БАРКАМОЛ ИНСОН: МУТОЙИБА МАДАНИЯТИ

Ўз асарларида буюк шоир ва олим Нуриддин Абдураҳмон Жомийни зоҳирий ва ботиний илмлар соҳа-сида олам ягонаси, инсон жинсининг энг покизаси ва афзали, — дея васф этган Алишер Навоий Муршиди комил табиатидаги ҳазил-мутойибага мойиллик; гина-кудурат, қасд-ғазабдан мутглақо покликка бир неча ҳаётий лавҳалар, бадиий далиллар келтиради: «Фаноийя» боғчасин ясадраким, ул Ҳазрат ҳавлиларининг ичинда ер иноят қилиб бериб эдиларким, фақир ўзига муҳтасар манзил ясабмен».¹ Ҳазрат Жомий ўз ҳовлилари ичидан Навоийга ер тортиқ қиласидар. Алишер Навоий ҳовлининг ўзларига инъом қилинган қисмига гул ва дараҳтлар экипни замонасининг этгичил ва иш билармон, аммо табиатан ўжар ва бир оз кўрсроқ боғбони Дарвеш Ҳожи Ирқ-баданга топширади. Мавлоно Жомий ижодий ишдан бўшаган пайтларида дам олиш, муборак зеҳнларини чархлаш мақсадида боғбоннинг ишини кузатадилар, унга айрим ниҳолларни ўтқазиш учун жой кўрсатадилар. Табиатан ўжар Дарвеш Ҳожи алломанинг илтифотларига жавобан саркашлиқ қиласиди. У кишининг маслаҳатларидан бўйин товлаб, Мавлоно Жомий билан баҳслашув-тортишувларгача бориб етади. Унинг бундай хатти-ҳаракати, бетга чопарлиги шайхи муршидига хуш келиб, Мавлоно Жомий мулоимлик ва хушсуханлик ила боғбон билан баҳсда давом этадилар: «Бир кун йиғочқа алар ер таъйин қилибтурлар. Девона боғбон инод юзидин дебтурким: «Мунда экмасмен». Алар инбисот била дебтуларким: «Невчун экмассен?». Ул дебтурким: «Ражадин ташқаридур, тонгла черик келса, Мир Шайхим (Алишер Навоийнинг «ёри азизи» истеъоддли шоир Шайхим Суҳайлий) боғбонликда воқиф кишидур, кўриб эътиroz қилгусидур». Алар дебтуларким: «Боғча Шайхимнинг эмас, Алишернингдур, ул эътиroz қилмагусидур».

Черик шаҳрга келгандин сўнгра Дарвеш Ҳожининг тундлиқларидин асҳоб нақллар қилурлар эрди. Ул ҳазрат даги завқу нишот юзидин ул йиғочни кўргузуб, ўтган ҳикоятниким, алар била Дарвеш Ҳожи орасида воқеъ бўлғондор, нақл қилур эрдилар» (16-17).

Нуриддин Абдураҳмон Жомий ҳаётидан келтирилган ушбу лавҳада дарвеш сийрати – комил инсон ахлоқига хос муҳим бир хусусият – ҳилмнинг разабдан ғолиб келиши – мукаммал аксини топган.

Мавлоно Жомий мамлакат ҳукмдоридан тортиб юқсак мартабали амирлар, олийшон вазирлар эътиборида турган улуғ инсон эди. Шундай юқсак шуҳрат эгасининг бевосита ўзига тегишли мулк ичидаги оддий боғбоннинг ўжар ва қўрс муомаласига, илтифотсизлигига жавобан одоб идорасида, бегараз назокат билан баҳсга киришишида чексиз улуғворлик, шафқат, юмшоқтабиатлилик, хокисорлик, дарёдиллик каби маънавий гўзалликлар мужассамланган. Бугун ўртачароқ лавозим ва эътибордаги «муҳтарам бир зот» қўйпол муомала нарида турсин, ҳар куни эҳтиром кўриб юрган кишиларидан бир марта бир сабаб орага тушиб, ҳурмат қуллук ўзи куттанидай бўлмаса, унга бу «илтифотсизлик» қандай таъсир қиласиди?! Гёёки, «обруйи» зил кетгандай бўладими?! Аламига чидай олмай ичи ёнмайдими?! Аччиғи устига аччиқ, кек устига кек қўшилмайдими?! Шундай аянч мағрурлик, соҳта манманлик иллатига учраган «шариф зот»ларга Нуриддин Абдураҳмон Жомий ҳаётидан олинган лавҳалар ибратдир.

Алишер Навоий наздида дунёда жоҳиллиқдан бадбаҳтроқ иллат йўқ. Шунинг учун ҳам бир умр инсон камолоти учун қайғурган улуғ мутафаккирнинг насрый асарларида айни ахлоқий-маънавий иллат талқинига қайта-қайта мурожаат қиласиди ва ҳар сафар ахлоқий мавзунинг салафлар эътиборидан четда қолган янги-янги қирралари қаламга олинади: «Саодатманд агар олим бўлса, нодонлар сўзи анга мумжиби ибрат ва эътибор; бесаодат жоҳил бўлса, олим сўзидан анга ор. Ва филҳақиқат, жоҳиллиқдин бесаодатлироқ не нима бор?!». ²

Ҳазрат Навоий талқинларидан аён бўлишича, инсон разиллиги ва тубанлигининг намоён бўлиш аломатлари, турлари ва хиллари бениҳоя кўпдир. Кўнгил очиш, қизиқчи-

лик учун қилинган ҳазил агар биронинг инсоний қадри ва нафсониятига тегса, бундай ҳазилкаш қабиқ ва пастdir. Бу каби кишини жиркантирадиган «кўнгил очиш»дан яхшилар ор қиладилар. Табиатида номус, уят туйгуси бўлмаган разиллар учун эса бу обрў ва фахрdir: «Разли данийким, ҳазл қилиғи бўлгай, кулдурмак учун тобоннинг қичиги бўлгай. Ракик ҳазл иштиғоликим бўлгай биронинг вужуди инфиоли, ёмонларга шиордур ва яхшиларга андин ордур» (104). Биронларни камситиш, шахсиятига тегиш орқали ўзгаларни кулдириш аслида нафси баднинг тақозоси бўлиб, бундай ҳазилкашни макру ҳийла тузоқларини кўйиб жазман овловчи, шаҳвоний ҳирсга берилган, кўрганларини уятсизларча кўрсатиб берадиган фоҳиша аёлга қиёслаш мумкин: «Фасақа хайлида муқаллидеки, гарази эл кулгусидур, гёё фоҳишаи қаҳбанинг кўрганни кўргузган кўзгусидур» (104). Нега Алишер Навоий сўзларида танқид руҳи беҳад баланд?! Фикрлар ўта кескин ифода этилган?! Ташбиҳ учун танланган далил кишилик жамиятининг азалий маънавий оғриқларидан бири – аччиқ ҳаёт ҳақиқати билан йўғрилган?! Зоро, улуғ мугафаккирнинг «нозик мижози» талабига кўра жамият аъзолари томонидан амалга ошириладиган ҳар қандай иш, ҳар қандай хатти-ҳаракат эл кўнглига оғир ботмаслиги кепрак. Олий хилқат – инсон нуфузини ерга урмаслиги, орномус пардасини чок этмаслиги лозим.

Ҳазил гайрлик ва адватдан, киноя ва пичингдан холи бўлмоғи даркор! У одоб ва ҳурмат қоидасига мувофиқ, тавозеъ билан боғланган ҳаётнинг ички вазнига мутаносиб бўлиши зарур. Ва ўз ҳадди аълосида, меъёрида ва ўз фурсатида бўлса яхши: «Ҳазлга шуруъдин бехурматлиғ ортар ва ҳазлнинг ниҳояти жидолга тортар. Кўп лаҳв ҳаё пардасин чок этар ва ҳурмат аҳлин бебок. Қила олғонча таъзим ва одоб биносин йиқма ва ҳаё ва ҳурмат хилватидин ташқари чиқма» (109).

Аслида ҳазил инсон руҳиятини кўтарувчи, кўнгилдаги чигилларни ечиб, гапликларни тарқатувчи, қалбга севинч, кувонч баҳш этувчи ахлоқий-маънавий гўзалликлар. Ҳазилки, киши табиати ундан озор чекмаса, бирон ундей ўнгайсиз ва ноқулай ҳолга тушмаса; кўнгилларга тоза руҳ, шодлик олиб кирса, бундай ҳазил зарифлик, унинг соҳиби эса

гўзал ахлоқли, мукаррам зотдир: «Мутоябаки, боиси инбисот бўлғай, хуштурки, мубиби фараҳ ва нишот бўлғай. Адосида ракик гуфтор йўқ, бирорга андин хижолат ва озор йўқ. Ул зарофат ва ибоҳатдур. » (104). Алишер Навоий талқинида Нуриддин Абдураҳмон Жомий ана шундай юксак инсоний ҳисга эга бўлган, ақдан теран, зебо хулқ соҳибидир.

Мавлоно Жомий ҳаж ибодатини адо қилиб, Макка-туллоҳдан Ҳиротта келганиларида Ҳусайн Бойқаро Балҳда ҳарбий сафарда эди. Шоҳ Балҳ юришидан пойтахтта қайтар экан, мамлакатнинг барча эътиборли кишилари юрт ҳукмдорини кутиб олиш учун йўлга чиқадилар. «Истиқбол расми била» шоҳга Мурғоб вилоятига қадар ҳамроҳ бўлган Абдураҳмон Жомий подшоҳ билан мулоқотдан сўнг Ҳазрат Алишер Навоийнинг уйларига ташриф буоради ва тунни шу ерда ўтказишга қарор беради. Ҳикоятнинг давомини «Хамсат ул-мутаҳайирин»дан ўқиймиз: «Кеча алар истироҳат қилур учун бир янги такаллуфлиқ оқ уй бор эрди, ани тиктурулди, то ул Ҳазрат анда осойишга машғул бўлдилар» (20). Аммо ўша тунда тасодифан кучли ва қаттиқ шамол эсиб қароргоҳдаги матодан курилган кўплаб кўчма уйларни вайрон қиласи ва халқ қалбига ғалати ҳаяжон ва қўркув солади. Шиддатли ва асов довул оғатидан Мавлоно Жомий истироҳат қилишга «машғул бўлган» ҳашамли, чиройли ўтов ҳам омон қолмайди. Саркаш ел ҳафсала билан тайёрланган «такаллуфлиқ оқ уй»ни ҳам йиқитиб, парчалайди. Эл табиий оғат жароҳатига малҳам излаётган ғалвали, қий-чувли, шовқинли ва ҳаяжонли бир вазиятда Ҳазрат Жомий билан у кишининг хизматидаги дўстлар орасида шундай сұхбат кечади:

«Алар хизматидаги асҳоб дегандурларким:

– Ҳайф бу уйдинки, яхши уй эрди, ажаб пора-нора бўлди. Муни тиккан фаррошлар (хизматчилар, қуувчилик) оё не дегайлар?

Алар дебтуларким:

– Не дегайлар, айтғайларким, кошки бу шум қадамилик муллолар бизнинг уйга келмасалалар эрди» (20).

Қанчалик мулойимлик, камтаринлик, шикаста нафсллик, беозорлик, зарифлик ва улуғворлик бор шу бир жумладан таркиб топган ҳазил-мутойибада!

Яна бир далил. Хурросон мулкининг шоҳи Ҳусайн Бой-

қаро дўсти Алишер Навоий уйида экан, дастурхонга тортилган таомлар ва ноз-неъматлардан Ҳазрати Жомийга насиба бериб узатмоқ таклифини ўртага солади. Анвои мева, озиқ-овқатлардан ташқари яна бир семиз қўйнинг бир думбаси ўралган тугунчани Жомий Ҳазратларига элтиш учун Хожа Деҳдор (исми Қиёсiddин Муҳаммад, Навоийнинг мулоzимларидан) муносиб номзод сифатида танланади. Жомий Ҳазратлари табаррук дастурхондан нишона сифатида юборилган таомлардан тотинган бўладилар. Лаззатли таомларнинг ҳиди димогини қитиклаган Хожа Деҳдор дастурхондаги қўйнинг думбасидан тайёрланган овқатни ҳаддан ортиқ муболагалар билан бўрттириб таърифлашга тушади. Унинг кўнгли овқатни тусаб тургани, таомга майли баландлигини сезган Ҳазрати Жомий: «Демиш бўлғайларким: Ўлтур ва машғул бўл» (23). Шундай ишорани ич-ичидан кутиб турган Хожи ўзи кўтариб келган таомни иштиёқ ва ҳирс билан ейишига киришади: «Хожа андоқ нешакорлар ул таомни емоқда кўргизмиш бўлғайким, аларга бу рубоийни айтурга боис бўлмиш бўлғай».

Рубоий:

Эй Хожа, маро зи лутф парварди,
З-овардани пушти дунба фарбеҳ карди,
Биншости-ю дунбаро ба рағбат хўрди.
Бурди ба шикам он чи ба пушт оварди» (23).

Рубоийнинг мазмуни:

Эй Хожа, бизни лутфингга сазовор қилдинг,
Орқа думба келтириб, бизни севинтирдинг.
Ўтириб олиб, иштаҳа билан думбани единг,
Орқангда келтирган нарсангни қорнингда олиб кетдинг
(188).

Зариф мутофиба, ички самимият, бегараз танқид билан йўғрилган жумлалар ҳикоят мазмуни билан бирлашиб кўнгилларга сурур бўғишлайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Алишер Навоий. Ҳамсат ул-мутахайирин. Мукаммал

- асарлар түшлами. 20 жилдлик. 15-жилд. –Т.: Фан. 1999. 16-бет. (Бундан кейинги иқтибослар ҳам шу нашрдан олинади ва саҳифаси қавс ичидә күрсатыб борилади.)
2. Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. Мұкаммал асарлар түшлами. 20 жилдлик. 14-жилд. –Т.: Фан. 1998. 72-бет. (Бундан кейин нашрдан олинадиган парчалар охирида саҳифаларни күрсатыб борамиз.)

و رساله‌ها و کتاب‌های فراوانی در عظمت و شان «جامی» به رشته‌ی تحریر درآمده است. «جامی» مرد میدان عشق است و عاشق، همواره زنده و جاودانه است:

هرگز نمیرد آنکه دلش زنده شد به عشق ثبت است بر جریده‌ی عالم دوام
و نام او به نیکی برد و می‌شود و در حیات و ممات، مرد نکوتامی بوده است و
بدین سبب زنده‌ی جاودانه است:

سعدیا مرد نکوتام نمیرد هرگز مرد آن است که نامش به نکوتی نبرند
اینک، «رایزن فرهنگی سفارت جمهوری اسلامی ایران در ازبکستان» با همکاری
«دانشگاه تربیت معلم حکیم نظامی تاشکند» این افتخار را یافته است که اندیشمندان و
سخن‌سنجهان این دیار را گردآورد نا در حق این عارف سخن گویند و بار دیگر به
تکریمش یادشوند و آنچه پیش روی ماست، مقالات استادان عزیزی است که در
خصوص «جامی» به رشته‌ی تحریر درآمده است. امید است مقبول افتاد.

در پایان از ژرفای وجود خواهانیم که کشور فتحیم و فهمیم و دانش پرور
ازبکستان، همچون گذشته‌ی پرثمر خود راه رشد و سعادت پوید و پیوند فرهنگی
دو ملت و دولت پر افتخار ایران و ازبکستان هر چه بیشتر استحکام یابد.

عباسعلی و قابی

رایزن فرهنگی سفارت جمهوری اسلامی ایران
ازبکستان - تاشکند